Маҳаллий пахта тозалаш корхоналарида 130 аррали жинларни қўлланилишида жиндаги бир дона арранинг иш унумдорлиги юқори ва паст навли пахтани жинлашда 9,3-6,8 кг/арра соатни ташиқ этиб, 86 аррали 3ХДМ русумли жиндаги бир дона арранинг иш унумдорлигига қараганда ўртача 19-24 % га кам эканлигини кўрсатган. Бундан ташиқари жинда арралар сонининг ошиши ишчи камера хажмининг ошишига, камерадаги хомашё валиги массасини ва зичлигини ошишига, валик тезлигини камайишига сабаб бўлган. Оқибатда жинланган чигитларнинг ишчи камерада ўз вақтида ташиқарига чиқмасдан арралар билан кўп маротаба таъсирида чигит шикастланишининг ва тола ифлослик даражасининг ошиши юзага келган.

1980 йилга келиб пахтани машина ёрдамида териш хажмининг кенгайтирилиши пахтани ифлослик даражасини ошишига олиб келган. Технологиядаги УХК агрегатининг тозалаш самарадорлиги пастлигидан пахта таркибидан ифлосликларни керакли даражада ажратиб олмаган. Натижада жинга берилаётган юқори ва паст навли пахтанинг ифлослик даражаси юқори бўлиб, меъёردаги 0,9-1,1 % ўрнига 1,8-2,2 % ни ташиқ этган. Бу ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган тола сифатининг пасайишини юзага келтирган.

Тола сифатини яхшилаш учун аррали жинни ўзида толани бошлангич тозалаш мақсадли эканлиги аниқланиб, толани тозалаш учун икки дона индивидуал трапеция кўринишидаги ажратувчи колосникларга эга бўлган 5ДП-130 русумли аррали жин ишлаб чиқарилган ва саноатга жорий этилган. 5ДП-130 русумли жинни тола бўйича тозалаш самарадорлигини аниқлаш учун қўл ва машина ёрдамида терилган пахтада тадқиқот ишлари ўтказилган. Тадқиқот натижасида қўлда терилган I ва III навли пахтани

жинлашдан ишлаб чиқарилган толани жинни ўзида тозалашда жинда тозаланмаган толага қараганда тола сифати 0,58 (абс)% ва 0,87 (абс)% га яхшиланган, лекин толани чиқиндига ажралиши юқори бўлиб, навлар бўйича чиқинди массасига нисбатан ўртача 23,8 % ва 29,6 % ни ташкил этган.

Машина ёрдамида терилган II навли пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган толани жинни ўзида тозалашда тола сифати тозаланмаган толага қараганда ўртача 0,91 (абс)% га яхшиланган. Аммо бунда ҳам чиқиндининг толадорлиги юқори бўлиб, чиқинди массасига нисбатан ўртача 27,4 % ни ташкил этган ва умумий ишлаб чиқарилаётган тола миқдорининг камайишига сабаб бўлган.

Ўтказилган тадқиқот ишлари натижасидан толани жинда тозалаш тола сифатини яхшиланишига олиб келиши аниқланган. Лекин 5ДП-130 русумли аррали жинда толани тозалаш учун ишлатилаётган 2 дона индивидуал колосниклар конструкциясининг камчилигидан толани тозалашда тола таркибидан улюк, майда ва йирик ифлосликларни керакли даражада ажратмасдан тола сифатини пасайишига олиб келиши, колосниклар қадамнинг муқобил катталиги бўлмаганлигидан эса толани тозалашда чиқиндига кўп миқдорда толанинг ажралиши юзага келиб, умумий ишлаб чиқарилаётган тола миқдорида салбий таъсир этиши ўрганилган.

Таянчли сўзлар. Аррали жин, аррали цилиндр, ажратувчи колосник, хомашё валиги, масса, зичлик, пахта, тола, тозалаш самарадорлик, ифлослик, сифат.

Аннотация. Для повышения производительности джина в развитых хлопкосеющих странах, таких как США и КНР, увеличение количества пил на валу пыльного цилиндра до 171 шт. и увеличение диаметра пил до 406 мм не увеличило производительность джина на одну пилу в час, а наоборот привело к уменьшению фактической производительности джина в среднем на 4,5-3,6 кг/пилу час, чем в паспорте, при дженировании высоких и низких сортов хлопка-сырца.

Применение 130 пыльных джинов на отечественных хлопкозаводах, производительность джина на одну пилу составила 9,3-6,8 кг/пилу в час, что на 19-24 % ниже производительности 86-ти пыльного джина типа ЗХДДМ на одну пилу в час при дженировании высоких и низких промышленных сортов хлопка-сырца. Кроме того, увеличение количества пил в джине привело к увеличению объема рабочей камеры, увеличению массы и плотности сырцового валика, снижению скорости валика. В результате увеличилось повреждение семян и засоренность волокна из-за многократного воздействия пилы на дженированные семена без своевременного выхода из рабочей камеры.

К 1980 году распространение объема машинного сбора хлопка-сырца привело к увеличению засоренности хлопка. Вследствие чего не удалялось необходимое количество сорных примесей из хлопка-сырца из-за низкого очистительного эффекта агрегата УХК в данной технологии. В результате степень засоренности хлопка-сырца высоких и низких сортов, подаваемых к пыльному джину, была высока и составила 1,8-2,2 % вместо нормы 0,9-1,1 %. Это, в свою очередь, привело к снижению качества производимого волокна.

По выпущенному 130 пыльному джину с двумя индивидуальными колосниками и внедренного в промышленность, определено, что для улучшения качества волокна целесообразно первоначально очистить волокно в самом джине.

Проведены экспериментальные работы на хлопке-сырце ручного и машинного сбора для определения очистительного эффекта джина 5ДП-130 по волокну.

В результате эксперимента улучшилось качество волокна на 0,58 (абс)% и 0,87 (абс)% при очистке его в самом джине по сравнению с не очищенным волокном в джине, при дженировании I и III сортов хлопка-сырца ручного сбора, а выделение волокна в отходах по сортам было больше и составило 23,8 % и 29,6 % от массы отходов.

Улучшилось качество волокна в среднем на 0,91 (абс)%, при очистке его в самом джине по сравнению с не очищенным волокном при дженировании II сорта хлопка-сырца машинного сбора. Однако содержание волокна в отходах также было высоким, которое составило в среднем 27,4% от массы отходов, что привело к снижению общего количества производимого волокна.

По результатам проведенных экспериментальных работ определено, что очистка волокна в джине приведёт к улучшению его качества.

Изучено, что из-за недостатка конструкции 2 индивидуальных колосников, применяемых в джине 5ДП-130 для очистки волокна привело к уменьшению качества волокна из-за недостаточного выделения улюка, мелких и крупных сорных примесей из волокна, а не из-за оптимального шага колосников, увеличились потери волокна в отходы, уменьшая общее количество выпускаемого волокна.

Ключевые слова. Пильный джин, отбойный колосник, сырцовый валик, масса, плотность, хлопок, волокно, очистительный эффект, засоренность, качество.

Annotation. In developed cotton growing countries, such as the USA and China, the number of saws on the saw cylinder shaft has increased to 171 pieces. and an increase in the diameter of the saws to 406 mm to increase the productivity of the gin did not increase the productivity of the gin per saw per hour, but, on the contrary, led to a decrease in the actual productivity of the gin by an average of 4.5-3.6 kg / saw hour than in the passport, when ginning high and low grades of raw cotton.

The use of 130 saw gins in domestic cotton factories, the productivity of the gin per saw was 9.3-6.8 kg / saw per hour, which is 19-24% lower than the productivity of 86 sawing gins of the 3HDDM type per one saw per hour with high ginning. and low industrial grades of raw cotton. In addition, an increase in the number of saws in gin led to an increase in the volume of the working chamber, an increase in the mass and density of the raw roll, and a decrease in the speed of the roll. As a result, damage to seeds and fiber debris increased due to repeated exposure of the saw to ginned seeds without timely exit from the working chamber.

By 1980, the proliferation of machine harvesting of raw cotton led to an increase in cotton infestation. As a result, the required amount of trash impurities from raw cotton was not removed, due to the low cleaning effect of the UChK unit in this technology. As a result, the degree of contamination of raw cotton of high and low grades fed to the saw gin was high and amounted to 1.8-2.2% instead of the norm of 0.9-1.1%. This, in turn, led to a decrease in the quality of the produced fiber.

Launched 130 saw gin with two individual grates and introduced into the industry, in which it is determined that in order to improve the quality of the fiber, it is advisable to initially clean the fibers in the gin itself.

Experimental work was carried out on raw cotton of hand and machine collection to determine the cleaning effect of 5DP-130 gin on fiber.

As a result of the experiment, the quality of fiber improved by 0.58 (abs)% and 0.87 (abs)% when refining it in the gin itself compared to not refined in gin, when ginning I and III grades of raw cotton by hand, and the extraction of fiber in waste by grade it was more and amounted to 23.8% and 29.6% of the mass of waste.

The quality of fiber improved by an average of 0.91 (abs)%, when refined in the gin itself, compared to unrefined fiber when ginning grade II raw cotton from machine collection. However, the fiber content in the waste was also high, averaging 27.4% by weight of the waste, which led to a decrease in the total amount of fiber produced.

Based on the results of the experimental work, it was determined that cleaning the fiber in gin will lead to an improvement in its quality.

It has been studied that due to the lack of design of 2 individual grates used in 5DP-130 gin for cleaning the fiber, the loss of fiber to waste, reducing the total amount of fiber produced.

Keywords. Saw gin, bump bar, raw roller, mass, density, cotton, fibers, cleaning effect, contamination, qualities

Кириш. Пахта тозалаш корхоналарида аррали жинлар асосий технологик машина ҳисобланиб, пахтани жинлаш ва чигитни линтерлаш цехларига ўрнатилади.

Ўтган асрнинг 75 йилларигача Республика пахта тозалаш корхоналарида 3ХДДМ русумли 86 та аррага эга бўлган аррали жинлар ишлатилган. Ушбу жинларнинг иш унумдорлиги юқори бўлиб, юқори навли пахтани жинлашда битта аррага ўртача 11,5 кг/арра соатни, паст навли пахтани жинлашда ўртача 9,0 кг/арра соатни [1] ташкил этган. Кейинчалик пахта соҳасида ривожланган АҚШ ва Хитой давлатларидаги каби жиннинг иш унумдорлигини жиндаги арралар сонини кўпайтириш ҳисобида ошириш мақсадида 3ХДДМ русумли жинлар ўрнига аввал 130 аррага эга бўлган ДП-130 русумли жинлар, кейинчалик жин такомиллаштирилиб, 4ДП-130 русумида ишлаб чиқарилади ва ишлаб чиқаришга жорий этилади [2].

Маълумки, жиннинг самарадорлиги ундаги арралар сонининг ошиши билан эмас, балки, жиндаги бир дона арранинг самарадорлиги ва иш унумдорлиги [3] билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ривожланган АҚШ ва Хитой давлатларида ишлаб чиқарилган жинларнинг аррали цилиндрида арралар сони кўп бўлиб, 170, 171 донани ташкил этиши ва арраларнинг ташқи диаметри катта бўлиб, 406 мм бўлишига қарамасдан битта арранинг ҳақиқий иш унумдорлиги жиннинг техник характеристикасидаги битта арранинг иш унумдорлигига қараганда юқори навли пахтани жинлашда ўртача 4,5 кг/арра соатга, паст навли пахтани жинлашда ўртача 3,6 кг/арра соатга кам эканлигини [4] кўрсатган.

Маҳаллий пахта тозалаш корхоналарида 130 аррали жинларнинг қўлланилишида жиндаги бир дона арранинг иш унумдорлиги юқори ва паст навли пахтани жинлашда 9,3-6,8 кг/арра соатни ташкил этиб, 86 аррали 3ХДДМ русумли жиндаги бир дона арранинг иш унумдорлигига қараганда ўртача 19-24 % га кам эканлиги аниқланган. Бундан ташқари жинда арралар сонининг ошиши билан ишчи камера хажмининг ошиши, камерадаги хомашё валиги массасини ва зичлигини ошишига олиб келган. Зичликнинг ошиши валик тезлигини камайишини юзага келтирган. Оқибатда жинланган чигитларнинг ишчи камерада ўз вақтида ташқарига чиқмасдан арралар билан кўп маротаба таъсирида чигит шикастланишининг ва тола ифлослик даражасининг ошиши юзага келган [3].

Ифлослик даражаси юқори бўлган тола тозаловчида тозаланишида тола таркибидан нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши етарли даражада ажратиб олинмаган ва тола таркибида қолиб, толанинг сифатини пасайишига сабаб бўлган. Бу ҳолат айниқса паст навли пахтани жинлашда сезиларли даражада бўлган.

1980 йилга келиб пахтани машина ёрдамида терибли олиш хажми ошган. Пахтани машина ёрдамида териблиши пахтани қўл билан териблишига қараганда ифлослик даражасини ошишига олиб келган. Технологиядаги пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш агрегати УХК бундай пахтадан ифлосликларни керакли даражада тозаламаган. Натижада жинга берилаётган юқори ва паст навли пахтанинг ифлослик даражаси юқори бўлиб, ПДИ70-2017 - пахтани дастлабки ишлашнинг мувофиқлаштирилган технологиясида қайд этилган 0,9-1,1 % ўрнига 1,8-2,2 % ни ташкил этган [5, 6]. Жинга берилган пахтанинг ифлослик даражасини ошиши толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар массавий улушини ошишига сабаб бўлиб, ишлаб чиқарилаётган тола сифатининг пасайишига олиб келган.


Пахтани дастлабки ишлашнинг мувофиқлаштирилган технологиясида (ПДИ70-2017) пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозаловчи УХК агрегатининг тозалаш самарадорлиги 80-90 % гача бўлиши қайд этилган [5]. Шунинг учун пахтани УХК агрегатида бир-неча босқичда ва чуқур тозалаш имконияти йўқ. Самарадорликни ошириш учун УХК агрегатига қўшимча пахтани тозалаш ускуналарини қўшиш эса ушбу ускуналарни ўрнатилишида технологик тизимда муаммоларни юзага келтиради. Қўшимча электр энергия ва сарф-ҳаражатларнинг ошишига олиб келади. Пахтани бир неча айландуриш ишчи қисмлар билан ўзаро таъсирида пахта толасининг эшилиши кескин

ортади ҳамда пахтани аррали жинлаш жараёнида толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар массавий улушининг меъёридан ошишига сабаб бўлиб, тола сифатига салбий таъсир этади. Бундан ташқари тола таркибидаги улюк, чигит қобиғли тола, чигаллашган тола пахтани жинлаш жараёнида юзага келиб, улар толанинг устки қатламида бўлганлиги сабабли жиннинг ўзида толани ушбу ифлос аралашмалардан тозалаш тола тозалагичда толани тозалаш жараёнига қараганда осон кечади. Шунинг учун пахтани УХК агрегатида тозалаб, толани жинни ўзида ва кейинги этапда самарали тозалашга йўналтириш, толанинг табиий хусусиятига ижобий таъсир этиб, унинг сифатини яхшилайти [7]. Буларни эътиборга олган ҳолда толани аррали жиннинг ўзида бошланғич тозалаб олиш учун 80 йилларнинг ўрталарида 4ДП-130 жин ишчи камерасининг конструкциясига ўзгартириш киритилиб, камера орқа қисмига икки донга трапеция кўринишидаги колосниклар ўрнатилади ва 5ДП-130 русуми билан саноатга жорий этилади (1-расм). Ажратувчи колосниклар трапеция кўринишида бўлиб, колосник конструкцияси 3ОВП русумли тола тозалагичда қўлланилган колосникдан олинган [8, 9]. Бунда колосникли панжарадаги ажратувчи колосниклар аррали цилиндр радиуси билан 45° градусни, колосниклар қадами 60 мм ни ташкил этган.

5ДП-130 русумли жинда колосниклар толани тозалайди. Лекин колосниклар жинга алоҳидадан маҳкамланганлиги туфайли жиннинг ишлашида колосникларнинг бўшаб кетиши юзага келиб, аррали цилиндр радиусига нисбатан оғиш бурчагининг ва колосниклар оралиқ масофасининг талаб этилган катталиқда доимий равишда бўлмасдан ўзгариши оқибатида тола таркибидан улюк ва бошқа ифлосликларнинг ажралиши камайган, колосникларнинг тозалаш самарадорлиги кескин пасайиб, юқори ва паст навли пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган толани жинда тозаланишида жиннинг тозалаш самарадорлиги 16-20 % дан ошмаган. Бунда чиқиндининг толадорлиги юқори бўлиб, чиқинди массасига нисбатан ўртача 25-32 % ни ташкил этган [10]. Шундай бўлсада тола сифатига ижобий таъсир этаётганлиги учун бугунги кунгача 5ДП-130 ва ДПЗ-180 русумли аррали жинларда 2 дондан иборат бўлган трапеция кўринишидаги колосниклар ишлатилади.

Пахта соҳасида ривожланган АҚШ, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа чет давлатлардаги аррали жинларда толани тозалаш системаси қўлланилмайди.

Ушбу давлатларда пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган тола аэродинамик ва конденсор туридаги тола тозалагичларда тозаланади [11, 12]. Аэродинамик турдаги тола тозалагичларнинг тозалаш самарадорлиги паст бўлиб, 14-18 % ни ташкил этади ва бунда асосан, толага енгил ёпишган ифлосликлар ажралади. Конденсор туридаги тозалагичларнинг тозалаш самарадорлиги эса толани чуқур тозалаши ҳисобига ўртача 35-45 % ни ташкил этиб, тола таркибидан ифлосликларни самарали ажратади ва тола сифатини яхшилайти [13]. Аммо тозалагичларда таъминловчи система ва таъминловчи валикларнинг қўлланилиши ҳисобига толани тозалашда тўқимачилик саноатида зарур бўлган тола штапель узунлигини ўртача 1,5-3,0 мм гача қисқаришига олиб келган. Бундан ташқари толанинг чуқур тозаланиши ҳисобига чиқиндининг толадорлиги юқори бўлиб,



- 1- ишчи камера, 2- чигит тароғи, 3- аррали цилиндр, 4- консол колосникли панжара, 5- ажратувчи колосниклар, 6- ҳаво камераси, 7- улюк шнеги, 8- тола ташувчи канал

1- расм. 5ДП-130 русумли аррали жин кўндаланг кесимининг схемаси

ўртача 45- 55 % ни ташкил этган. Натижада ишлаб чиқарилаётган умумий тола миқдорини камайиши юзага келган [14].

Мавжуд маҳаллий аррали жинлардаги толани тозалаш системасини ишлаш ҳолати, қўл ва машина ёрдамида терилган пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган толани жинни ўзида тозалашда тозалаш самарадорлигига, тола сифатига таъсирини ўрганиш учун ишлаб чиқаришдаги 5ДП-130 русумли аррали жинда тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тадқиқот ишлари Бўка пахта тозалаш корхонасида қабул қилинган қийин тозаланувчан қўл билан терилган С-6524 селекцияли I ва III навли пахтада ва Гулистон пахта тозалаш корхонасида қабул қилинган машинада терилган Ан-Баявут-2 селекцияли II навли пахтада ўтказилди.

Тадқиқот ишлари даврида пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган ва жинда тозаланмаган ва тозаланган толанинг сифати жиннинг орқа томонига толани тозалаш учун маҳкамланган икки дона индувидал трапеция кўринишидаги колосникларни ечиш ва ўрнатиш орқали аниқланди. Бунда намуна учун тола, жин билан тола тозалагич оралиғидаги патрубокдан олинди. Олинган намуналар корхона лабораториясида таҳлил этилди. Таҳлил натижалари аниқ бўлиши учун намуналар 9 марта такрорланиб, ўртачаси олинди. Натижалар жадвалда ва 2- расмда келтирилган.

Бошланғич намлиги 9,6 %, ифлослиги 3,2 %, жин тарновидаги намлиги 7,7 %, ифлослиги 1,04 % бўлган С-6524 селекцияли I навли пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган тозаланмаган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача 3,75 % га тенг бўлди [15].

Ушбу пахтани жинлашдан жинни ўзида икки дона трапеция кўринишидаги колосникларда тозаланишида толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача 3,17 % ни ташкил этиб, жиннинг ўзида тола сифати 0,58 (абс) % га яхшиланди. Бунда жиннинг тола бўйича тозалаш самарадорлиги ўртача 15,5 % га тенг бўлиб, чиқиндининг толадорлиги ўртача 23,8 % ни ташкил этди.

Бошланғич намлиги 13,4 %, ифлослиги 8,6 %, жин тарновидаги намлиги 8,1 %, ифлослиги 1,32 % бўлган С-6524 селекцияли III навли пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган тозаланмаган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача 4,1 % ни ташкил этди.


Жинга икки дона трапеция кўринишидаги колосникларни ўрнатиб, жиндан ишлаб чиқарилган тола колосникларда тозаланганда тозаланган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача 3,23 % га тенг бўлиб, тола сифати 0,87 (абс) % га яхшиланди [16]. Толани тозалашда жиннинг тозалаш самарадорлиги ўртача 21,2 % га тенг бўлиб, чиқиндининг толадорлиги чиқинди массасига нисбатан ўртача 29,6 % ни ташкил этди.

Гулистон пахта тозалаш корхонасида тадқиқот учун олинган машинада терилган бошланғич намлиги 12,3 %, ифлослиги 9,8 %, жин тарновидаги намлиги 8,4 %, ифлослиги 1,37 % бўлган Ан-Баявут-2 селекцияли II навли пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган ва жинда тозаланмаган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача 3,91 % га тенг бўлди.

Ушбу машинада терилган Ан-Баявут-2 селекцияли II навли пахтани жинлашдан жинни ўзида икки дона трапеция кўринишидаги колосникларда тозаланишида толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача 3,0 % ни ташкил этиб, жиннинг ўзида тола сифати 0,91 абс % га яхшиланди. Бунда жиннинг тола бўйича тозалаш самарадорлиги ўртача 23,3 % га тенг бўлди. Толани тозалашда чиқиндининг толадорлиги юқори бўлиб, ўртача 27,4 % ни ташкил этди.

5ДП-130 русумли жиндаги тозалаш системасини тола сифати ва тозалаш самарадорлигига таъсири

Кўрсаткичларнинг номланиши	Терим тури		
	Қўлда		Машинада
	I- нав	III- нав	II- нав
Пахтанинг селекцион нави	С-6524	С-6524	Ан-Баявут-2
Бошланғич			
- намлиги, %	9,6	13,4	12,3
- ифлослиги, %	3,2	8,6	9,8
Жин тарновида			
- намлиги, %	7,7	8,1	8,4
- ифлослиги, %	1,04	1,32	1,37
Жинда тозаланмаган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар-нинг массавий улуши, %	3,75	4,1	3,91
Жинда тозаланган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар-нинг массавий улуши, %	3,17	3,23	3,0
Тозалаш самарадорлиги, %	15,5	21,2	23,3
Чиқиндидаги ифлосликлар миқдори, %	76,2	70,4	72,6
Чиқинди массасига нисбатан чиқиндидаги тола миқдори, %	23,8	29,6	27,4



1- Жинда тозаланмаган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши, %, 2- Жинда тозаланган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши, % , 3- Тозалаш самарадорлиги, %, 4- Чиқинди массасига нисбатан чиқиндидаги тола миқдори, %

2- расм. 5ДП-130 русумли аррали жинда тола сифати, тозалаш самарадорлиги ва чиқинди толадорлигини, пахтани нави ва терим турига боғлиқлик гистограммаси

Тадқиқот ишлари даврида ажратувчи колосникларнинг жинга алоҳидадан маҳкамлиги сабабли, уларни бўшаб кетишидан аррали цилиндр радиусига нисбатан жойлашиши ва колосниклар орали масофасининг кенгайиши юзага келди. Бу ўз навбатида тозалаш жараёнини пасайишига ва чиқинди толадорлигининг кўпайишига сабаб бўлди.

Хулоса: 1. Бўка ва Гулистон пахта тозалаш корхоналаридаги 130 аррали жинларда юқори ва паст навли қўл ва машинада терилган пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган толани жиннинг ўзида тозаланиши тола сифатини яхшиланишига олиб келишини кўрсатди. Лекин колосниклар сонининг камлиги ва колосникларнинг бўшаб қолишидан аррали цилиндр радиусига нисбатан жойлашиш ҳолатининг ҳамда колосниклар қадамининг ўзгариши оқибатида тола таркибидан улук, майда ва йирик ифлосликларни керакли даражада ажралмаслиги тола сифатини пасайишига сабаб бўлиши аниқланди. Бундан ташқари ишчи камерадаги колосникли панжара орқа қисми билан биринчи ажратувчи колосник оралиқ масофасини ва колосниклар қадамининг муқобил катталиги бўлмаганлигидан толани тозалашда чиқиндининг толадорлиги 23,8 % дан 29,6 % гача бўлиб, толанинг чиқиндига кўп миқдорда ажралиши кузатилди.

2. Ишлаб чиқаришда олиб борилган тадқиқот ишлари толани жинда тозалаш тола сифатини яхшиланишига олиб келишини, 5ДП-130 ва ДПЗ-180 русумли жинларда ишлатилаётган 2 дона индувидал колосниклар конструкциясининг камчилигидан жиннинг ўзида пахта толасини самарали тозалаш имкони йўқлиги, бунинг натижасида тола сифатининг пастлиги ва чиқинди толадорлигини кўпайишига олиб келишини ўрганган ҳолда, аррали жинлар учун жинда толани самарали тозалаб тола сифатини оширадиган ва чиқинди толадорлигини камайтирадиган такомиллаштирилган тола тозалаш системасини ишлаб чиқиш кераклигини кўрсатди.

Reference

1. Sulaymonov R.SH., Karimov U.Q., Marufxanov B.X. 7DP-90 asosida takomillashtirilgan va avtomatlashtirilgan arrali jinni ishlab chiqish. Ilmiy hisobot. "Paxtasanoat ilmiy markazi" AJ. Toshkent. 2017. -55 b.
2. Maksudov E.T., Nuraliyev A.N. Spravochnik po pervichnoy obrabotke xlopka. Kniga 1. Tashkent- «Mehnat»- 1994-s. 257-260.
3. Sulaymonov R. Vliyaniya mejdupilnogo rasstoyaniya na protsess djinirovaniy. //J. problemi tekstilya, № 4. TITLP. Tashkent. 2005.- s.100-1003.
4. Kamalov N.Z., Sulaymonov R.SH., Bekchanov B.X. Xitoy Halq Respublikasida ishlab chiqarilgan mujassamlangan texnologik dastgohlarni o'rganish va sinash. Ilmiy hisobot "Paxtasanoat ilmiy markazi" AJ. Toshkent. 2011.- 41 b.
5. Paxtani dastlabki ishlashning muvofiqlashtirilgan texnologiyasi (PDI 70–2017). A.S. Kamalovning umumiy tahriri ostida. Toshkent, 2017, 91 b.
6. Sulaymonov R.SH., Maqsudov E.T., Axmedov M.X., Marufxanov B.X. Paxta tolasining tozalash samaradorligi yuqori bo'lgan avtomatlashtirilgan arrali jin uskunasi va paxta tolasini presslashdan oldin namlashning samarali texnologiyasini ishlab chiqish. Ilmiy hisobot. "Paxtasanoat ilmiy markazi" AJ. Toshkent. 2019.-68 b.
7. Axmedov M.X., Sulaymonov R.Sh., Mardonov B.M., Tuychiev T.O. Modelling of interaction processes of a fibrous mass with a grate in the saw generation. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. Vol. 8, Issue 1, January. 2021. ISSN: 2350-0328 - pp.16322-16327
8. Passport pilnogo djina 5DP-130. Tashkent. TGSKB po xlopkoochistke, 1983 g.
9. Sulaymonov R.SH., Kushakeyev B.Y., Madumarov X.I. Paxta tolasini tozalash dastgohini mukammallashtirish. Ilmiy hisobot. "Paxtasanoat ilmiy markazi" AJ. Toshkent. 2013. -54 b.

-
10. Sulaymonov R.SH., Axmedov M.X., Ochilov M.M. Arrali jinda tolani tozalash jarayonini modellash. Respublika ilmiy-amaliy onlayn tezislar to'plami II – sho'ba. Paxta sanoati, mexanika, to'qimachilik xomashyolarini qayta ishlashning dolzarb muammolari va ularning innovatsion yechimlari. Toshkent. TTESI. 2020. 24 sentabr.- 123-126 b.
 11. Ryszard M.Kozlowski. Handbook of natural fibres. Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Limited, 2012.
 12. Moore V.P. and C. Griffin Jr.2014. The relationship of moisture to cotton quality preservation at gins. USDA-ARS Publ.42-105. U.S. Gov. Print. Office, Washington. DC.
 13. Shandunskaya mashinostroitelnaya kompaniya po proizvodstvu xlopkopererabativayushego oborudovaniya «Lebed» KNR g. Szinan. Instruksiya po ekspluatatsii. Pilniy djin MY-171. Instruksiya po ekspluatatsii. Pnevmaticheskiy voloknoochistitel MQPQ-3000. Instruksiya po ekspluatatsii. Pilchatiy voloknoochistitel MQP 600x3000.
 14. Sulaymonov R.SH., Karimov U.Q., Marufxanov B.X. Chet el uskunolari o'rnatilgan paxta tozalash korxonalaridagi texnologiyalar va texnologik uskunalarni o'rganish va har bir texnologik jarayon va texnologik jarayonlarni avtomatlashtirish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqish. Ilmiy hisobot. "Paxtasanoat ilmiy markazi" AJ. Toshkent. 2016.-28 b.
 15. O'zDst 644:2006. Paxta. Namlikni aniqlash usullari. Toshkent, 2006.- 17 b.
 16. O'zDst 632:2010. Paxta tolasi. Nuqsonlar va iflos aralashmalar massaviy ulushini aniqlash usullari. Toshkent, 2010.- 19 b.

УДК 677.021.152

ПАХТА ИФЛОСЛИГИНИ АНИҚЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИГА САРФЛАНАДИГАН ВАҚТНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

У.Қ. Каримов , А.А.Ахмедов
"Paxtasanoat ilmiy markazi" AJ

Аннотация: Мақолада амалдаги пахтани ифлослигини аниқлаш қурилмаси ва янги автоматлаштирилган қурилмада пахта ифлослигини аниқлаш учун сарфланадиган вақт таққосланган. Таҳлил натижасида қурилмаларнинг бир соат мобайнида ўтказилган таҳлиллар сони аниқланди.

Янги автоматлаштирилган пахтанинг ифлослигини аниқлаш қурилмаси фермер хўжаликлари томонидан келтирилган пахта хом ашёсини қабул қилишда аниқлик ва тезкорликни оширишни таъминлайди, таҳлилларда инсон омилини бартараф этилишини ҳамда пахта тозалаш корхоналари, пахта тайёрлов масканлари, пахта тўқимачилик кластерлари ва пахта топирувчи фермер хўжаликлари учун транспорт воситаларини ортиқча куттиш вақтини камайтириш ҳисобига қулайликлар яратади ва пахтанинг сифатини стандарт талабларида топириш имконини беради. Ушбу мақолада пахта ифлослигини аниқлаш учун автоматлаштирилган қурилмадан фойдаланиш усули келтирилган.

Пахтанинг ифлосликлар фоизини аниқлаш учун амалдаги қурилмаларнинг усуллари тавсифланган. Улар бевосита усуллар бўлиб ҳозирги кунда жисмонан эскирган замон талаби билан модернизация қилиниши талаб қилинади. Янги ишлаб чиқилган қурилмада эса тезкор усулда ўлчовлар ўтказилиши ҳамда стандарт талабларида метрологик кўрсаткичга эга бўлиш имкони яратилади. Ишлаб чиқарилган янги қурилма пахтанинг ифлослигини аниқлашда иш унумдорлиги базавий қурилмаларга нисбатан 2,5 баробар ортиқ. Шунингдек, ишлаб чиқарилган қурилма пахтадаги ифлосликни етарли даражада аниқлик, тезкорлик ва автоматлаштирилган режимда баҳолаш имконини беради.

Калит сўзлар: пахта, майда, йирик, ифлослик, қурилма, вақт, синаш, тозалаш.

Аннотация: В статье приведено сравнение затрат времени проведения анализа засоренности хлопка-сырца на применяемых в отрасли устройствах и на новом автоматизированном приборе для измерения засорённости хлопка-сырца.

По результатам такого анализа установлено количество выполняемых анализов в течении одного часа на базовых приборах и на новом приборе. Приведен обзор методов определения засоренности хлопка-сырца методом оптического или телевизионного сканирования, ручного разбора и механических способов путем выделения сорных частиц, их взвешивание, и по процентному содержанию оценки засоренности. Наиболее предпочтительным выделен механический способ определения засоренности, однако устройства применяемые по этому принципу в настоящее время физически изношены и морально устарели и требуют модернизации. В статье описан новый способ определения засоренности хлопка-сырца гравиметрическим методом в автоматизированной установке, в которой автоматически производится взвешивание сорных примесей и обработка данных с высвечиванием на электронном табло процента засоренности хлопка-сырца. Установлено, что на новом приборе производительность анализа в 2,5 раза больше, чем в базовых приборах. Новый автоматизированный прибор при приемке хлопка-сырца от фермерских хозяйств позволяет повысить точность и оперативность контроля, исключить субъективное влияние операторов на результаты анализов, а также создаёт удобства для хлопкоочистительных заводов, заготовительных пунктов, хлопково-текстильных кластеров и фермерских хозяйств за счет сокращения времени простоев транспорта, а также сдавать хлопок-сырец стандартного качества. В статье дано описание конструкции и устройства нового прибора, его отличительные признаки, дающие преимущество в сравнении с аналогами, действующими в отрасли, описан также порядок пользования указанным прибором.

Ключови слова: хлопок-сырец, мелкий, крупный, засоренность, прибор, анализ, время, очистка.

Abstract: The article compares the time spent on analyzing the contamination of raw cotton on devices used in the industry and on a new automated device for measuring the contamination of raw cotton. Based on the results of such an analysis, the number of analyzes performed within one hour in basic devices and on a new device was established. An overview of methods for determining the contamination of raw cotton is given, the method of optical or television scanning, the method of manual parsing and mechanical methods by isolating weed particles, their weighing, and the assessment of contamination by percentage. The most preferable is the mechanical method for determining contamination, however, the devices used on this principle are currently physically worn out and morally outdated and require modernization. The article describes a new method for determining the contamination of raw cotton by the gravimetric method in an automated installation, in which the weighing of varietal impurities and data processing are automatically performed, with the percentage of contamination of raw cotton displayed on an electronic display. It was found that the analysis performance on the new device is 2,5 times higher than in the basic devices. A new automated device for receiving raw cotton from farms allows to increase the accuracy and efficiency of control, eliminate the subjective influence of operators on the results of analyzes, and also creates convenience for cotton ginning plants, procurement points, cotton and textile clusters and farms by reducing transport downtime, as well as hand over raw cotton of standard quality. The article describes the design and device of the new device, its distinctive features giving an advantage in comparison with analogs operating in the industry, the procedure for using the specified device is also described.

Key words: cotton, crayons, coarse, clogging, instrument, analysis, time, cleaning.

Кириш: Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатига талаб ошиб, кўпгина технологик жараёнларда автоматлаштирилган маҳсулот сифатини тезкор аниқлаш қурилмасини яратиш янги талабларни илгари сурмоқда. Пахта саноат соҳасида технологик жараёнларида юқори аниқликдаги ўлчаш, қўшимча параметрларни аниқлаш имконияти билан қурилмани самарали бошқариш учун тезкор, инсон омилисиз ва энергия тежамкор технологиялар талаб қилинади. Ривожланган мамлакатлар пахта маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи йирик саноат корхоналари томонидан замонавий ўчаш техникаси талабларига мувофиқ бўлган пахтанинг асосий кўрсаткичларидан бири, ифлослигини аниқлаш қурилмаларини яратиш ва жорий қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади [1]. Ўзбекистон Республикасида пахта тозалаш корхоналари лаборатория қурилмаларини техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, пахта ифлослигини аниқлаш учун илғор ахборот-ўлчаш техникаси қўллаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда [2]. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида 3.2 бандида, "Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш", вазифалари белгилаб қўйилган. Мазкур вазифалари амалга оширишга пахта ифлослигини аниқлашга техник қурилмалари ва замонавий усуллари таҳлил қилиш бўйича мақсадли илмий-тадқиқот, ўлчаш соҳасини ривожлантириш йуналишларини аниқлаш, пахта ифлослигини назорат қилишнинг назарияси ва амалиётини такомиллаштириш муҳим масалаларидан ҳисобланади [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28-ноябрдаги 3408-сонли "Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорига асосан мамлакатимизда пахтачилик тармоғини ривожлантириш, пахта тозалаш корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва пахта хом ашёсини қайта ишлаш рентабеллигини, шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [2]. Бироқ сўнгги йилларда пахта ифлослигини аниқлашнинг тезкорлигини, юқори аниқликда ва энергия тежамкор қурилмаларининг камлиги сабабли пахтани қабул қилишда вақтини тежаш, инсон омилининг таъсирини камайтиришда автоматлаштирилган пахта ифлослигини аниқлаш учун, шунингдек қурилмани яратишга мавжуд имкониятларидан фойдаланишда етарли даражада эътибор қаратилмаган. Пахта ифлослигини аниқлаш қурилмаларининг ривожланишнинг замонавий тенденцияларини, метрологик хусусиятларини яхшилаш усуллари ва муаммони ҳал қилиш учун энг сўнгги ютуқлардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш мақсадида пахтанинг ифлослигини назорат қилишнинг мавжуд усуллари ва қурилмалари таҳлил қилинди.

Ҳозирги вақтда пахта ифлослигини аниқлашга мўлжалланган қурилмалар мавжуд, бироқ улар ўтган асрнинг 70-80 йилларида ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳозирги кунда жисмонан эскирган. Дунё тажрибасида ифлосликни тезкор аниқлаш учун оптик ёки телевизион сканерлаш усуллари пахта толаси учун кенг қўлланиб келинмоқда. Ушбу тажриба Илмий марказ олимлари томонидан ўрганилган бўлиб, унинг ўлчашлардаги ҳатолиги юқори 38,2 % ни ташкил қилади [3,4,5,6]. Шу сабабли мамлакатимиз шароитида пахтани қабул қилишда фермер хўжаликлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни ойдинлаштириш мақсадида механик усулда ифлосликни аниқлаш қурилмаларини замонавий талаблар асосида модернизация қилиниш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Шу сабабли таҳлил натижаси пахтанинг ифлослигини аниқлаш учун тезкор усулдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Замонавий автоматлаштирилган пахта ифлослигини аниқлаш қурилмаси ўзининг автоматлаштирилган режимда аниқлаши, қўл операцияларини камайтириш билан ўлчаш аниқлиги ошиши, пахтани қабул қилишда ўлчов натижаларига операторларнинг субъектив таъсири бартараф этилиши, пахта миқдорини электрон ҳисоботи олиб

борилишга имконият яратилиши, пахтани тайёрлашда ҳисобий миқдорини аниқлашда аниқлик даражаси ошишига эришилади. Пахтанинг ифлослик фоизини аниқлаш учун қурилмаларнинг усуллари тавсифланган бўлиб, бу экспресс усул ёрдамида ўлчовларни амалга ошириш ва маълум метрологик хусусиятларни олиш имконини беради. Ишлаб чиқарилган тажриба мосламаси пахтанинг ифлослигини аниқлаш учун тезкор усулидан фойдаланиш мумкин. Тавсия этилган қурилмадан пахта ифлослигини назорат қилишда фойдаланилади. Шунингдек, ишлаб чиқарилган қурилма пахтадаги ифлосликни етарли даражада аниқлик ва автоматлаштирилган усул билан баҳолаш мумкин [7-8].

Мамлакатимизда пахта хомашёсини қабул қилишда асосий вазифалардан бири пахтанинг сифат кўрсаткичларини баҳолашдир. Пахтанинг сифат кўрсаткичларидан бири унинг ифлослиги ҳисобланади. Шу сабабли пахта қабул қилувчилар ва пахта етиштирувчилар ўртасида пахтанинг ифлослигини аниқлаш таҳлили учун кетган вақтга аҳамият берилди. Пахта тозалаш корхоналари, пахта қабул қилиш масканлари пахта хомашёсини стандарт талабларига мос равишда текширишлари керак. Пахта қабул қилиш маскани лабораторияларида, пахта ифлослигини аниқлаш учун ўртача кунлик (бирлаштирилган) намуна олиб таҳлил қилинади.[9-10]

Ҳозирги кунда пахта саноати соҳаси тайёрлов масканларида қўлланиб келинаётган пахтанинг ифлослигини аниқлаш бўйича қўлланиб келинаётган ЛКМ қурилмалари жисмонан эскирган. Пахта прибори ишлаб чиқарадиган корхоналар эса ёпилиб кетган ёки иш профилини ўзгартирган. Шу муносабат билан 2017-2021 йиллар соҳа лабораторияларини пахтанинг ифлослигини аниқлайдиган замонавий прибор яратиш ва уни республикада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури асосида иш олиб борилди [11-12].

Пахтанинг ифлослигини аниқлашда "O'z DSt 592:2008 Пахта. Ифлосликни аниқлаш усуллари" стандартига кўра ЛКМ ва ЛКМ-2 русумли қурилмалари билан ишланади. Унга 300 g ли кичик намуна олиб, қурилманинг бункерига жойланади, "юрғизиш" тугмачаси босилади. Қурилма ишлаши билан бункернинг қопқоғини тортиб очганда пахта қозикли бўлимига ўтади ва тезлик билан қопқоқ қайта ёпилади. Пахта биринчи секцияда 120 секунд давомида майда ифлосликлардан тозаланади ва бу вақтда "1-бўлим" лампаси ёниб туради. 120 секунд вақт ўтгач махсус электромагнит ишлаб "1-секция" лампаси ўчиб "2-секция" лампаси ёнади ва қопқоқ автоматик равишда очилиб, пахта иккинчи секцияга ўтади, бунда яна 45 секунд тозаланади. Шу вақт ўтгач "цикл тамом" деган сигнал лампаси ёниб ("2-секция" лампаси ўчади), пахта 15-секунд ичида йиғиш яшигига ўтади ва "цикл тамом" лампаси ўчиб, қурилма автоматик равишда тўхтаб қолади.

Қурилма тўхтагандан кейин ҳамма камера деворларидаги чанглари артиб, идишлар олинади ва пахта намунасининг ифлослиги (%) кўйидагича аниқланади:

$$З = \frac{m_{и} \cdot 100 \cdot K_1 \cdot K_2}{m_n}, \%$$

Бу ерда: $m_{и}$ - ажратилган (йирик ва майда) ифлос аралашмаларининг массаси, g;
 m_n – пахтани синаш намунасининг ифлос аралашмалар билан бирга тортилган массаси, g;

K_1 - тозаланган намунада қолган ифлосликни ҳисобга олувчи тузатиш коэффициентни.

Ушбу коэффициентнинг қийматлари қийин тозаланувчи селекция навлари учун O'z DSt 592:2008 стандартида келтирилган. Бошқа ҳамма селекция навлари учун $K_1=1,00$ олинади.

K_2 – ифлос аралашмалардаги намликни ҳисобга олувчи коэффицент. Агар синаш учун намунада намликнинг массавий нисбати 12%, ва ундан кам бўлса $K_2=0,98$ қўлланилади. Агар намликнинг массавий нисбати 12% дан кўп бўлса $K_2=1,00$ қўлланилади[13].

Назарий тадқиқотлар: Агарда иккала ўртача намунанинг ифлослик даражаси кўрсаткичлари орасидаги фарқ ифлослиги 10 % гача бўлган пахта учун 0,6 % дан ортиқ ва ифлослиги 10 % дан ортиқ бўлган пахта учун 1 % дан ортиқ бўлмаса, пахтанинг ҳақиқий ифлослигини топиш учун шу кўрсаткичларнинг ўртача қиймати олинади. Агарда бу фарқ кўрсатилган чегарадан юқори бўлса, захира учун белгиланган учинчи кичик намуна ҳам текшириб, учта кўрсаткичнинг ўртача қиймати аниқланади. Биз таклиф қилаётган ЛКМ-3 қурилмаси ҳозирги кунда тайёрлов масканларида қўлланиб келинаётган эскирган ЛКМ ва ЛКМ-2 қурилмалари ўрнига жорий қилиниши кўзда тутилган. Ушбу қурилмалардан фарқли ЛКМ-3 қурилмасида қўлда бажариладиган операциялар камайтирилган. Ифлос аралашмаларни тортиш ва натижаларга ишлов бериш операциялари автоматлаштирилган бўлиб, натижаларга операторнинг субъектив таъсири минималлаштирилиб, қозикли тозалаш барабанларининг айланиш тезлиги 1,65 баробар оширилиши ҳисобига ишлаш вақти 1,5 баробар қисқартирилган. ЛКМ-3 қурилмасининг ишчи органлари янгича компоновкаси қўлланиши туфайли, майда ва йирик ифлосликлар электрон тарози жойлашган жойда тарози платформаси устида жойлашган идишга тушиб, тарозида автоматик ҳолда тортилади ҳамда микроконтроллер ёрдамида махсус дастур асосида ифлослик даражаси ҳисобланади. Майда ифлосликлардан тозалаш жараёни жадаллаштирилган бўлиб, қозикли барабанларнинг тезлиги 1,65 баробар оширилган. Бу эса майда ифлосликлардан тозалаш вақтини 120 секунддан 60 секундгача камайтириш имконини берди. Булар эвазига қурилманинг иш унумдорлигини 2,5 баробарга оширишга эришилди. Бундан ташқари қурилмада регенерация секциясининг мавжудлиги туфайли чигитли пахта (летучка)лар чиқиндига тушиб кетиши рўй бермайди. Бу эса чиқидиларга тушиб кетган чигитли пахталарни қўл билан териб олишга сарфланадиган вақтни тежаш имконини беради, тозаланган пахта ичидан қолиб кетган йирик ифлосликларни ажратиб олиш, ажралиб чиқган ифлос аралашмаларни чиқариб олиб тарозида тортиш учун сарфланадиган вақтни тежаш ва бунинг эвазига таҳлиллар учун кетган вақтни камайтириши таъминлайди. Шу билан бирга таҳлил натижаларига ишлов бериш автоматик ҳолда компьютер орқали тезкорлик билан бажарилгани учун қўшимча вақт талаб қилинмайди. [14,15,16,17]

Натижалар таҳлили: Пахта ифлослигини аниқлаш учун кетадиган вақтни хронометраж қилиниб, амалдаги ишлатилаётган базавий қурилма ва автоматлаштирилган янги қурилма билан пахта хомашёсини ифлослигини аниқлашда сафланадиган вақтни солиштириш бўйича натижалар 1-жадвалда келтирилган.

ЛКМ, ЛКМ-2 ва ЛКМ-3 қурилмаларида пахта ифлослигини аниқлаш учун сарфланадиган вақтни таққослаш жадвали

1-жадвал

№	Пахта ифлослигини аниқлаш жараёнларида сарфланадиган вақт сарфи	Қурилма турлари	
		ЛКМ ЛКМ-2	ЛКМ-3 автомат- лаштирилган режимда
1	Умумий ишлов бериш вақти, сек	180	120
2	1 секцияда майда ифлосликдан тозалаш вақти, сек	120	60
3	2 секцияда йирик ифлосликдан тозалаш вақти, сек	45	45

4	Тозаланган намунанинг чиқариш вақти, sek	15	15
5	Чиқиндига тушган толали чигит (летучка) ларни қўлда ажратиш ва тозаланган пахтага қўшиш вақти, sek	30	-
6	Тозаланган пахта ичида қолиб кетган йирик ифлосликларни қўлда ажратиб чиқиндига қўшиш учун сарфланадиган вақт, sek	30	-
7	Ифлосликларини йиғиб олиш ва тарозида тортиш вақти, sek	30	-
8	Тортилган ифлосликларни ҳисоб-китоб қилишга кетадиган вақти, sek	30	-
	Жами вақт, sek	300	120

Автоматлаштирилган қурилмада ўтказилаётган пахтанинг ифлослигини аниқлаш таҳлилини тезкор ва аниқлик даражасини юкорилиги туфайли пахта-тўқимачилик кластерлари тизимидаги пахта тозалаш корхоналари катта ҳажмдаги пахта хомашёсига сифат кўрсаткичларини қисқа вақт ичида аниқлаб бериш имкони мавжуд бўлади.

Хулоса. Ифлосликни аниқлаш таҳлили натижасида қуйидаги хулоса олиш мумкин. Пахта ифлослигини аниқлаш учун базавий усулда бир намуна учун 5 min, таклиф қилинаётган усулга нисбатан 2 min ортиқроқ вақт сарфланар экан. Янги автоматлаштирилган қурилмада бир намуна ифлослигини аниқлаш учун 3 min вақт сарфланар экан. Агар базавий усулда бир соат мобайнида 12 та пахта намунасининг ифлослиги аниқланса, янги қурилмада бир соат мобайнида 20 та намуна бўйича пахтанинг ифлослигини аниқлаш имкони мавжуд. Бу эса фермер хўжаликларидан келтириляётган пахтани ифлослигини ҳар бир транспорт воситаси бўйича инструментал усулда қабул қилиш имконини беради, ҳамда пахта топширувчи фермер хўжаликларининг транспорт воситаларини ортиқча кутиб қолиш вақтини камайтиради.

Refrence

1. 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi
2. O'zbekistor Respublikasi Prezidentining PQ-3408 "Paxtachilik tarmog'ini boshqarish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori 28.01.2017 y.
3. Paxtani dastlabki ishlash bo'yicha qo'llanma. "Paxtasanoat ilmiy markazi" AJ, Nodirabegim nashriyoti, Toshkent 2019 yil.
4. TTESI, Fan, ta'lim, ishlab chiqarish integratsiyalashuvi sharoitida innovatsion texnologiyalari dolzarb muammolari. Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi, II-qism, ilmiy maqolalar to'plami, 29-30 noyabr, Toshkent, 2018, s.38-40.
5. O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining 21 yilligiga va "Mustahkam oila yili" ga bag'ishlangan "Ishlab chiqarish korxonalarining iqtisodiy samaradorligini oshirishda yangi texnika va texnologiyalarning roli" mavzusidagi ilmiy-amaliy anjumani. Namangan muhandislik-texnologiya instituti. Namangan-2017 b.19-20
6. Innovatsionnie texnologii na proizvodstve i v visshem obrazovanii. Materiali Respublikanskoy nauchno-prakticheskoy konferensii 16-17 maya 2017 goda (1-tom), Andijon s.247-248.
7. Ixtiroga patent № UZ IAP 06266. Paxta xom ashyosining iflosligini aniqlash uchun asbob.10.04.2017 yil.
8. Usovershenstvovaniye Konstruktsii ustroystva dlya opredeleniya zasorennosti xlopka-sirsa tipa LKM-2 s uluchshennimi metrologicheskimi xarakteristikami metodiki opredeleniya zasorennosti xlopka-sirsa, Otchet o NIR (zaklyuchitelniy) AO "Paxtasanoat Ilmiy Markazi". 1113, Tashkent, 1911, 64 str.

-
9. "Paxtachilik" G'oz'za morfologiyasi, biologiyasi, o'stirish texnologiyasi R.Oripov, S.Ostonov qo'llanma, Samarqand, 2005 yil.
 10. O'zDSt 615:2008 Paxta. Texnikaviy shartlar, Toshkent, 2018 yil.
 11. "Opitno-konstruktorskaya razrabotka laboratornogo ustroystva LKM-3 dlya opredeleniya zasorennosti xlopka-sirsa", Otchet o NIR (zaklyuchitelnyy AO "Paxtasanoat Ilmiy Markazi".tema 141101 2014, 66 str.
 12. Izucheniye zarubejnogo opita v oblasti sozdaniya effektivnix system I ustroystv avtomatizirovannogo kontrolya dlya upravleniya parametrami kachestva produkcii pererabotki s selyu primenyaya na otechestvennix xlopkozavodax, otchet o NIR (zaklyuchitelnyy) OAO "Paxtasanoat Ilmiy Markazi". Tashkent Tema 1201.03, 88 str.
 13. O'zDSt 592:2008 Paxta. Ifloslikni aniqlash usullari, Toshkent, 2018 yil
 14. U.Karimov A.Axmedov Sh.Sheraliev To the question of improving the design of the device for determining the contamination of raw cotton. Proceedings of Global Technovation 7th International Multidisciplinary Scientific Conference Hosted from Sydney, Australia <https://conferencepublication.com> May 30 th 2021 38-42
 15. K.Jumaniyazov. U.K. Karimov Vibor napravleniya issledovaniy po usovershenstvovaniyu ustroystva LKM "O'zbekistonda paxtachilikning rivojlanishi istiqbollari" mavzusida ilmiy-amaliy konferensiya 7-oktabr Innovatsiya Vazirligi Toshkent-2021y 111-113 varaq.
 16. U.Q. Karimov Paxta iflosligini aniqlash uchun avtomatlashtirilgan LKM-3 qurilmasi. O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi tomonidan Xalqaro paxta kuniga bag'ishlab tashkil etilgan tadbirlar doirasida "O'zbekistonda paxtachilikning rivojlanishi istiqbollari" mavzusida ilmiy-amaliy konferensiya 7 oktabr Toshkent 2021y 108-110 varaq.
 17. U.Q. Karimov, A.Axmedov Paxta iflosligini aniqlash uchun avtomatlashtirilgan o'lchov qurilmasi. Ishlab chiqarishning texnik, muxandislik va texnologik muammolari innovatsion yechimlari xalqaro miqyosdagi ilmiy-texnik anjuman, Jizzax politexnika instituti, Jizzax-2021 yil 29-30 oktabr 1-Qism, 843-847 varaq.

УДК 539.4.014.13

**ТЕРМОДИНАМИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ ФОРМИРОВАНИЯ ОСТАТОЧНЫХ
НАПРЯЖЕНИЙ ПРИ ДИНАМИЧЕСКОМ УПРОЧНЕНИИ ДЕТАЛЕЙ
ХЛОПКОПЕРЕРАБАТЫВАЮЩИХ МАШИН**

С.Р. Назаров, И.Г. Шин, Р.Б. Ерматов
Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Annotatsiya. Mashina qismlarining toliqishga chidamliligi asosan ularning sirt qatlamining sifatiga bog'liq bo'lib, u geometrik va fizik-mexanik parametrlarini o'z ichiga oladi. Mashinasozlikda maxsulotlarni ishchanligig so'ngilarini orasida ko'proq siklik (belgi o'zgaruvchanligi)yuklanishlarni ta'sir o'tkazishi, texnologik qoldiq kuchlanishni ko'rsatadi, ya'ni ishlov berish yoki so'ngi mexanik operatsiyalarda shakillanadi, shuningdek sirt plastik deformatsiyasida pardozlash – mustaxkamlash usuli bilan ishlov beriladi. Yuklanishdagi o'rtacha kuchlanish siklik yaqqol kamayishi mumkun, jumladan siquvchi qoldiq kuchlanish mashina detallarining uzoq muddat ishlashligiga maqbul ta'sir etishi orqali tushuntiriladi. Kuchlanganlik holati xarakteristikasi uchun qoldiq kuchlanish jadalligi va uning analitik baholash ko'rsatkichini ko'rsatish muhim. Kuchlanish strukturasi sathini qarab chiqishda deformatsiya sathi strukturasi tegishliligi talab etilib, J.Frikodel formulasi asosida qoldiq kuchlanish shakillanishi kinetikasi makro va mikro tassavurlarini loyihalashda yuzaga keladigan dislokatsiya sathiga asoslanganligi, o'rta ichki qoldiq kuchlanish orqali deformatsion mustaxkamlashni qaysidir yashirin (zaxiraviy) energiya bog'laydi. Droblar orqali dinamik mustahkamlash qoldiq

kuchlanish shakillanishi termodinamik modeli taklif etilib, dislokatsiya nazariyasi va termodinamikaning birinchi qonuniga asoslanib, shuningdek yo'l qo'yilgan deformatsiyaning U_s yashirin energiyasi E_d dislikatsiya energiyasiga teng deb qabul qilingan. Tezligi $v = 30...40$ m/s dagi diametri $D = 0,5...1,0$ mm bo'lgan drob orqali arrali disk tishlariga drobli zarbalash bilan ishlov berish tadqiqot tajribalari ishlab chiqarish uskunasi o'tkazilgan. Mustaxkamlashda drobli zarbalash samaradorligi, paxta tozalash korxonalarida arrali disklarni ishlab chiqarish sinovlari vaqtida puxtalangan sirt qatlami va siquvchi qoldiq kuchlanish shakillanishi bilan bog'liqligi o'z tasdig'ini topdi. Qoldiq kuchlanish qiymatini hisoblash bo'yicha, deformatsiyani zaxiraviy energiya sathiga tegishliligi aniqlangan, ishlab chiqarishda foydalanilayotgan paxta tozalash mashinalarining arrali disklarini toliqishdagi mustahkamligini baholashni amalga oshirilishi mumkin.

зарядланиб, уларнинг бир қисми тараш машинаси бункери ҳамда бошқа қисмларида қолиб кетиши натижасида чиқаётган пилта нотекис ва юзасида эса непслар пайдо бўлиши кузатилган. Шунингдек, пилталаш машинасида пилта таъминловчи столча сиртида сирпаниб узатувчи жуфтлик орқали чўзиш асбобида чўзилиб юпқалашган маҳсулот зичлагич тиркишига йўналтирилиб, пилтага айлангач, яссиловчи валиклардан йўналтирувчи канал орқали ўтиб, пилта тахлагич валиклари ёрдамида тортиб олинади ва тазга тахланади. Кўриниб турибдики, пилталаш машинасида ҳам ишқаланиш жадал содир бўлишига қарамай тажрибавий толалардан шаклланаётга ярим маҳсулотлар ҳам ортиқча зарядланмай ип хоссасига салбий таъсир кўрсатмай, эмульсиялашнинг такомиллашган усулининг ижобий таъсири намоён бўлади. Бундан фарқли ўлароқ кутбланган электр майдонида толаларни эмульсиялаш натижасида ип хоссаларига юқорида таъкидланганидек, зарядловчи электродлар орасидаги масофа таъсир қилади. Ипнинг хосса кўрсаткичлари ўзгариши зарядловчи курилмани 100в лигида ўрганилиб натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Пахта-нитрон аралаш ип хосса кўрсаткичларининг зарядловчи электродлар орасидаги масофага боғлиқлиги

№	Баландлик	Чизиқий зичлиги	Устер бўйича нотекислик, %		Солиштира узулиш кучи Rkm		Узулишдаги узайиш		Узиш кучи		Ингичкалиги	Йўғонлиги	Непс
	Н, мм	Текс	U %	CV %	cN/tek	CV %	%	CV %	N.cm	CV %	-50%	50%	200%
1	80	20,4	13	16,6	12,5	8,3	5,8	5,6	4,5	12,6	25,8	417	26,2
2	100	20,2	11,6	14,7	13	6,8	6,5	6,8	5,6	13,5	25,0	143,7	22,5
3	120	19,6	15,5	19,9	9,7	7,9	4,6	7,1	1,8	13,9	151,8	927	502
4	140	19,8	14,8	18,9	11,2	8,6	4,7	8,2	2,5	16,1	98,3	820,8	319,1

Юқоридаги жадвал кўрсаткичларини қиёслаб ўрганиш натижасида ип хосса кўрсаткичларининг ўзгариши маълум бўлмоқда. Кутбланган электр майдони электродлар орасидаги масофа 80 мм дан 140 мм гача ўзгарганда ипнинг барча хоссалари бир хилда ўзгармаслиги кўриниб турибди. Масофанинг ортиши билан Устер бўйича нотекислик дастлаб 11,6 % гача камаяди, сўнгра яна 15,5 гача ошади. Бу ерда ҳам экстремум, яъни энг паст кўрсаткич мавжудлиги исботланди. Шуниси диққатга сазоворки, солиштира узиш кучининг максимал қиймати айнан энг паст нотекисликга тўғри келади. Бу кам кузатиладиган ҳолат бўлиб, толаларни эмульсиялашни кутбланган майдонда амалга ошириш билан боғлиқлиги бўлиши керак. Бунинг исботлаш учун қўшимча тажрибалар, масалан, жараёни математик режалаштириш экспериментларини ўтказиш асосида параметрларни оптималлаш лозим. Масофа 100 мм дан ошганда ипнинг барча

кўрсаткичлари ёмонлашиши кўриниб турибди. Шундай қилиб, мазкур омилнинг ўзгариш интервали 100-110 ммдан ошмаслиги лозим.

Толаларни эмульсиялашда таъсир этувчи яна бир омил эмульсия концентрати ҳисобланади. Одатда эмульсиянинг 10 % ли концентрати қўлланилади. Қутбланган майдонда зарядланган кимёвий толаларни бироз ошикроқ концентратли эритмада эмульсиялаш мақсадида 8 % - 12 % ли эмульсиянинг ип хоссаларига таъсири ўрганилди. Бунинг учун эмульсия концентрати корхона шароитида, ишлаб чиқариш лабораториясида тайёрланди. Олдиндан тайёрланган турли концентратли эмульсиялар бирин кетин зарядланган майдондан чиқаётган кимёвий тола-нитронга пуркагич ёрдамида сепилди. Барча вариантлар бўйича эмульсиялаш тугаганидан сўнг толалардан аралаш ип намуналари йиғириб олинди. Шуни таъкидлаш керакки, эмульсиянинг 8% ли концентратида тараш жараёни ёмонлашганлиги учун тажриба учун қабул қилинмади. Шундай қилиб, эмульсиянинг 10 ва 12 % ли концентратларида тажрибалар ўтказилиб, ип намуналари олинди. Ип намуналарининг физик-механик хосса кўрсаткичлари аниқланиб, тажриба натижалари 3-жадвалда жамланди.

3-жадвал

**Аралаш ип хосса кўрсаткичларининг эмульсия концентратига
боғлиқлиги**

№	Эмульсия миқдори	Чизиқий зичлиги	Устер бўйича нотекислик, %		Солиштира узулиш кучи Rkm		Узулишдаги узайиш		Узиш кучи		Ингичкалиги	Йўғонлиги	Непс
	%	Текс	U %	CV %	cN/tek	CV %	%	CV %	N.cm	CV %	-50%	50%	200%
1	10	19,8	13,6	17,4	11,9	12,4	5,7	10,6	4,1	20,3	37,5	487	92
2	12	20,3	14,6	18,5	11,4	10,8	5,1	9,3	3,7	19	74	730	236

Жадвал таҳлилидан эмульсия таъсири бироз бўлса-да сезилмоқда. Масалан, эмульсия концентрати ошиши билан ипнинг солиштира узиш кучи 11,9 дан 11,4 сН/тексгача пасайган. Устер бўйича нотекислиги эса 17,4 дан 18,5 гача ошган. Демак, эмульсия ҳам ип хосса кўрсаткичларига таъсир кўрсатади. Шуни инобатга олиб, келаси тажрибаларда эмульсия концентрати 10 % дан 12 % гача ўзгартириш мумкинлиги аниқланди.

Хулоса: Қутбланган электр майдонида кимёвий тола - нитронни зарядлаб, уни эмульсиялаш натижасида олинган аралаш ип намуналарининг хоссаларини ўрганиш асосида такомиллашган эмульсиялаш қурилмаси параметрларидан электр майдони кучланиши ва майдон ҳосил қилувчи электродлар орасидаги масофа ҳамда эмульсия концентрати таъсир этиши аниқланди ҳамда қурилма ишини оптималлашга зарур омилларнинг вариация интерваллари аниқланди.

Reference

1. Biznes-plan "Organicheskiy sintez i volokno nitron" Navoi. 2004 g.
2. L.O.Maksudov, O.O.Rajabov, M.SH.Xoliyarov, Daslabki tarash zonasida tolalarga havo qarshiligini tahlil qilish// TTILP, 2013 g.
3. Y.Stepanova "Izucheniye svoystv xlopkonitronovoy pryaji novogo assortimenta" magistrskaya dissertatsiya// Tashkent. 2005 g.
4. Juravleva I.I., Akopyan V.A. Visokomolekulyarniye soyedineni. Chast VI. Sinteticheskiye polimeri: uchebnoye posobiye / Samara: Izdatelstvo «Samarskiy universitet»,2014. 528 s.
5. Kukin G.N., Solovev A.N., Koblyakov A.A. Tekstilnoye materialovedeniye. M.: Legprombitizdat. 1989 g. – 352 s.
6. Nabieva I., Ergashev K. Deing of a blended knit made of cotton and modified Nitron fibre. Fibre Chemistry. Sep 2009, Vol. 41 Issue 5, p. 317-320
7. Elektronniy resurs:<https://neftegaz.ru/analysis/companies/328604-khimi-cheskie-volokna-na-mirovom-rynke-v-2015-goda-chast-2/>
8. Geller B.E. Poliakrilonitrilniye volokna. Perspektivi razvitiya proizvodstva. Obzor. // Xim. volokna. - 2002. - № 3. - s. 3-11
9. Perepyolkin K. YE. Sovremenniy ximicheskiye volokna i perspektivi ix primeneniya v tekstilnoy promishlennosti. Ros. xim. j. (J. Ros. xim. ob-va im. D.I. Mendeleyeva)// 2002, t. XLVI, № 1
10. Berkovich A.K. i dr. Sintez polimerov na osnove akrilonitrila. Texnologiya polucheniya PAN i uglerodnix volokon. Moskva// MGU imeni M. V. Lomonosova, 2010. – 63 s.
11. Deng B., Cai R., Yu Y., Jiang H. et.al. Laundering durability of superhydrophobic cotton fabric// Adv Mater 2010; 48 (22): r. 5473-5477.
12. O.X.Eshqobilov. Mashinasozlik kompozitsion polimer materiallarning antifriksion xossalari o'rganish uchun metodika va qurilmani va ular asosida tolali massa (paxta misolida) ta'sirida ishlaydigan qoplamalarni olish texnologiyasini ishlab chiqish. Dissertatsiya tex., fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) // Toshkent. 2018 y.
13. Balashova T.D., Bulusheva N.YE. i dr. Kratkiy kurs ximicheskoy texnologii voloknistix materialov. 1984 g.
14. Elektron resurs: <http://hozr.org/sintetik-tolalar.html>.
15. Kogan A.G., Skobova N.V. Texnologiya i oborudovaniye dlya proizvodstva rovnitsi i pryaji: uchebnoye posobiye // Vitebsk: UO «VGTU», 2009. - 240 s.
16. O.O.Rajabov "Teoreticheskiye i prakticheskiye osnovi pryadeniya volokon s xlopkonitronovoy smesyu" Dis. na soisk. uchen. stepeni (PhD) // Toshkent. 2019 g.
17. Rajapov O.O., Gafurov K.G., Arabov J. Usloviya polucheniya ravnomernoy smesi iz xlopko-nitronovogo volokna s minimalnoy neravnomernostyu smeshivaniya // Universum: texniceskiye nauki : elektron. nauchn. jurn. 2020. 11(80)
18. Pavlov Y.V. i dr. Laboratorniy praktikum po pryadeniyu xlopka i ximicheskix volokon: uchebnoye posobiye. Ivanovo: IGTA,2006.
19. Arabov, J.; G'ofurov, Q.; and Rajapov, O. (2020) "The effect of emulsification of chemical fiber on the properties of yarn," Textile Journal of Uzbekistan: Vol. 9 : No. 1, Article 9.

ҚИЙҚИМ ВА ЛАХТАКНИ РЕГЕНЕРАЦИЯЛАШДА ТОЛАВИЙ ҚАТЛАМ НОТЕКИСЛИГИНИ ПАСАЙТИРИШ

¹М. Шамуратов, ²Ж.К.Ғафуров, ¹Қ. Ғафуров, ³Х.Т.Бобожонов

¹Tashkent Institute of Textile and Light Industr., ²Jizzakh Polytechnic Institute,

³Namangan Institute of Engineering Technology

Аннотация. Мақолада тўқимачилик толаларидан ип ишлаб чиқаришда йигириш усуллари ва хомашёдан қатъий назар толали қатлам ҳосил қилиниши учун кўпинча қўлланиладиган махсус қурилма-тўрли ёки перфобарабан иши таҳлил қилинган. Перфобарабан конструкцияси бўйича муштаҳамроқ бўлгани учун титиш-тозалаш машиналарида, хусусан, қийқим ва лахтаклардан тола тикловчи ускуналарда бир неча бор такрорланиб, кетма-кет қўлланилади. Перфобарабаннинг сиртида шаклланидиган тола қатлами кўп жиҳатдан сўрувчи ҳаво босимининг барабан бўйлаб тақсимланишига боғлиқ. Ҳар бир ўтим перфобарабани сиртида титилган толалардан аэродинамик усулда толалар қатлами шаклланиб, кейинги титувчи барабаннинг таъминловчи жуфтлиги қисқичига узатилади. Одатда перфобарабаннинг ён томонларидан ҳаво сўрилиши натижасида барабан ўқи бўйлаб қалинлиги ўзгарувчан, яъни четлари қалин, ўртаси эса юнқароқ қатлам шаклланади. Саваши машиналарида ўрнатилган тўрли барабанлар сиртида толавий бўлакчалар юнқа жойларга сўрилади ва қатлам текисланиши таъкидланган. Толалар барабаннинг сиртида қатлам бўлиб жойлашишини ўрганиш мақсадида барабан ўқи бўйлаб ҳаво босими ўлчанди. Шунини таъкидлаш керакки, ҳавонинг сўрилиши гипербалоиднинг бўйлама кесими кўринишида бўлиши аниқланганлиги натижасида тола қатламини барабан ўқи бўйлаб ўлчамли ўзгарувчан тирқилиш орқали амалга ошириш тавсия этилган. Ҳаво оқимини сўриш гипербалоид кесими шаклидаги турли ўлчамли тирқилишлар орқали амалга оширилганда ҳаво босими барабан ўқи бўйлаб ўзгармаслиги тажрибада аниқланди. Шу йўл билан перфобарабан сиртида толавий қатлам қалинлиги бир хиллигига эришиш мумкинлиги амалда исботланди.

Калит сўзлар. Қийқим, лахтак, перфобарабан, тола қатлами, нотекислик, ҳаво босими.

Аннотация. В статье независимо от способа прядения и сырья анализируется работа специального устройства - сетчатого или перфорированного барабана, который используется для формирования равномерного волокнистого слоя для производства пряжи из текстильных волокон. Поскольку перфорированные барабаны имеют более прочную конструкцию, они многократно используются в разрыхлительно-трепальных, а также, в оборудовании для регенерации волокон из швейных выкоек и лоскута. Волокнистый слой, образующийся на поверхности перфобарабана, в значительной степени, зависит от распределения давления всасываемого воздуха вдоль барабана. На поверхности перфобарабана каждого перехода аэродинамически формируется слой из регенированных волокон, который передается в зажим питающей пары последующего разрыхляющего барабана. Как правило, в результате всасывания воздуха с двух торцов перфобарабана толщина формируемого волокнистого слоя на поверхности изменяется вдоль его оси, т. е. края слоя более толстые, а его середина образуется более тонкой. На поверхности перфобарабанов, установленных на трепальных машинах, клочки волокон присасываются к тонким участкам и происходит частичное выравнивание. Для изучения формирования волокнистого слоя на поверхности перфобарабана измерялось давление воздуха вдоль оси барабана. Следует отметить, что давление всасываемого воздуха изменяется в форме сечения гипербалоида, из-за чего рекомендуется формировать волокнистый слой всасыванием воздуха через щель, имеющую форму сечения

гипербалоида. Экспериментально установлено, что давление воздуха вдоль оси барабана при его всасывании через щель, имеющая форму сечения гипербалоида не изменяется. Таким образом, на практике доказано, что можно достичь равномерность толщины волокнистого слоя на поверхности перфобарабана.

Ключевые слова. Выкройки, лоскут, перфобарабан, слой волокна, неровнота, давление воздуха.

Abstract. The article, regardless of the spinning method and raw materials, analyzes the operation of a special device - a mesh or perforated drum, which is used to form a uniform fibrous layer in the production of yarn from textile fibers. Since the perforated drums are more durable, they are reused in scutcher and in equipment for the regeneration of fibers from sewing patterns and flaps. The fibrous layer formed on the surface of the drum is largely dependent on the pressure distribution of the intake air along the drum. On the surface of the perforated drum of each transition, a layer of regenerated fibers is aerodynamically formed, which is transferred to the clamp of the feed pair of the subsequent loosening drum. As a rule, as a result of air suction from the two ends of the perforated drum, the thickness of the formed fibrous layer changes along its axis, i.e., the edges of the layer are thicker, and its middle is thinner. On the surface of perforated drums installed on scutchers, scraps of fibers stick to thin areas and partial alignment occurs. To study the formation of a fibrous layer on the surface of the perforated drum, the air pressure was measured along its drum axis. It should be noted that the suction air pressure changes in the form of a hyperbaloid section, which is why it is recommended to form a fibrous layer by sucking air through a slot in the form of a hyperbaloid section. It has been experimentally established that the air pressure along the axis of the drum does not change when it is sucked through a slot in the form of a hyperbaloid section. Thus, in practice, it has been proven that it is possible to achieve uniform thickness of the fibrous layer on the surface of the perforated drum.

Key words. Patterns, flap, perforated drum, fiber layer, unevenness, air pressure.

Кириш. Тўқимачилик саноати тараққиётига Ўзбекистонда катта эътибор берилмоқда [1-4]. Маҳаллий хомашёни тўла-тўқис республикада қайта ишлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, сўзсиз, тўқимачилик саноати ва тикувчиликда толали чиқиндиларнинг ортишига олиб келади. Натижада тўқимачилик хомашёси резервлари кенгайиб, уларни қайта ишлаш ва бозори чаққон, инновацион тайёр маҳсулотлар яратиш муаммосини ечиш тақозо этилади. Шундай масалалардан бири тикувчилик қийқимлари ва лахтакларни қайта ишлаб, улардан тола тиклаш ҳисобланади. Шунинг учун сўнгги пайтларда тикувчилик қийқимлари, лахтаклар ва чиқиндилардан тола тиклаш ҳамда улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Мазкур тадқиқотларда қийқим ва лахтак ҳамда тўқимачилик чиқиндиларидан тола тиклаб, маҳсулот ишлаб чиқариш масалалари кўрилган [5-25]. Мазкур тадқиқотларда чиқиндилардан тола тиклаш (регенерациялаш) технологияси таҳлил этилиб, режурстежамкор техника ва технология [5] ишда ўзлаштирилган бўлса, тўқимачилик чиқиндиларидан тикланган толаларни лавсан толаси билан аралаштириб, трикотаж матоси олиш [6] ишда батафсил кўриб чиқилган ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган. Жун толасини қайта ишлаш саноатида ажраладиган чиқиндиларни регенерациялаб, олинган толалардан фойдаланиш технологиясининг самарадорлигини ошириш [7] ишда ўрганилган. Чигал ип ва лахтакдан тикланган толалар олиш технологияси самарадорлигини оширишга бағишланган тадқиқот ишлари асосан кескичлар бўйича таклиф этилган [9]. Мазкур ишлар юқори савияда бажарилган номзодлик ва докторлик диссертациялари бўлиб, технология таҳлили асосида янги конструкциялар яратилган. Улар асосан янги машиналар конструкциялари ва технологияни такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, тикланадиган тола таркиби ҳамда хоссаларини яхшилашни деярли четлаб ўтади. Кескичларни такомиллаштириш [9] да батафсил ўрганилган, лекин толалар тикланганда титилмай қолган иплар таркиби ва ҳажми ўрганилмаган. Тикланган тола

таркибини яхшилаш бўйича ҳеч қандай тадқиқотлар ўтказилмаган. Шунини таъкидлаш керакки, мазкур таъкидланган қурилмалар асосан таъминловчи цилиндрлар орасида қисилган қийқимларни юлиб титувчи, арра тишли ёки игна тишли гарнитуралар билан қопланган барабанлар ва уларга узатиладиган таъминловчи қатламни шакллантирувчи турли ёхуд перфобарабанлардан ташкил топган [15-25]. Мазкур перфобарабанларнинг ишлаш принципи барабан ички қисмининг икки ён томонидан ҳаво вентилятор ёрдамида сўрилганда, толаларнинг барабаннинг тешикли сиртига жойлашиб қолишига асосланган. Кескичларнинг таснифи ва тузулиши яхши ёритилган, лекин уларнинг камчиликлари атрофлича баён этилмаган. Ишнинг мақсади қийқим ва лахтаклардан тикланадиган толаларнинг хосса кўрсаткичларини яхшилашдан иборат. Мақсадга эришиш учун айрим масалалар ўрганилди.

Назарий қисм. Лахтак кесилганда мато қийқимлари тасма-тасма бўлиши салбий ходиса ҳисобланади, чунки тасманинг бўйлама иплари кўндаланг ипларидек титилмай қолдиқ ип нуқсонини кўпайтиради. Шунингдек таъминловчи қатламда кўндаланг жойлашиб қолган тасма кўринишидаги қийқимлар кесилмай ўтиб, мазкур нуқсон пайдо бўлиш эҳтимоли мавжуд. Ушбу мулоҳазалар юқорида келтирилган тадқиқот ишларида келтирилмайди. Ушбу нуқсонни бартараф этиш учун қийқим ва лахтак аралашмали таъминловчи қатламни ҳам бўйлама, ҳам кўндаланг йўналишида кесиш керак. Шу жараён амалга оширилса, ҳосил бўлувчи қийқимлар ўлчамлари бўйича нотекислиги кескин пасаяди ва титилмаган ип қолдиқлари сони камайиб, регенерация самарадорлиги ошади. Шунини таъкидлаш керакки, иккита бир-бирига перпендикуляр йўналишда ишловчи лазер кескичли қурилмалар мавжуд, лекин улар қимматбаҳо қурилмалар ҳисобланиб, чиқинди материалларни қайта ишлашда тавсия этилмайди. Шунинг учун юқори самарадорликка эга қийқим ва лахтакларни майдаловчи кескич конструкцияларини яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Кескичлар ёрдамида майдаланган қийқим ва лахтак бўлакчалари тола тикловчи машиналарга узатилади. Перфобарабаннинг сиртида шаклланадиган тола қатлами кўп жиҳатдан сўрувчи ҳавонинг барабан бўйлаб тақсимланишига боғлиқ. Барабан ичидан ҳаво сўрилганда унинг икки четида ҳаво каттароқ босим кучи юқори, ўртасига қараб эса ҳавонинг босим кучи пасайиб бориши кузатилади. Саваш машиналарида ўрнатилган турли барабанлар сиртида толавий бўлакчалар юпқа жойларга сўрилади ва қатлам текисланиши таъкидланган. Қийқим ва лахтаклардан тола тиклашда мазкур жараён, яъни толаларнинг ёки айрим мато бўлакчаларининг перфобарабан сиртида жойлашиши қандай амалга ошириш тўғрисидаги маълумотлар адабиётларда учрамайди. Шунингдек, толавий қатлам қалинлигининг кўндаланг йўналишида ўлчамлари бўйича ҳам маълумотлар учрамайди. Шаклланган холстнинг структуравий нотекислиги холстомерда ёруғлик фонида қалинлигини кўриб баҳоланган. Шунини таъкидлаш керакки, қатлам қалинлиги ҳеч вақт бир хил бўлмаган. Қийқимлардан тола тиклаш жараёни холст қатламини қабул барабани билан тарашдан кескин фарқ қилади, чунки таъминловчи толавий қатлам ҳар хил. Қийқимларни титишда каттароқ куч сарфланиши натижасида катта кучда сиқилган қийқим ип ва толаларга ажралса, бироз бўлса-да, камроқ сиқилган қийқим ипга ҳам ажралмай қисқичда сирғалиб, бутунлигича ҳам чиқиши мумкин. Шунинг учун Хитой регенираторида камида еттита перфобарабан ва шунча титувчи барабан қўлланилиши бежиз эмас. Мазкур регенираторнинг афзаллиги шундаки, титилмаган қийқим парчалари ҳамда қолдиқ иплар қайта – қайта ишланиб, тикланган тола сифати яхшиланади, тола чиқиши ортади. Камчилиги толалар узунликлари қисқариб, йиғирувчанлиги пасаяди. Ларош (Франция) регениратори камида иккита секциядан, Балкан (Туркия) регениратори эса учта секциядан иборат. Шунингдек секциялар сони ошириш маҳсулот таннархига, сўзсиз, таъсир этади. Регенираторлар конструкцияларидан қатъий назар уларнинг ишлаш принципи бир хиллигича қолади. Регенираторнинг ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида перфобарабан сиртида ҳаво босими ўзгаришига асосланиб, ўзгармас ҳаво босимида

ишловчи перфобарабан конструкцияси яратилди.


Экспериментал қисм. Сиртида сўрувчи ҳаво босимининг ўзгаришини аниқлаш бўйича тажрибалар ҳаракатсиз турган перфобарабанда амалга оширилди. Ҳавонинг босими Temsan (Туркия) русумли барометрда кПа да аниқланди. Бунинг учун барабаннинг перфорацияланган қисми 900 мм нинг ҳар 100 мм да ўлчаш ўнта такрорликда амалга оширилиб, 1-расмда кўрсатилган натижа олинди.




1-расм. Перфобарабан сиртида сўрувчи ҳаво босимининг ўзгариши

Кўриниб турибдики, сўрувчи ҳаво босими перфобарабан бўйлаб, ўзгарувчан, хусусан, икки четида босим баланд, ўртасида эса энг паст. Шунинг учун хулоса қилиш мумкинки, тола қатлами барабаннинг икки четида қалинроқ, ўртасига қараб эса юқалашиб боради. Катта тезликда ишлайдиган ускунада қатлам қалинлиги барабан бўйлаб тола билан бир хил қопланишга улгурмайди. Паст унумдорликда ишловчи машиналарда перфобарабан сиртида толавий қатламнинг текисланиши самаралироқ бўлиши мумкин, чунки жараён секин амалга ошади.

Толалар қалинлигининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида барабан сиртида 1-расмдаги эгри чизиқ иккита симметрик чизиқларга ажратилиб (2-расм), четлари шу чизиқларга мослаб, қоплама билан беркитилди ва барабан ўқи бўйлаб ҳаво босими юқоридагидек ўлчанди. Шуни таъкидлаш керакки, ҳавонинг сўрилиши гиперболоиднинг бўйлама кесимини эслатувчи ва ўлчами ўзгарувчан тирқиш орқали амалга оширилди. Синов натижалари 3-расмда кўрсатилган бўлиб, перфобарабан сиртидаги тирқишларнинг жами юзаси (S) катталашган сари ҳаво босимининг пасайишини тажрибалар ўтказиб аниқланди. Шуни таъкидлаш керакки, энг катта ҳаво босими барабаннинг икки чеккасида, энг паст босим эса перфобарабан сиртидаги тешикларнинг барчаси мутлоқ очиқ бўлган ҳолатда бўлиши тажрибада аниқланган. Босимнинг ўзгариши бўйича олинган натижалар 2-расмда, ҳаво босимининг тирқиш катталигига боғлиқлиги 3-расмда кўрсатилган.




2-расм. Ҳаво босими ўзгарувчанлигининг симметрик чизиклари




3-расм. Ҳаво босимининг тирқиш катталигига боғлиқлиги


Ҳаво оқимини сўриш гиперболоид кесими шаклидаги турли ўлчамли тирқиш орқали амалга оширилганда ҳаво босими барабан ўқи бўйлаб ўзгармас бўлиши 4-расмда кўриниб турибди.




а



б



в




г

4-расм. Турли ўлчамли гиперболоидсимон (а, б, в) ва тўғри тўртбурчаксимон тирқиш орқали ҳаво сўрилганда унинг кПа даги босими

Мазкур тажрибаларнинг амалий апробациясини ўтказиш мақсадида перфобарабан конструкциясида ҳаво сўрилиш тирқишини бир томони эгри чизик иккинчи томони эса тўғри чизикдан иборат қилиб тажрибалар ўтказилди. Олинган босим ўзгариши натижалари

5-расмда келтирилган. Ундан кўриниб турибдики, икки хил шаклдаги тирқишда ҳаво босимини бир хил ҳолатда ва бир хил катталиқда таъминлаш мумкин.



5-расм. Икки хил шаклдаги тирқишда ҳаво босимининг ўзгариши
а, в- гиперболоид шаклда; б, г- эгри ва тўғри чизиклар орасидаги тирқиш

Натижалар таҳлили. Перфобарабаннинг юзасидаги босим ўқ бўйлаб ўзгарувчан бўлиб, унинг сиртида шаклланидиган толавий қатлам қалинлигининг ўзгарувчанлигига олиб келади. Кўндаланг кесими нотекис толавий қатлам зичлиги ҳам ўзгарувчан бўлади. Натижада қатламдан осилиб турувчи тутамдаги толалар ёки тикувчилик қийқимлари сони ҳам ўзгарувчанлиги учун тутам ҳар хил титилади. Қатламнинг икки четида қийқим зичлиги катта бўлганлиги учун қийқим ипларга, ип эса толаларга титилиш самараси юқорироқ қатлам кўндаланг кесимининг ўртасида эса самара пастроқ бўлади, яъни титилиш паст бўлиб қийқим, ип бўтунлай сирғалиб чиқиб, титилмай қолади. Юқорида келтирилган расмларда кўрсатилган узлуксиз чизиклар ҳаво босими тажрибавий катталигининг чизиклари, пунктир чизиклар эса босим катталигининг назарий чизиклари бўлиб, горизонтал чизик бўйлаб йўналганлиги ҳаво босими ўзгармаслигини кўрсатади. Шунини таъкидлаш керакки, назарий ва тажрибавий чизиклар орасидаги фарқ 1,5 % дан ошмаганлиги натижасида ҳаво босимининг ўзгармаслигини таъминлаш туфайли перфобарабан сиртида толавий қатлам қалинлиги бир хиллигига эришиш мумкинлиги кўриниб турибди. Ҳаво босимининг таъсири тирқиш шаклидан қатъий назар юзанинг катталигига боғлиқ. Шунини текшириш мақсадида тирқишнинг бир томони тўғри, иккинчи томони эса эгри чизик бўлган шаклида ҳаво босимининг перфобарабан ўқи бўйлаб катталиклари аниқланди. Натижада ҳаво босимининг ўзгармаслиги, яъни бир хил катталикларда бўлиши амалда тасдиқланди. Ҳаво босимини қиёсий ўрганиш мақсадида тирқишнинг тўғри тўртбурчак шаклида сўрувчи ҳаво босими ўрганилди ва унинг перфобарабан ўқи бўйлаб ўзгарувчан бўлиши яна бир бор тасдиқланди. Бу ҳолда, яъни тирқиш тўғри тўртбурчак шаклида бўлиши барабаннинг икки четида ва ўртасида ҳаво босими орасидаги фарқ 23 % (37 кПа, 30 кПа) дан каттани ташкил этиши ва сиртда шаклланидиган толавий қатлам қалинлигининг ўзгарувчанлигига, демак, қалинлик бўйича нотекислик катталашшига ва ниҳоят қийқим ва иплар регенирацияси самарасининг пасайишига олиб келувчи салбий омилдир. 4- ва 5-расмларда келтирилган чизиклардан кўриниб турибдики, қийқим ва лахтакларни титишда ишлатиладиган ускуналардаги

перфобарабанлар сиртида шаклландиган тола қатлами қалинлиги бир хиллигига эришиш мумкин. Демак, қийқимларни ипларга, ипни эса толаларга ажратиб регенирациялашда технологик жараён самарадорлигини ошириш учун перфобарабаннинг сиртида ҳаво босимининг ўзгармаслигини таъминловчи ва янги конструкциясини яратиб эришиш мумкинлиги амалда исботланди.

Хулоса. Тикувчилик чиқиндилари ҳисобланган қийқим ва лахтақларни регенирациялаш самарасини орттириш мақсадида, толавий қатламни шакллантирувчи перфобарабан сиртида таъсир этувчи ҳаво оқими босими ўрганилди ва унинг катталиги барабан ўқи бўйлаб ўзгарувчан, яъни икки четида босим каттароқ, ўртада эса кичикроқлиги тажрибада аниқланди. Шаклландиган толавий қатлам қалинлигининг бир текислигига эришиш мақсадида перфобарабаннинг гипербалоид шаклидаги тирқиши юзасида толавий қатлам ҳосил қилиш тавсия этилди ва ҳаво босимининг ўзгармаслиги тажрибаларда аниқланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Reference

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 26 dekabrda “2017-2019 yillarda to‘qimachilik va tikuv-trikotaj sanoatini yanada rivojlantirish choratadbirlari dasturi to‘g‘risida”gi PQ-2687 – sonli qarori.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 14-dekabridagi PQ-5285 sonli to‘qimachilik va tikuv-trikotaj sanoatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida to‘g‘risidagi farmoni.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 12-fevral PQ-4186 sonli to‘qimachilik va tikuv-trikotaj sanoatida raqobatbardosh mahsulotarni ishlab chiqarish hamda amalga oshirish hisobiga yuqori texnologiyalarni va yangi ish o‘rinlarini yaratish korxonalarini texnik va texnologik yangilash, ilg‘or “klaster” modelini joriy etish to‘g‘risidagi farmoni.
4. Mirziyoyev Shavkat Miromonovich, Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat‘iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz /Sh. M. Mirziyoev. – Toshkent: O‘zbekiston, 2017. - 592 b.
5. Frolova I. V., Razrabotka i promishlennoye osvoyeniye resursosberegayushey texnologii i texniki v proizvodstve tekstilnix materialov na osnove regenerirovannix volokon, doktorskaya dissertatsiya, M. 2000g
6. Cheberyak I. A., Razrabotka texnologii regeneratsii volokon xlopka iz tekstilnix otxodov i ix ispolzovaniye sovmestno s profilirovannim lavsanom v trikotajnix polotnax, kandidatskaya dissertatsiya, Ivanova, 2010
7. Shvidkiy S. P., Povisheniye effektivnosti texnologii regeneratsii sherstyanix otxodov putem primeneniya vlejno teplovoy obrabotki, kandidatskaya dissertatsiya, Kostroma 2013g.
8. SHamuratov M. T., Tikuvchilik qiyqimlaridan tola tiklash jarayonlariga ta’sir etuvchi omillarni tadqiq etish, magist dissertatsiyasi, Nukus 2014y.
9. Gorkova A.G., Povisheniye effektivnosti texnologii polucheniya regenerirovannix volokon iz putanki i loskuta, kandidatskaya dissertatsiya, Ivanovo 2009g.
10. M.SH.Xoliyarov, O.E.Panjiyev, SH.M.Shodiyeva, F.S.Sadikov. Tikuvchilik qiyqimlaridan tola tiklab, ulardan ip olish texnologiyasi. TO‘QIMACHILIK MUAMMOLARI (ISSN 2010-62-62), Ilmiy-texnikaviy jurnal, 2017, № 4, 35-40 bet.
11. SH.M.Shodiyeva, M.SH.Xoliyarov, Q.G‘.G‘afurov. Chimdib titish mashinasi ta’minlash moslamasi ishini optimallashtirish. TO‘QIMACHILIK MUAMMOLARI (ISSN 2010-62-62), Ilmiy-texnikaviy jurnal, 2019, № 2, 25-33 bet.
12. D.R.Anorboyev, SH.M.Shodiyeva, M.SH.Xoliyarov. Tikuvchilik qiyqimlarini chimdib titish mashinasining ta’minlash silindrlarini optimal aylanish chastotasini aniqlash. “O‘ZBEKISTON TO‘QIMACHILIK JURNALI”, Ilmiy-texnikaviy jurnal, 2021, №1, 92-96 bet.
13. M.Sh. Xoliyarov, D. Anorboyev, U. Gulbayev. Problems and prospects of recycling of textile industrial wastes // SCIENCE AND EDUCATION. (ISSN 2181-0842 VOLUME 2, ISSUE 11). - 2021. - P. 384-387.

14. Xoliyarov M.SH. Ikkilamchi xom ashyodan ip yigirish texnologiyasini takomillashtirish. Texnika fanlari nomzodi diss. – Toshkent, 2003 y.
15. Mashina dlya razvolokneniya tekstilnix otxodov firmi “Laroche” (Fransiya). Prospekt. – 1995g.
16. Mashina dlya razvolokneniya tekstilnix otxodov firmi “ROLLANDO MACCHINE TESSILI” (Italiya). Prospekt. – 1995g.
17. Sevostyanov A.G. i dr. Mexanicheskaya texnologiya tekstilnix materialov – M.: Legprombitizdat – 512s
18. Gorkova, A.G. Statisticheskiye zakoni vzaimodeystviya razrixlyayemogo materiala s zubyami pilchatogo barabana / A.G. Gorkova // Molodiye ucheniye — razvitiyu tekstilnoy i legkoy promishlennosti (POISK2008): sb. materialov mejvuz. nauch.-texn. konf. aspir. i stud. Chast 1. — Ivanovo: IGTA, 2008. - S. 6 - 8. A
19. Frolov, V.D. Ustroystvo dlya regeneratsii tekstilnix otxodov v vide nitey i pryaji / Frolov V.D., Frolova I.V., Saprikin D.N., Larionova M.D., Kabanov SM. Patent na izobreteniyе № 2146730, 2000.
20. Larionova M.D. Texnicheskiye usloviya regeneratsii volokon iz loskuta M.D. Larionova, V.D. Frolov // Izv. vuzov Texnologiya tekstilnoy promishlennosti.- 2000.- №1.- S. 64-65.
21. Frolova, I.V. Teoriya i praktika polucheniya i ispolzovaniya regenerirovannix volokon / I.V. Frolova. - M.: Komitet gosudarstvennoy statistiki. - 1999. - S. 237 - 240.
22. Cheberyak, I. A. Ustroystvo dlya regeneratsii tekstilnix otxodov / I. A. Cheberyak // Sovremenniyе naukoymkiye texnologii i perspektivniye materiali tekstilnoy i legkoy promishlennosti (Progress — 2008): sb-k mater. mejdunarod, nauch. — texn. konf; UIvanov..gos. tekst, akad.-Ivanovo, 2008; T.G.- G.25-27.
23. Cheberyak, I. A. Novoye ustroystvo dlya regeneratsii tekstilnix otxodov/ I; A. Cheberyak// Tekstil, XXI veka: sb-k.tez. dokl. vosmoy vserossiyskoy, nauch., stud; konf./MG TU. – M., 2009; - S. 43-44
24. Mukhtarov Jurabek Reyimberganovich, Ochilov Tulkin Ashurovich, Kholiyarov Musadilla Shodiyevich, Bolqiyev Sobirjon Kholnazarovich, Ismoilov Doniyor Abdulxamidovich. The Effect of Cleaning Equipment on the Amount of Defects and Waste in the Composition of Cotton Fiber // International Journal of Innovative Research in Science, Engineering and Technology (IJIRSET). - Volume 10, Issue 4, April 2021. - P. 3612-3615.
25. Ochilov Tulkin Ashurovich, Kholiyarov Musadilla Shodiyevich, Ortikov Oybek Akbaralievich, Sharipova Saodat Tolkunovna. Changes in the Cleaning Efficiency of Cotton from Small and Large Contaminants // International Journal of Innovative Research in Science, Engineering and Technology (IJIRSET). - Volume 10, Issue 3, March 2021. - P. 1880-1884.

UDK 677.025

INVESTIGATION OF NEW KNITTING STRUCTURES, THEIR PARAMETERS AND PROPERTIES ON FLAT KNITTING MACHINES

E.B. Kholboyev

Djizakh Polytechnical Institute

Annotatsiya. Bugungi kunda trikotaj to‘qimalari ichida tashqi ko‘rinishi bilan ajralib turadigan, naqsh samarasiga ega bo‘lgan trikotaj to‘qimalariga extiyoj yuqori. Ushbu ilmiy-tadqiqot ishida yassi fang to‘quv mashinasining texnologik imkoniyati o‘rganilib, interlok to‘qimasi asosida yangi aralash naqshli trikotaj to‘qimasi tuzilishlari yaratildi. Korxona sharoitida olingan trikotaj to‘qimalarining texnologik ko‘rsatkichlari va fizik-mexanik xususiyatlari o‘rganildi. Ko‘rsatkichlar va xususiyatlar eksperimental yo‘l bilan aniqlandi. Trikotaj to‘qimalarining eksperimental yo‘l bilan aniqlangan texnologik ko‘rsatkichlari matnda keltirilgan. Korxona sharoitida olingan trikotaj to‘qimalarining texnologik ko‘rsatkichlari va

fizik-mexanik xususiyatlari o'rganildi. Trikotaj namunalari barchasi 35/2 PAN iplaridan foydalanib, bitta mashinada bir xil korxona sharoitida ishlab chiqildi. Halqa qadami A (mm), halqa qatori balandligi V (mm), gorizontal bo'yicha zichlik P_G , vertikal bo'yicha zichlik P_V , halqa ipi uzunligi L (mm), yuza zichligi M_s , qalinlik M , hajm zichligi δ kabi texnologik ko'rsatkichlar eksperimental yo'l bilan aniqlanib, jadvalga kiritildi. To'qimalarning fizik-mexanik xususiyatlari taxlili natijalari shuni ko'rsatadiki, to'qima tarkibiga kiritilgan naqsh elementlari uni xususiyatlariga xam o'z ta'sirini ko'rsatadi. Barcha ko'rsatkichlarni eniga va bo'yiga ma'lum bir tomonga o'zgartirib u yoki bu xususiyatini kuchaytirishi yoki pasaytirishi mumkin. Bu holatdan maqsadli foydalanish to'qima turlarini qanday maqsadlarda qo'llanilishiga bog'liq. Shuning uchun bunday trikotaj to'qimalarini shakl saqlash xususiyati yuqori bo'lgan trikotaj mahsulotlari ishlab chiqarish uchun ham tavsiya etiladi.

Kalit so'zlar. *Yassi fang mashinasi, igna, halqa, press halqasi, tuzilish, texnologik ko'rsatkichlar, raqamli yozuv, xususiyatlar, eksperimental ish, en, uzunlik, zichlik, qalinlik.*

Abstract. There is a high demand for knitted fabrics that have a pattern effect, distinguished by their appearance within the knitted fabric. In this research work the technological potential of the flat knitting machine was studied and new knitted fabric structures based on interlock fabric were created. Technological parameters and physical and mechanical properties of knitted fabrics obtained at the enterprise were studied. Parameters and properties were determined experimentally. Technologically determined technological parameters of knitted fabrics are given in the text of article. All knitting patterns were developed under the same conditions in one machine using 35/2 PAN yarns. Technological parameters such as loop width A (mm), loop height B (mm), horizontal density P_g , vertical density P_v , loop length L (mm), surface density M_s , thickness M , volume density δ identified. The results of the analysis of the physical and mechanical properties of the fabric show that the pattern elements included in the fabric also affect its properties. Changing all the parameters in a certain direction in width and length can increase or decrease this or that feature. The intended use of this condition depends on the purpose for which the knitting structure type is used. Therefore, such knitted fabrics can also be recommended for the production of knitted products with high shape stability properties.

Key words. *Flat knitting machine, needle, loop, tuck loop, structure, technological parameters, notation, properties, experimental work, width, length, density, thickness.*

Аннотация. *Сегодня существует высокий спрос на трикотажные полотна с рисунчатый эффект, который отличается своим внешним видом среди трикотажных полотен. В данной научно-исследовательской работе изучен технологический потенциал плосковязальных машин и созданы новые структуры сложных переплетений трикотажа на основе интерлочного полотна. Изучены технологические параметры и физико-механические свойства трикотажных полотен, полученных в условиях предприятия. Экспериментально определены технологические параметры физико-механических свойств. Все структуры переплетений были разработаны в одинаковых рабочих условиях на одной машине с использованием пряжи PAN 35/2. Технологические параметры, такие как петельный шаг A (мм), высота петельного ряда B (мм), плотность по горизонтали P_g , плотность по вертикали P_v , длина нити в петле L (мм), поверхностная плотность M_s , толщина M , объемная плотность δ были определены экспериментально и внесены в таблицу. Результаты анализа физико-механических свойств образцов показывают, что рисунчатые элементы в структуре переплетений, также влияют на ее свойства. Изменяя все параметры в определенном направлении по ширине и высоте, можно увеличивать или уменьшать ту или иную особенность. Предполагаемое использование этого состояния зависит от цели, для которой используется тип трикотажа. Поэтому такие трикотажные полотна также*

рекомендуются для производства трикотажных изделий с высокой формоустойчивостью.

Ключевые слова. Плосковязальная машина, игла, петля, прессовая петля, структура, технологические параметры, цифровая запись, свойства, экспериментальная работа, ширина, длина, плотность, толщина.

Introduction Today, there is a high demand for knitted fabrics that have a pattern effect, distinguished by their appearance within the knitted fabric. Therefore, the expansion of the range of knitting machines for beautiful appearance of fabrics, shape stability properties, high physical-mechanical and hygienic properties, low consumption of raw materials, but high quality, as well as increasing the volume of exports of finished products, regularly replace the range and adapt to market demand allows to reduce the cost of replacing new equipment to keep it up to date. Necessary results are achieved by obtaining knitted fabrics with new properties by adding additional elements to them on the basis of basic and derived fabrics of knitted fabrics or by changing the production process. [1-5].

Experimental work. To conduct experimental studies, several sources devoted to the development of new structures of knitted weaves have been studied [6-9]. Materials on the definition of technological parameters and terminology of knitwear are also considered. [10-12]. For experimental research, several sources have been studied, devoted to the development of new kinds of knitted structures [6-9]. Also considered materials on the definition of technological parameters and terminology of knitwear [10-12].

Technological parameters of newly formed samples. In this research work, the technological potential of the flat knitting machine was studied and new knitted fabric structures based on interlock fabric were created [13-17]. Technological parameters and physical and mechanical properties of knitted fabrics obtained at the enterprise were studied. Parameters and properties were determined experimentally. Technologically determined technological parameters of knitted fabrics are given in Table 1. All knitting patterns were developed under the same conditions in one machine using 35/2 PAN yarns at FLATNIT TEXTILE LLC. The data in the table show the results of the experiment, variants 1-4 are samples of 1 index cardigan knitted fabric obtained on the basis of the above pattern rapport, and variants 5-8 are samples of 2 index cardigan knitted fabric obtained on the basis of the same pattern rapport.

Table 1

Technological parameters of knitting variants

variants	Quantity of cardigan loops, %	Width of loop, A (mm)	Height of loop, B (mm)	Horizontal density, P_g	Vertical density, P_v	Length of loop, L (mm)	Surface density, g/m^2 M_s , r/m^2	Thickness, M (mm)	Volume density, δ , mg/sm^3
1	13,9	1,1	1	45	50	3,2	456,6	2,11	198,5
2	17	1,4	1,1	35	45	3,1	460,7	2,62	204,8
3	7,9	1,6	1,4	31	35	3	476,2	2,73	211,1
4	9,7	1,4	1,3	35	38	3,2	465,8	2,97	198,0
5	18,5	1	1	35	35	5,6	475,4	2,45	194,0
6	22,7	1,25	1,42	40	35	5,5	483,5	2,4	201,4
7	10,5	1,25	1,15	40	40	5,6	475,0	2,5	190,0
8	13	1,25	1,25	40	40	5,5	475,3	2,5	190,1

Technological parameters such as loop width A (mm), loop height B (mm), horizontal density P_h , vertical density P_v , loop length l (mm), surface density M_s , thickness M, volume density δ identified and included in the table1.


Physical and mechanical properties of newly formed samples. The physical and mechanical properties of the newly created knitting samples were experimentally analyzed using modern equipment installed in the certification laboratory "SENTEXUZ" under TITLI. A study was conducted to determine properties such as air permeability, friction resistance, tensile strength, breaking elongation, elongation (at 6 N), deformation, tensile strength and the results are included in Table 2.

Table 2

Physical-mechanical properties of knitting variants


Variants	Air permeability, $B_p(\text{cm}^3/\text{cm}^2\cdot\text{c})$	Friction resistance, thousand cycles.	Tensile strength P, N		Breaking elongation E_b , %		Elongation E, % (6N)		Elastic deformation ϵ_o , %		Plastic deformation ϵ_{pl} , %		Shrinkage U, %	
			On length	On width	On length	On width	On length	On width	On length	On width	On length	On width	On length	On width
1	92,1	15000	406,3	274,1	43	116	0,63	2,54	40	60	60	40	10	-14
2	100,8	16000	592,0	240,0	46	118	0,47	2,95	40	63	60	37	15	-10
3	96,5	17000	418,0	261,0	44	116	0,63	2,67	75	62,5	25	37,5	5	-15
4	87,7	16000	426,0	261,0	39	114	0,55	2,62	75	77	25	23	10	-10
5	96,5	20000	486,0	218,0	45	119	0,55	3,27	50	72	50	28	10	-15
6	87,7	20000	438,0	216,0	44	121	0,54	3,36	80	77	20	23	10	-12
7	100,8	17600	491,0	226,0	48	120	0,58	3,18	40	70	60	30	5	-15
8	92,1	17600	501,0	234,0	44	119	0,53	3,05	40	63	60	37	15	-10

Results and discussions. If the results are analyzed, the loop width (Fig.1) from the earliest technological parameters of knitted fabric varied in the range of 1.25–1.42 mm (12%) in 1 index cardigan fabric variants. The height of the loop appears to have been maintained at 1.25 mm in 1 index cardigan casting variants. The loop width (Fig. 2) varied in the range of 1–1.25 mm (20%) in 2 index cardigan casting variants. The height of the loop appears to vary in the range of 1–1.42 mm (30%) in the 2 index cardigan casting variants.



1 index cardigan knitting variants


Figure 1. Loop width A (mm) and loop height B (mm) change diagram on 1 index cardigan knitting variants.



2 index cardigan knitting variants


Figure 2. Loop width A (mm) and loop height V (mm) on 2 index cardigan knitting variants change diagram.

The next parameter is the density P_G horizontally, the density P_V vertically. The density in the horizontal P_G 1 index cardigan consists of 35-40 loops in knitted fabrics, the density in the vertical P_V consists of 40 loops. The change in variants is 12.5% (Figure 3). Even in 2-index cardigan knitwear, the horizontal density P_G consists of 35-40 loops, which appears to vary by 12.5%. In the 2-index cardigan knitted fabric variants, the vertical density P_V consists of 35-40 loops and it appears to have changed by 12.5% (Fig. 4). Hence, the densities on the horizontal and vertical vary by almost the same percentage in the 1st and 2nd index cardigan knitted fabric samples. From this it appears that the difference between the densities is not large when the indexes are close to each other.



1 index cardigan knitting variants


Figure 3. Horizontal density P_G and vertical density P_V change diagram on 1 index cardigan knitting variants.



2 index cardigan knitting variants


Figure 4. Horizontal density P_G and vertical density P_V change diagram on 2 index cardigan knitting variants.

The lengths of the loop thread in the fabric are as follows: according to the analysis of 1 and 2 index press knitwear samples, the loop length is 5,3-5,4 mm in the 1 index cardigan (2% change), 5,5-5,6 mm in the 2 index press, 6 mm (1.8% change). Summarizing the results of the analysis of cardigan knit samples with index 1 and 2, 5,3% change in the length of the loop is observed (Fig. 5).



1 and 2 index cardigan knitting variants

Figure 5. Loop length on 1 and 2 index cardigan knitting variants change diagram, L, mm.



1 and 2 index cardigan knitting variants

Figure 6. Surface density change diagram according to 1 and 2 index cardigan knitting variants, M_s , g/m².

The analysis of the surface density of the knitting samples shows that the surface density of 1 index cardigan samples is 456,6-476,6 g / cm², and the surface density of 2 index cardigan samples is 475-483,5 g / cm², which is a change from 4% for 1 index cardigan samples, and 1,7% for 2-index cardigan samples (Fig. 6). The total of all variants is 5,5%. If the variants on the pattern rapport are compared, variants 1 and 5 corresponding to the pattern rapport differ from each other by the index values, and the difference between the surface densities of these variants is 4%. Variants 2 and 6 corresponding to pattern 2 rapports differ from each other by the index values, and the difference between the surface densities of these variants is 4,7%. Variants 3 and 7 corresponding to pattern 3 rapports differ from each other by index values, and the difference between the surface densities of these variants is 0,2%. Variants 4 and 8 corresponding to the 4 pattern rapport differ from each other by the index values, and the difference between the surface densities of these variants is 2%.

The next parameter is the thickness of the tissue. In order to further determine the raw material used for knitted fabric, its thickness should also be taken into account. The thickness of the samples can also be determined under a special thickness measuring instrument under laboratory conditions. The thickness of the tissue is 2.3–2.45 mm for the cardigan tissue variants with index 1 and 2, and it is observed that it varies up to 8% (Fig. 7).

Since the surface density is directly related to the raw material consumption and the volume density is directly related to the knitting thickness, it is correct to estimate by this parameter (Fig. 8).




Figure 7. Thickness change diagram according to 1 and 2 index cardigan knitting variants, M, mm.




Figure 8. 1 and 2 index cardigan knitting variants volume density, δ , mg / cm³ change diagram.

The results of the analysis show that the surface density ranged from 456,6 g / m² to 483,5 g / m², accounting for 5,5%. The volume density ranged from 190 to 211,1, which is 10%. A 5,5% change in surface density resulted in a 10% change in volume density. While surface density takes into account the width and height of the knitting, volume density is a parameter that takes into account both thickness and the width and height of the knitting. Therefore, a decrease in volume density indicates a decrease in raw material consumption. The newly created cardigan knitted fabrics can be included in the category of resource-saving fabrics with reduced raw material consumption.

Figure 9 shows a graph of the change in surface and volume densities of knitting samples as the amount of cardigan loops in the variants changes. It is clear that they are subject to a certain law. According to that, the regression equation for the surface density and the approximation accuracy are following:

$$y = 0,270x^2 - 7,78x + 521,1 \quad R^2 = 0,480$$

The regression equation for the volume density and the approximation accuracy are following:

$$y = 0,166x^2 - 5,101x + 233,8 \quad R^2 = 0,255$$




Figure 9. Cardigan surface and volume densities change graphs according to knitting variants.

In summary, the technological performance of the newly created knitted fabrics has been studied and they are recommended for upwear knitted products as complex structures.

Analyzing the values given in Table 2 of the samples obtained, the air permeability was in the range of 87,7–108,8 cm³ / cm²sec. In newly knitted knitted fabrics, this figure varies in the range of 19,4%, which in turn reflects the heat-retaining properties of the knitted fabric.

Analyzing the values given in Table 2 of the samples obtained, the friction resistance ranged from 15,000 to 20,000 (Fig. 10). In cardigan knitted fabrics, this figure varies in the range of 25%, which in turn provides information about the durability and service life of the knitted fabric. The regression equation and the approximation accuracy for friction resistance are following:

$$y = 466,6x + 15300 \quad R^2 = 0,390$$




Figure 10. Friction resistance on cardigan knitting variants change graph.

If the values of the obtained samples are analyzed, the tensile strength of the length and width during the study is shown in Figure 11 for cardigan knitted fabric with 1 index. The tensile strength on length is 438-501 N and the tensile strength on width is 216-234,1 N. It varies in the range of 31% in length and 12,4% in width.




Figure 11. Diagram of change of tensile strength P, N (length and width) on 1 index cardigan knitting variants.




Figure 12. Diagram of change of tensile strength P, N (length and width) on 2 index cardigan knitting variants.

The tensile strength on length and width for a 2-index cardigan knitted fabric are shown in Figure 12. The tensile strength on length is 406,3-592 N and the tensile strength on width is 240-274,1 N. It varies in the range of 12,4% in length and 7,7% in width.

The results of the breaking elongation study show that the elongation was 39–46% compared to the 1-index cardigan knitted fabric, and the width elongation was 114–118% (Fig. 13). It varies in the range of 15% in length and 3,4% in width.

The results of the breaking elongation study show that the elongation was 44–48% compared to the 2-index cardigan knitted fabric, and the width elongation was 119–121% (Fig. 14). It varies in the range of 8,3% in length and 1,6% in width.




Figure 13 Diagram of change in breaking elongation E_b , % (length and width) on 1 index cardigan knitting variants.




Figure 14. Diagram of the change in breaking elongation E_b , % (length and width) on the 2 index cardigan knitting variants.

If the elongation E results are analyzed, it can be seen that the elongation was 0,47–0,63% and the width elongation was 2,54–2,95% compared to 1 index cardigan knitted fabric (Fig. 51). The results of the elongation study show that the elongation E was 0,53–0,58% compared to the 2 index cardigan knitted fabric, and the width elongation E was 305–3,36% (Fig. 15).

It should be noted that such knitted fabrics are suitable for assortment of outerwear. Based on the analysis of stretch and elongation E (6N) results, it was found that knitwear has high form stability properties, and this fabric is recommended for the production of children's, women's, men's upwear products.




Figure 15. Diagram of elongation E, (6N),% (length and width) variation on 1 and 2 index cardigan knitting variants.




Figure 16. Plastic deformation ϵ_0 ,% on 1 and 2 index cardigan knitting variants (length and width) variation diagram.

The deformation properties of the new knitting structures created according to the values given in Table 2 of the study results for the 1 and 2 index cardiganes can be explained as follows (Figure 16 shows the deformation diagram of the castings along the length and width). When the samples are compared relative to each other, the elastic deformation on length is 40-80% and elastic deformation on width is 60-77%. In this case, the deformation values vary in a slightly larger range, as a result of which the deformation values along the length of the knitting structures do not reach a stable state.

If the deformation parameters of the width of the knitting structures samples are analyzed, then the width deformation parameters of the knitting samples are more stable, and the additional cardigan loops included in the fabric structure allow it to occupy a state of equilibrium along the rows of loops. As a result of the analysis of deformation parameters, variants 3, 4, 6 can be recommended as a slightly higher variants in length and width of the deformation property.

Figure 17 shows a graph of the shrinkage variability U,% (length and width) variation for index 1 and 2 index knitwear variants, and Figure 18 shows a diagram of shrinkage variability U,% (length and width) variation for index 1 and 2 index knitwear variants. The analysis of the results shows that the permeability of the knitting structure is slightly better, with small values of "+", and the width of the penetration, albeit small, with a "-". Such values can be considered satisfactory for upwear knitting products.




Figure 17. Shrinkage on 1 and 2 index cardigan knitting variants U,% (length and width) change graph.




Figure 18. Shrinkage on 1 and 2 index cardigan knitting variants U,% (length and width) variation diagram.

The results of the analysis of the physical and mechanical properties of the fabric show that the pattern elements included in the fabric also affect its properties. Changing all the parameters in a certain direction in width and length can increase or decrease this or that feature. The intended use of this condition depends on the purpose for which the knitting structure type is used. Therefore, such complex knitted fabrics can also be recommended for the production of knitted products with high shape stability properties. Of course, it should also be taken into account that only up to 20% of the tensile strength determined experimentally works when knitted products are used.

Work was carried out under advising of prof.Khankhadjaeva N.R. at TITLI

Reference

1. D. J. Spencer, *Knitting Technology: A Comprehensive Handbook and Practical Guide*, vol. 105, England: Woodhead Publishing Limited, UK, 3rd edition, 2001
2. Hua Wang, Hafeezullah Memon. *Cotton Science and Processing Technology*. Springer Nature Singapore Pte Ltd. 2020y.
3. K. F. AU *Advances in knitting technology*. England: Woodhead Publishing Limited, UK 2011.
4. Xanxadjajeva N.R. Diss. na soiskanie uch. stepeni k.t.n. «Razrabotka texnologii polucheniya shtuchnogo trikotaja plyushevym perepleteniem na ploskofangovoy mashine», 2006g, 156s.
5. Ye.I. Kornienko, V.A.Zavaruev, O.P. Fomina, S.I.Pivkina, T.O.Kupriyanova. *Sposob vyazaniya dvoynogo kulirnogo trikotaja s dopolnitel'nyim petel'nyim sloem*. Izvestiya vysshix uchebnyx zavedeniy № 2 Teknologiya tekstil'noy promyshlennosti 2017g.
6. L.M. Chirkova, *Razrabotka i issledovanie novykh struktur perekrestnogo trikotazha*, Moskva, 2002. Available: <https://www.dissercat.com>
7. M.A. Prokazova, *Razrabotka assortimenta trikotazha kombinirovannykh perepletenij na baze dvuhsloynnogo proizvodnogo lastika*, Moskva-2010. Available: <https://www.dissercat.com>
8. N.A. Ruzhevskaja, *Issledovanie trikotazha kombinirovannykh perepletenij, vyrabotannykh s ispol'zovaniem odnociklovykh sposobov petleobrazovaniya i razrabotka metodov ego avtomatizirovannogo proektirovaniya*, Moskva-2004. Available: www.dslib.net
9. Zheltikov M.V. *Razrabotka tehnologii vjazaniya i metoda proektirovaniya trikotazha na mul'tiklassovykh ploskovjazal'nykh mashinah*, Moskva 2004. Available: www.dslib.net
10. Ju.S. Shustov. *Osnovy tekstil'nogo materialovedeniya*, Moskva, "Sovjzh' Bevo" Ltd. 2007
11. Shekh Md Mamun Kabir, Mohammad Zakaria, *Effect of Machine Parameters on Knit Fabric Specifications*, DUET Journal Vol. 1, Issue 3, June 2012, Gazipur, Bangladesh.
12. J. E. McIntyre, P. N. Daniels, *Textile Terms and Definitions Committee*, Textile Institute, Manchester, England (2018).

-
- 13.N. R. Khanhadjaeva, M. M. Mukimov "New Knitting Fabric Structure Made on Flat-Bed Knitting Machine" The Second International Symposium on Educational Cooperation for "Industrial Technology Education" Aichi, Japan, 4.07- 6.07.2008
- 14.Xanxadjaeva N.R., Nabiev A.G., Riskalieva F.M. "Issledovanie texnologicheskix parametrov struktury trikotaja s dvoynym risunchatym pressovym perepleteniem", SPbGUPTD (Sankt-Peterburgskiy gosudarstvenniy universitet promyshlennyx texnologiy i dizayna) jurnal «Dizayn. Materialy.Texnologiya» Aprel' 2020, str. 93-97.
15. Xanxadjaeva N.R., Nabiev A.G., Riskalieva F.M. "Research of Loop Transferred Structures on V-Bed Flat Knitting Machine", International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878, Volume-8 Issue-6, March 2020, p. 2565-2570.
- 16.Xolboev E.B., Xanxadjaeva N.R. Xolxujaeva M.M. Parametry pressovyx perepleteniy s melkorapportnym uzorom. XXIII Mejdunarodnaya nauchno-prakticheskaya telekonferentsiya «Advances in Science and Technology» 15 sentyabrya 2019 g. Moskva, Rossiya
17. Xolboev E.B., Xamidova D.U., Xanxadjaeva N.R. Texnologicheskie vozmojnosti dvuxfonturnogo ploskovyazal'nogo avtomata LONGXING. RGU im. A.N.KOSYGINA (TEKNOLOGII. DIZAYN. ISKUSSTVO) Problemy tekstil'noy otrasli i puti ix resheniya. Vserossiyskiy krugliy stol s mejdunarodnym uchastiem. Sbornik nauchnyx trudov, MOSKVA 2021g.

УДК 677.077.4

ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ПИЛЛА ҚОБИҒИ ВА ҒУМБАК ХУСУСИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

А.Э.Гуламов, К.Р.Авазов, Б.И.Абрайкулов
Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Аннотация. Мақолада пиллаларни қуритиш технологиясининг қобиқ ва ғумбаги хусусиятларига таъсири тадқиқ қилинган. Шунингдек, турли ҳароратда ишлов берилган пиллаларнинг вазн ўзгариши, қобиқнинг микроскопик кўринишлари таҳлил қилинган. Турли мавсумда етиштирилган пиллалар тадқиқот объекти сифатида олинган. Пилла ғумбагини инфрақизил нур билан, иссиқ ҳаво ҳамда кимёвий усулларда ишлов бериш натижасида ғумбакнинг чиқиши, ранги бўйича хусусиятлари ҳамда қобиқнинг эрувчанлиги таққосланган ва таҳлил қилинган.

Аннотация. В статье предлагается влияние технологии сушки коконов на свойства оболочки и куколки тутового шелкопряда. Также были проанализированы изменение первоначального веса коконов, обработанных при различных температурах, микроскопический вид оболочки коконов. В качестве объекта исследования были взяты коконы, выращиваемые в разное время года. В результате обработки коконной куколки инфракрасным лучом, горячим воздухом и химическими методами были сравнены и проанализированы выход, цветовые свойства и растворимость оболочки коконов.

Abstract. The article proposes the influence of the cocoon drying technology on the properties of the shell and pupa of the silkworm. We also analyzed the change in the initial weight of the cocoons treated at different temperatures, the microscopic view of the cocoon shells. Cocoons grown at different times of the year were taken as the object of the study. As a result of the treatment of the cocoon pupa with an infrared ray, hot air and chemical methods, the yield, color properties and solubility of the cocoon shell were compared and analyzed.

Key words: live cocoon, dried cocoon, raw silk, cocoon chrysalis, infrared ray, cocoon shell, cocoon varieties, mulberry silkworm cocoon wrapping, cocoon chrysalis turning of mulberry silkworm, mulberry silkworm care.

Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликка оид қонун ва бир қанча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари қабул қилинди. 2012 йил 16 мартда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қабул қилинган эди. Президентнинг 2006 йил 5 январда “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига имзо чекилган. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга кўрсатиладиган хизматларни кўпайтириш мамлакатимиз учун ҳаётий заруратга айланмоқда [1].

Республикамизнинг тўқимачилик саноатини асосий хомашёси пахта толаси, пилла ва ундан чувиб олинадиган хом ипак ҳисобланади. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида мамлакатимизда 1,5 млн. тонна пахта толаси, 32 минг тонна хўл пилла ва 2,5 минг тонна хом ипак ишлаб чиқилган. Пахта толасини атиги 5-6% тўқимачилик корхоналарида қайта ишланган бўлса, қолган тола хом ашё сифатида четга сотилган. Хом ипак эса тўлалигича қайта ишланиб миллий матолар ва мумтоз креп матолари ишлаб чиқарилган. Шу билан бир қаторда таъкидлаш жоизки маҳаллий тўқималардан харидоргир тайёр кийимлар, айниқса трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш талаб даражасида йўлга қўйилмаганлигига, корхона қувватлари, замонавий дастгоҳларни етишмаслиги илм-фан инновацияларини жорий этиш, инвестицияларни жалб қилишга давлат корхоналарида ҳуқуқий қонунлар қафолатининг бўлмаслиги таъсир этган [2].

2019 й. Ўзтўқимачиликсаноат уюшмаси 2.2 млрд. АҚШ долларида тайёр маҳсулотларни экспорт қилган бўлса, уларда пахта-тўқувчилик кластер тузилмасини салмоқли ҳиссаси бор. Соҳада янги кластер тузилмасини ташкил этиш ривожланиб бормоқда. 2017 йил Президент фармонларига асосан “Ўзбекипаксаноат” уюшмасини тузилиши ипакчиликда, ипакни қайта ишлашда тубдан ўзгаришлар бошланиб кетишига олиб келди. Тўтқорларни барпо қилиш, уруғчиликни ривожлантириш, ипак куртини парваришини баҳор-ёз ойларида такрорий тўрттагача етказиб, пилла етиштиришни саноат усулига ўтказиш бўйича сезиларли ишлар олиб борилмоқда.


Тайёрлов масканига қабул қилинган пиллаларнинг ичидаги ғумбаги тирик ҳолда бўлади. Пилла чувиш корхоналарининг йил давомида узлуксиз ишлаши учун, унинг ғумбагини жонсизлантириб қуришти зарур, шундагина пиллани йил давомида сақлаш мумкин бўлади. Акс ҳолда, тирик ғумбак капалакка айланиб, қобиқни тешиб чиқиб, пиллани чувишга яроқсиз ҳолга келтириши ёки жонсизлантирилса-ю қуришилмаса, хўл пилла тезда моғорлаб, пилла сифатсиз бўлиб қолиши мумкин. Шу боис, пилла чувиш корхоналарида янги йилги мавсум пиллалари келтирилгунга қадар, ушбу пиллалардан йил мобайнида узлуксиз чувилиб хом ипак олинади.

Тирик пилла ғумбагини жонсизлантириш, унинг таркибидаги юқори миқдордаги намликни камайтириш, пиллаларга дастлабки ишлов бериш жараёни ҳисобланади. Ушбу жараёни амалга оширишда пилла қобиғи таркибидаги фиброин ва серициннинг физик-кимёвий, пилла ипининг эса табиий технологик ҳамда физик-механик хусусиятларини юқори даражада сақлаб қолиш лозим [3-10].

Пилла ипи оксил бирикмалари - фибрион ва серициндан, унинг молекуласи аминокислоталарнинг юқори сонли звенолардан ташкил топган занжирдан иборат. Молекула узунлиги табиий ипакка юқори қайишқоқлик ва эгиловчанлик хусусиятини беради. Фиброин ферментлар таъсирига чидамли, спиртда, эфирда ва бошқа эритмаларда эримайди, сусл кислоталар таъсирига чидамли, сувда шишади, лекин структураси ўзгармайди [11].

Иккита фибрион ипларини ёпиштириб турган серицин ҳам оксил моддалардан иборатлиги боис унинг физик-механик, кимёвий хусусиятлари пиллаларни қуришти режимига ва сақлаш шароитига боғлиқ. Серицин тахминан 70⁰С ҳароратли сувда эрий бошлайди, кислота ва асосли эритмаларида эрийди. Айрим ферментлар таъсирига чидамсизлиги боис микроорганизмлар таъсирида емирилиши мумкин. Серициннинг сувни

шимувчанлик ва эрувчанлик кўрсаткичлари пиллаларнинг чувилишига катта таъсир кўрсатади [12]. Бу технологик кўрсаткичлари уларга дастлабки ишлов бериш жараёнига боғлиқдир.









1-расм. Пиллаларга турли ҳароратда 60 дақиқа вақт мобайнида ишлов бериш натижасида вазн йўқотиши графиги, %

1-жадвал

Турли ҳароратда ишлов берилган пиллалар қобиғининг микроскопик кўриниши

Ишлов бериш ҳарорати, °C	Ишлов беришдан аввал	Ишлов берилгандан кейинги пилла қобиғининг кўриниши	
	Ташқи	Ташқи	Ички
60 (A)			
70 (B)			
80 (V)			
90 (G)			

100 (D)			
110 (E)			
120 (J)			

Ушбу усулни амалиётда синаш ва уларнинг технологик режимларини аниқлаш мақсадида 2016-2020 йиллардан пилла тайёрлаш мавсумида Самарқанд вилояти «Kumush tola» МЧЖ, Қашқадарё вилояти «Koson agropilla» МЧЖ ҳамда Тошкент вилояти Ўртачирчиқ пиллакашлик корхоналари ва «Ипак технологияси» кафедрасининг амалиёт базаларида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Бунинг учун пиллаларга турли ҳароратли иссиқ ҳавода ишлов бериш орқали уларнинг вазн ўзгариши таҳлил қилинди. Натижалар қуйидаги графикда келтирилган (расм 1).

1-расмдан кўриниб турибдики, ҳароратнинг ортиши билан вазн камайишининг ортишини кўришимиз мумкин. Бироқ қанчалик ҳарорат ортса, қобикнинг хусусиятларининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Юқоридагиларни текшириш мақсадида турли ҳароратда ишлов берилган пиллалар қобикнинг микроскопик кўриниши таҳлил қилинди. Натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган (жадвал 1)


Ҳозирги кунгача пиллаларга дастлабки ишлов беришнинг бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, уларни тирик пилла ғумбагини жонсизлантириш ва қуритиш жараёнларининг алоҳида ёки барабар амалга оширилиш технологиясига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳда - тирик пилла ғумбаги фақат жонсизлантирилади, шу боис, ғумбаги жонсизланган пиллалар сояли стеллажларда қурилади. Бунга буғ, кимёвий моддалар, герметизация, гамма нурлари ёрдамида ва совуқ муҳитда сақлаш орқали ишлов бериш усуллари киради.

Иккинчи гуруҳда - юқоридаги жараёнлар барабар яъни, тирик пилла ғумбаги жонсизлантирилиши билан бирга қурилади. Қуёш нури ёрдамида, вакуумли муҳитда, юқори частотали токли (ЮЧТ) майдонда, юқори иссиқ ҳавода (конвектив) ва инфрақизил нур таъсирида ишлов бериш усуллари шулар жумласидандир.

Пилланинг тузилиши бўйича қобик ва унинг ичидаги ҳаво бўшлиғи ҳамда ғумбакдан ташкил топганлиги боис, унга берилаётган юқори ҳароратли иссиқ ҳаво ғумбакка таъсир этгунича бир қанча қаршиликка учрайди. Натижада таъсир этаётган иссиқ ҳаво ғумбакнинг жонсизланиши ва унинг ичидаги суюқликни буғга айлантириб қуритиш учун кўп вақт ҳамда юқори ҳароратни талаб этади. Бу эса, пилла қобиғи ва ғумбак табиий хусусиятларининг ўзгаришига олиб келади [8-15].


Олиб борилган дастлабки илмий тадқиқот натижалари бўйича, тирик пилла ғумбагини инфрақизил нур таъсирида жонсизлантиришнинг мақбул вариантлари аниқланди. Тадқиқот натижалари ва ўтказилган адабий таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда тирик пилла ғумбагини инфрақизил нур таъсирида жонсизлантириб сўнгра, сояли куритгичда давомли кондицион намликка қадар куритиш усули таклиф этилди [16-18].



2-расм. Тирик пилла ғумбагини турли усулда жонсизлантиришнинг вақтга боғлиқлиги.
1-инфрақизил нур таъсирида (тажриба), 2-иссиқ ҳаво таъсирида (назорат)

Тадқиқотлар мавжуд СК-150К агрегати ва янги яратилган инфрақизил нур таъсирида тирик пилла ғумбагини жонсизлантириш қурилмаларида ўтказилди. Тажриба учун бир хўжаликда, бир хил шароитда баҳорги ва такрорий мавсумларда бокиб етиштирилган тирик пиллалардан 1000 кг намуна олиниб тенг миқдорда назорат ва тажриба вариантларига ажратилди. Назорат вариантыдаги пилла намуналари мавжуд СК-150К агрегатида 110 °C ли иссиқ ҳавода, тажриба вариантыдаги пиллалар эса янги қурилмада ғумбаги жонсизлантирилди ва сояда қуритилди. Ҳар икки вариантдаги пилла намуналарини қуритиш жараёнида таркибидаги намлигининг ишлов бериш вақти бўйича ўзгариши аниқланди (2-расм).

2-расмдан кўриниб турибдики, тирик пиллалар ғумбагини тўлиқ жонсизлантириш вақти назоратда 70 дақиқани ташкил этиб, тажрибада эса бунинг учун 10 дақиқа етарли бўлиши аниқланди. Бунда такрорий мавсумда етиштирилган пиллалар ғумбаги баҳоргига қараганда тезроқ жонсизланишини ва бу сезиларли фарқ қилмаслигини кўрсатди.



3-расм. Пилла ғумбагини жонсизлантириш давомийлигида уларнинг вазн ўзгариши.

Тажрибалар давомида пиллалар ғумбагини жонсизлантириш натижасида уларнинг вазн йўқотиши турлича бўлиб, назоратда 6,7 % ни, тажрибада эса 0,5 % бўлишини кўрсатди (3-расм).

Тадқиқотлар давомида хар икки мавсумда тайёрланган бир хил калибрдаги Ўзбекистон 5 зот тирик пилла намуналари уч вариантга тенг ажратилиб ишлов берилди: 1-вариантда мавжуд усул СК-150К қуритиш агрегатида 90 °С ҳароратда 1,5 соат давомида (ғумбакни жонсизлантириб қисман қуритиш) ва сояли қуригичда тўлиқ қуритиш; 2-вариантда тирик пилла ғумбагини кимёвий модда (Алюминий фосфид 56 %) билан фумигация қилиш орқали жонсизлантириб, сояли қуригичда тўлиқ қуритиш; 3-вариантда тирик пилла ғумбагини инфрақизил нур таъсирида жонсизлантириб сояли қуригичда тўлиқ қурилди [15-18]. Натижада қуруқ пиллалар қобиғининг айрим хусусиятлари аниқланди.

Мавсумда териб олинган уч-беш кунлик ғумбак сариқ рангда ва хидсиз бўлади. Уни қуритиш жараёнида эса ғумбак таркибидаги оксил моддаларнинг ачиши натижасида қўланса хид пайдо бўлади. Ғумбак таркибидаги ёғ моддасининг ўзгариши натижасида жигаррангга, иссиқликда узоқ вақт ушланса тўқ жигарранг ёки қора рангга ўзгаради. Натижада, ғумбакдаги ёғ куйиб мумга айлана бошлайди ва у жуда қийин эрийди [30]. Юқоридагиларни эътиборга олиб, турли режимларда ишлов беришнинг ғумбак чиқишига ва унинг рангига таъсири аниқланди (2-жадвал).

Сариқ рангли ғумбакнинг чиқишига пиллаларга ишлов бериш усули ва режими таъсир кўрсатиши маълум бўлди. Жумладан: 1-вариант назоратда сариқ ғумбакларнинг чиқиши 68,5 % бўлса, 2- ва 3- вариантларда мос ҳолда 4,9 % (абс.) ва 2,6 % (абс.) га юқори бўлди. 1-вариант тажрибадаги сариқ ғумбакларнинг чиқиши эса 66,5 % ни ташкил этиб, 2- ва 3- вариантларда мос ҳолда 8,6 % (абс.) ва 7,7 % (абс.) га юқори бўлди.

2-жадвал

Пилла ғумбагининг чиқиши ва унинг рангига таъсири

№	Вариантлар	Пилла етиштириш мавсуми	Ғумбак чиқиши (%)	Шу жумладан, ранги бўйича чиқиши, (%)			
				сариқ	жигар ранг	қора	қурт
1	1-вариант (Иссиқ ҳаво)	Баҳорги (назорат)	48,2	68,5	26,4	3,7	1,4
		Такрорий (тажриба)	46,1	66,5	27,1	4,5	1,9
2	2-вариант (Фумигация)	Баҳорги (назорат)	48,8	73,4	19,7	5,8	1,1
		Такрорий (тажриба)	46,3	75,1	19,3	4,1	1,5
3	3-вариант (ИК)	Баҳорги (назорат)	48,6	71,1	21,3	6,6	1,0
		Такрорий (тажриба)	46,2	74,2	19,8	4,2	1,8

Маълумки, пиллаларни қуритиш режимининг тўғри танланганлиги, қуритиш жараёнини серицин хоссаларига таъсири орқали изоҳланади. Серициннинг хоссалари-эрувчанлиги, бўкиши ва адгезия кучи орқали, фиброин хоссалари эса эритмадаги қовушқоқлиги, ёпишувчанлиги, эрувчанлиги ва инфрақизил спектори бўйича тузилишида намоён бўлади. Қуруқ пиллалар қобиғидаги серицин каттиқ ҳолатда қобиқни ташкил этувчи пилла ипини мустақкам ушлаб туради. Ушбу пилла ипни қобиқдан ажратиш учун эса 1,52 сН гача куч талаб этилади. Юқори тезликдаги куч билан пиллаларни узлуксиз чувишда, қобиқдан ипни ажратиб олиш учун талаб этиладиган куч эса 0,2 сН дан

ортмаслик лозим. Бунинг учун пилла қобиғининг бўқиши ва серициннинг эрувчанлик кўрсаткичлари талаб даражасида бўлишини тақазо этади [12].


Серицин молекула тузилишининг ўзига хослиги эритувчининг серицин ичига осон ўтишидир. Сувнинг серицин ичига ўта олиши, унинг бўқишига, ажралишига ва унинг қисман эришига олиб келади. Серицин молекуласининг яримдисперслиги ҳароратнинг критик нуқтасига етмаганда ҳам, унинг эришига сабаб бўлади. Унинг эрувчанлиги пилланинг зотиға, боқиш шароитига, уларға дастлабки ишлов бериш (ғумбагини жонсизлантириш ва қуришти) ва буғлаш режимларига боғлиқ. Серициннинг эриш даражаси қуйидаги ифода орқали ҳисобланади:

$$P_a = \frac{m_0 - m_k}{m_0} \cdot 100\% \quad 4.1$$


бу ерда: m_k - пилла қобиғининг қайнатилгандан кейинги вазни;

m_0 - пилла қобиғининг қайнатилгунга қадар бўлган қуруқ вазни

Тадқиқотни ўтказиш учун турли баҳорги ва такрорий мавсумларида етиштирилган ва юқорида келтирилган турли вариантларда ишлов берилган пилла намуналари қобиғидаги серициннинг эрувчанлик хусусиятини текшириш мақсадида 50 тадан пилла қобиғи намунасини ($i=10$ та такрорланишда) мавжуд усулбият асосида дистилланган қайноқ сувда турли вақтларда қайнатиш йўли билан улар вазнининг камайиши аниқланди (4 ва 5-расмлар).



4-расм. Баҳорги мавсумда етиштирилган турли усулда ишлов берилган пилла қобиғи эрувчанлигининг вақтга боғлиқлиги (назорат).



5-расм. Такрорий мавсумда етиштирилган турли усулда ишлов берилган пилла қобиғи эрувчанлигининг вақтга боғлиқлиги (тажриба).

Тадқиқот натижалари пиллани иссиқ ҳавода қуритиш режимининг пилла қобиғининг технологик хусусиятларига таъсир қилиши маълум бўлди. 1-вариантда ишлов берилган пилла қобиғидаги серициннинг эриши ўртача назоратга нисбатан тажрибада 0,97 % (абс.) га кам, 2- ва 3- вариантларда мос ҳолда 0,85 % (абс.) ва 0,75% (абс.) га кам бўлишини кўрсатди.

Пиллаларга дастлабки ишлов бериш усулини таҳлил қиладиган бўлсак, 2 вариант (фумигация) ва 3 вариантда (ИҚ) ишлов бериш усули натижалари бир бирига деярли яқинлигини, иссиқ ҳавода ишлов бериш қобикдаги серицин эришига сезиларли таъсир қилишини кўрсатди. Фумигация усулида ғумбакни жонсизлантириб сояда қуритиш усули қобикнинг хусусиятларини яхши сақлаб қолади, бироқ асосий камчилиги, қуруқ пиллаларни чувиш жараёнида пилла таркибида сақланиб қолган кимёвий моддаларнинг сувга чиқиши ишчиларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатишига сабаб бўлади. 3-вариантда тирик пилла ғумбагини инфрақизил нур таъсирида жонсизлантириб сояда тўлиқ қуритиш серициннинг технологик хусусиятлари яхши сақланиши туфайли чувиш жараёнида, яхши бўкиб, буғланиши ва яхши чувилишини таъминлайди.

Reference

- 1.O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2006 yil 11 yanvardagi “Yirik sanoat korxonalari bilan kasanachilikni rivojlantirish asosidagi ishlab chiqarish va xizmatlar o‘rtasida kooperatsiyani kengaytirishni rag‘batlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2006 yil 5 yanvardagi PF-3706-son farmonini amalga oshirish haqida” gi VM-4-son qarori.
- 2.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 7 iyundagi “Har bir oila - tadbirkor” dasturini amalga oshirish to‘g‘risida” gi PQ-3777-son qarori.
- 3.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 14 iyuldagi “Aholi bandligini ta’minlash borasidagi ishlarni takomillashtirish va samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3856-son qarori.

-
- 4.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 20 maydagi “Har bir oila - tadbirkor” dasturini moliyalashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi PQ-4720-son qarori.
 - 5.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 13 oktabrdagi «Aholini tadbirkorlikka jalb qilish tizimini takomillashtirish va tadbirkorlikni rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi PQ-4862-sonli qarori.
 - 6.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 21 apreldagi «Tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish, ishbilarmonlik muhitini yanada yaxshilash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida» PQ-5087-son qarori.
 - 7.X.A.Alimova, A.Y.Raximov, N.N.Nabidjanova, J.A.Axmedov Raqobatbardosh tayyor mahsulotlar ishlab chiqarishning asoslari// «O‘zbekiston to‘qimachilik jurnali» ilmiy-texnikaviy jurnali. -Toshkent -2020. №4.
 - 8.K.R.Avazov Issledovaniye usovershenstvovannoy texnologii pervichnoy obrabotki kokonov tutovogo shelkopyada//Izvestiya visshix uchebnix zavedeniy. Tekhnologiya tekstilnoy promishlennosti 371(5), s. 80-83, 2017 y.
 - 9.Avazov K.R. To‘qimachilik xomashyosini ishlab chiqarish tendensiyasi va istiqbollari// Farg‘ona politexnika instituti ilmiy-texnika jurnali. -2016. №3. 107-110 b.
 - 10.Avazov K.R. Primary processing of cocoons with infrared radiation for maintaining the technological properties of the shell. Dissertation Doctor of Technical Sciences. (DSc) - Tashkent. -TITLI. -2021. -P. 200.
 - 11.X Jin, J Zhang, W Gao, J Li Interfacial heat transfer through a natural protective fibrous architecture: a wild silkworm cocoon wall // Textile research journal, 2015 - journals.sagepub.com.
 - 12.Jin, Xing 2016, Heat and moisture transfer through silkworm cocoon walls, PhD. thesis, Deakin University. <http://hdl.handle.net/10536/DRO/DU:30088815>
 - 13.Alimova X.A. Jahon bozori sharoitida ipak mahsulotlarini sifatini oshirish va assortimentini ko‘paytirish // «Ipak» ilmiy-texnikaviy jurnali. -Toshkent -1998. №1. 6 b.
 - 14.Alimova X.A. Pilla va ipak sifatini jahon andozalari darajasiga ko‘taraylik // «Ipak» ilmiy-texnikaviy jurnali. -Toshkent. -1996. -№1. 3 b.
 - 15.Avazov K.R. Pillaga dastlabki ishlov berish agregatlarining holati // «To‘qimachilik muammolari» ilmiy-texnikaviy jurnali. -Toshkent. -2008. -№1. 97-100 b.
 - 16.Rubinov E.B. Tekhnologiya shelka. -M.: Legkaya i pishevaya promishlennost, -1981. -S. 392.
 - 17.K.R.Avazov Modelirovaniye tempa izmeneniya temperaturi kukolki shelkovichnix kokonov pri ix termoradiatsionnom zamarivanii//«European Applied Sciences» ISSN 2195-2183 Nationales ISSN-Zentrum für Deutschland (Natsionalniy sentr ISSN Germanii) №12, 2015 y.
 - 18.K.R.Avazov, Bastamkulova X.D. Puti povisheniya effektivnosti pervichnoy obrabotki kokonov pri vliyaniy infrakrasnix luchey//«Austrian Journal of Technical and Natural Sciences» Avstriyskiy jurnal texnicheskix i yestestvennix nauk ISSN 2310-5607№1, 2016 y.
 - 19.Kh.Alimova, K.Avazov, D.Zakirova, N.Khakimov Investigation of primary processing technology of re-grown cocoons// «International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology» (IJARSET) Ilmiy, muxandislik va texnologik ilg‘or tadqiqotlarning xalqaro jurnali ISSN: 2350-0328. Vol. 5, Issue 12, December 2018.

УЙЎУНЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯДА ЧИГИТЛИ ПАХТАДАН ИП ЙИГИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА МАХСУЛОТ СИФАТИ ТАҲЛИЛИ

Б.А.Палуанов, А.П.Пирматов

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Аннотация. “Пахта-тўқимачилик кластерларида пахтани дастлабки ишлаш ва ип йигиришининг ўйғунлашган янги технологиясини яратиш” имкониятларини ишлаб чиқаришга жорий этишда, толани тойламасдан тўғридан-тўғри йигириш жараёнига узатишда хомашё, хомаки ва тайёр маҳсулотларнинг хосса кўрсаткичлари Uster Statistic 2018 кўрсаткичлари асосида қиёсий таҳлил қилинган. Ёзанинг «Султон» селекциясига мансуб чигитли пахтадан “Midasiatex Cluster” МЧЖ пахта тозалаш заводида, ДП-130 аррали жинда тола ажратилиб, тойланмаган толалар намунаси тайёрланди. Пахта толасининг кўрсаткичлари Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги “Wakefield Inspection Services (Toshkent) Ltd ” қўшма корхонаси лабораториясида Uster® HVI 1000 тизимда баҳоланди. Намунадан тайёрланган таралган пилталардан “Real Tex Tashkent” МЧЖ корхонасида карда йигириш тизимида ҳалқали усулда CCD-32/1 ип йигириш режаси ишлаб чиқилди. Тажриба синов ишлари корхона шароитида белгиланган стандарт меъёрлар асосида амалга оширилди. Тажриба вариантыда тайёрланган хомаки ва тайёр маҳсулотлар, корхона вариантыда тайёрланган хомаки ва тайёр маҳсулотларнинг хосса кўрсаткичларига таққосланиб қиёсий ўрганилди. Юқори даражада зичланмаган, дискрет ҳолатдаги пахта толаси аралашмасига йигириш тизимида ишлов берилиб, технологик жараёнларнинг самарадорлиги ва маҳсулот сифатига таъсири таҳлил қилинди.

Калит сўзлар. Пахта толаси, тола хоссаси, пилта, пилик, ип, Uster HVI 1000 тизими, Uster Statistic 2018 кўрсаткичлари.

Аннотация. Проведен сравнительный анализ свойств сырья, полуфабрикатов и пряжи из непрессованного волокна на основе показателей Uster Statistic 2018 с целью изучения возможности внедрения «Интегрированной технологии первичной обработки и прядения хлопка на хлопково-текстильных кластерах». Хлопок-сырец селекционного сорта Султон был переработан на хлопкоочистительном заводе ООО “Midasiatex Cluster”, где волокно было отделено от семян на джине ДП-130 и получены образцы непрессованного волокна. Показатели хлопкового волокна были оценены на системе Uster® HVI 1000, установленного на совместном предприятии “Wakefield Inspection Services (Toshkent) Ltd ” при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности. Из подготовленной чесальной ленты были выработаны образцы кардной кольцевой пряжи CCD-32/1 на предприятии ООО “Real Tex Tashkent”. Экспериментальные исследования проводились по стандартным методам, установленным в производственных условиях. Был проведен сравнительный анализ показателей качества полуфабрикатов и пряжи опытного и контрольного вариантов. Проанализировано влияние процессов разрыхления, очистки и смешивания с учетом отсутствия механических воздействий при переработке несильно спрессованной дискретной смеси.

Ключевые слова: Хлопковое волокно, свойства волокна, лента, ровница, пряжа, система Uster HVI 1000, показатели Uster Statistic 2018.

Abstract. Comparative analysis of properties of raw materials, semi-finished products and yarn from unpressed fiber on the basis of Uster Statistic 2018 indicators was carried out in order to study the possibility of implementing the "Integrated technology of primary processing and spinning of cotton at cotton-textile clusters". Raw cotton of selection variety Sul-ton was

processed at Midasiatex Cluster LLC cotton cleaning plant, where fiber was separated from seeds on DP-130 gin and unpressed fiber samples were obtained. The cotton fiber values were evaluated on the Uster® HVI 1000 system installed at the joint venture "Wakefield Inspection Services (Toshkent) Ltd" at the Tashkent Institute of Textile and Light Industry. From the prepared card sliver samples of carded ring yarn CCD-32/1 were produced at the enterprise "Real Tex Tashkent" Ltd. Experimental studies were carried out according to the standard norms established in production conditions. The comparative analysis of quality parameters of semi-finished products and yarn of pilot and control variants was carried out. The influence of loosening, cleaning and mixing processes was analyzed, taking into account the absence of mechanical influences during the processing of not strongly pressed discrete mixture.

Key words: Cotton fiber, fiber properties, sliver, roving, yarn, Uster HVI 1000 system, indicators of Uster Statistic 2018.

Кириш. Республикамизда йигириш корхоналарини модернизация қилиш асосида ички ва ташқи бозорда ип маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда сифат кўрсаткичларини яхшилаш орқали уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...» вазифаси белгилаб берилган [1].

Ушбу вазифани амалга ошириш, жумладан, пахта тозалаш ва йигириш корхонларида маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида, тўқимачилик тармоқларидаги анъанавий бошқаришнинг салбий охибатларини бартараф этиш мақсадида республикада 2020- йилга келиб, тўқимачилик саноатида тайёр маҳсулот самарадорлигини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилди.

Ишлаб чиқаришни умумийлаштириб, ишлаб чиқаришга ресурстежамкор техника ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, пахта-тўқимачилик кластерлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги боғлиқликни тартибга солишнинг ихчам механизмини яратиш мақсадида, “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси ташкил этилди [2].

Ушбу ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерлари дислокацияси жойига нисбатан давлат комиссияси томонидан, тавсия этилган пахта селекцион навидан тола етиштирилиши натижасида, кластерларда ип йигириш жараёнларида хомашёдан самарали фойдаланиб, сифатли ип ишлаб чиқаришда бир қатор долзарб муаммолар мавжудлиги бўйича илмий таклиф ва хулосалар берилган [3].

Пахта-тўқимачилик кластерларида пахтани дастлабки ишлаш ва ип йигиришнинг ўйғунлашган янги технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш имкониятларини илмий тадқиқотлар натижасида оптимал вариантларни яратиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Назарий қисм. Пахта-тўқимачилик кластерларида пахтадан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш технологиялари бугунги кун талабларини тўла қондириш даражасида маслиги, пахтани қайта ишлаш мавсумий ҳолатда амалга оширилиб, уларни бунтларда сақлаш давом этмоқда. Дунё тажрибасида пахтани, айрим ҳолларда толани анчадан буён мини бунтларда сақлаш жорий этилган [4].

Машинада терилган ва рулонларда қадоқланган пахтани бунтларда сақламасдан, тўғридан-тўғри қайта ишлашга узатиш ишлари амалга оширилмоқда. Пахта толасини тойлаш, транспортировкаш ва сақлаш харажатларини камайтириш ҳозирги кунда пахта толаси юз фоиз республикада қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган [5].

Ип йигириш жараёнлари кетма-кетлигида тайёрланган хомаки маҳсулотлар ва ип таркибида чигал толалар ва непсларнинг мавжудлиги асосан пахтани дастлабки ишлаш

технологиясининг салбий оқибатлари сифатида илмий тадқиқотлар натижасида аниқланган [6].

Шунингдек анъанавий усулда, пахта толасидан ип ишлаб чиқаришда толаларни юқори даражада шикастланишига сабаб бўлган титиш жараёни ҳам қўлланилиб келинмоқда. Ушбу технологиялардаги такрорий механик зарбалар толаларни кучли шикастлантириб, йигирилган ипнинг сифат кўрсаткичлари пасайишига сабаб бўлади [7].

Пахтани дастлабки ишлаш ва ип йигириш технологик жараёнларида тола ва хомаки маҳсулотларнинг ҳар хил зарбий таъсирлар натижасида физик-механик хоссаларига зарар етиши тадқиқотлар асосида исботланган [8].

Ишлаб чиқариш жараёнида хомаки ва тайёр маҳсулот сифат кўрсаткичларини тадқиқ этиш мақсадида тойланмаган пахта толасидан намуна тайёрланиб, амалий тажрибалар ўтказилди.

Намуна тайёрлашда “Midasiatex Cluster” МЧЖ тақрибига кирувчи пахта тозалаш заводида ДП-130 маркали аррали жинлаш машинасида ажратилган «Султон» селекцияси биринчи нав яхши синфига мансуб толалар ишлатилди. Пахта толасининг кўрсаткичлари ТТЕСИ қошидаги “Wakefield Inspection Services (Toshkent) Ltd ” кўшма корхонаси лабораториясида Uster® HVI 1000 тизимида баҳоланади [9]. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Пахта толасининг кўрсаткичлари

№	Номи	Mic	Str, cH/текс	SCI	Unf%	SFI % (12,7мм)	Elog, %	Cnt, донa	Rd, %	+b, %	Area	Len Dm	Type
1	«Султон» селекцион нави	4,83	30,5	124,3	81,7	9,6	7,4	27	79,3	8,8	0,30	1,084	5
2	Uster Statistics 2018 сифат синфлари	95%	25%	50%	75%	75%	25%	75%	25%	50%	50%	-	-

Намунанинг сифат кўрсаткичлари таҳлилидан келиб чиқиб, пахта толаси 5-типга тўғри келиши ва баҳор мавсуми май ойидаги ғарамдан олинган пахта бўлганлиги учун, микронейр кўрсаткичи (Mic) 4,83 га, йигирувчанликнинг барқарорлик индекси (SCI) 124,3 кўрсаткичлари паст чиққанлигини кўриш мумкин. Ғарамда ўзоқ муддат сақланиши даврида пахта толаси пишганлик даражасининг ортиши натижасида тола кўрсаткичлари катталашиб кетганлиги аниқланди.


Пахта узоқ муддат сақланиши натижасида таркибидаги ифлос аралашмалар ва чигитнинг ҳисобига биологик жараён давом этиши, тола ва чигитнинг хоссалари ёмонлашиб, тола чиқиши камайиши ва кейинги жараёнларда салбий таъсирини кўрсатиши илмий жиҳатдан асосланган [10].

Ғарамларда узоқ муддат пахтанинг сақланиши натижасида толанинг пишиб етилганлик индекси (Mat) чигитдан озиқланиб, ортиб бориши учун толанинг: микронейр (Mic), йигирувчанликнинг барқарорлик индекси (SCI), толанинг пишқлиги (SFI) каби сифат кўрсаткичлари ўзгариши маълум бўлди.

Ип ишлаб чиқаришда пахта толасининг пишиб етилганлик индекси (Mat) 0,87 қиймат қилиб олинган, шу ҳисобдан узоқ муддат пахтани ғарамларда сақлаб туриш кейинги жараёнларда тола, хомаки ва тайёр маҳсулотлар сифат кўрсаткичларининг ёмонлашишига сабаб бўлиши исботланган [11].

Демак, пахтани узоқ муддат ғарамларда сақлаб туришининг олдини олиш ва қисқа муддатларда қайта ишлаб, тола ҳолида сақлашни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Экспериментал қисм. Юқорида келтирилган маълумотларни инобатга олиб, тойланмаган (тажриба варианты) пахта толасидан тайёрланган намуна ТТЕСИ “Йигириш технологияси” ўқув ишлаб чиқариш лабораториясида ўрнатилган «Truetschler» (Германия) фирмасининг технологик тизимида чизиқий зичлиги 5,6 ктекс (Ne 0,104) таралган пилта тайёрланди.



1-расм. “Йигириш технологияси” кафедраси ўқув ишлаб чиқариш лабораториясининг технологик ускуналари.

Тайёрланган таралган пилталардан “Real Tex Tashkent” МЧЖ корхонасида карда йигириш тизимининг ҳалқали усулда CCD-32/1 ипи корхона йигириш режаси асосида ишлаб чиқилди. Тажриба синов ишлари корхона шароитида белгиланган стандарт меъёрлар асосида (ҳаво намилиги 65 ± 2 , ҳарорат 22 ± 3 °C) амалга оширилди. CCD-32/1 компакт ипи ишлаб чиқариш учун технологик машиналарнинг параметрлари йигириш режаси ва тавсиялар асосида шайланди.

2-жадвал

“Real Tex Tashkent” МЧЖ корхонасидаги CCD-32/1 ип йигириш режаси

Т/р	Машиналар номи ва маркаси	Чизиқий зичлиги (Ne)	Қўшилишлар сони	Ўзиш, E	Чиқарувчи орган сони	Пиштилганлик, K бур/м	Чиқарувчи орган тезлиги		Ҳисобий унумдорлик, кг/соат
							n(мин ⁻¹)	V(м/мин)	
1	Пилталаш машинаси I- ўтим, SB-D50	0,127	6	4,5-11,6	1	-	-	680	187,6
2	Пилталаш машинаси II – ўтим, RSB-D50	0,117	6	4,0-11,6	1	-	-	651	195,3
3	Пиликлаш машинаси, F-38	0,800	1	5,290	208	45,000	-	-	246,8
4	Ҳалқали йигириш машинаси, K-46	CCD-32/1	1	43,50	1824	900	18500	-	96,6

Тажриба варианты бўйича ҳар бир технологик ўтимда қайтимлар, чиқиндилар, хомаки ва ип чиқиш миқдори тасдиқланган усулда аниқланди ва 3-жадвалга жамланди [12].

Қайтимлар, чиқиндилар, хомаки маҳсулотлар ва ип чиқиши

Қайтимлар ва чиқиндилар	Титиш-тозалаш	Тараш	Пилталаш I-ўтим	Пилталаш II-ўтим	Пиликлаш	Йиғириш	Жами
Пилта узуғи		0,275	0,47	0,47	0,47		1,685
Пилик узуғи					0,13	0,12	0,25
Момиқ (мичка)					0,16	0,28	0,44
Тозалашдаги тугунак ва момиқлар	2,8						2,8
Тарашдаги тугунак ва момиқлар		1,48					1,48
Шляпка тарандиси		1,451					1,451
Тоза супринди		0,029	0,0167	0,0167	0,021	0,062	0,1454
Чигалланган ип						0,1	0,1
Устки валик ва тозалогичлар момиғи		0,038	0,0293	0,0293	0,016	0,016	0,1286
Ифлос супринди			0,045	0,045	0,024	0,038	0,152
Фильтр момиғи	0,211	0,2					0,411
Кўринмайдиган чиқиндилар	0,38	0,256					0,636
Қайтмайдиган чиқиндилар	1,101	0,774					1,875
Жами чиқиндилар, %	4,492	4,503	0,561	0,561	0,821	0,616	11,55
Маҳсулот чиқиши, %							88,45

Тажриба вариантида олинган хомаки маҳсулотлар ва йиғирилган ипнинг сифат кўрсаткичлари “Real Tex Tashkent” МЧЖ корхонасида ишлаб чиқарилаётган CCD-32/1 компакт ипи ва хомаки маҳсулотлари билан қиёсланган ҳолда ўрганилиб, таҳлил қилинди.


Маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари “Real Tex Tashkent” МЧЖ корхонаси ишлаб чиқариш лабораториясининг жиҳозларида аниқланди.

Корхонада CCD-32/1 компакт ип ишлаб чиқариш учун куйидаги хомашё таркибида: I- нав олий, яхши, ўрта синфли пахта толаларидан 80%; II- нав яхши, ўрта синфли пахта толаларидан 20% сараланмадан фойдаланилган (тойланган корхона варианти толаси). Сараланма толаларининг сифат кўрсаткичлари Uster® HVI 1000 тизимида аниқланди ва тола кўрсаткичлари 4-жадвалга жамланди.

“Real Tex Tashkent” МЧЖ корхонаси сараланма пахта толаларининг кўрсаткичлари

№	Номланиши	Mic	Str, сн/текс	SCI	Unf%	SFL, % (12,7мм)	Elg, %	Cnt, дона	Rd, %	+b, %	Len Dm	Type
1	Сараланма пахта толаси	4,58	30,0	136,9	83,4	6,9	7,8	23	80,4	7,8	1,158	4
2	Uster Statistic 2018 сифат синфлари	75%	25%	95%	25%	25%	25%	50%	25%	25%	-	-

CCD-32/1 компакт ип олиш учун тажриба ва корхона вариантлари учун аралашма тайёрланди, тайёрланган аралашма толалари кўрсаткичлари Uster® HVI 1000 тизимида аниқланди ва натижалари гистограмма кўрнишида 1-расмда келтирилди (1-жадвалдаги тажриба варианты тола кўрсаткичларига таққосланди).



2-расм. Аралашма толаларининг кўрсаткичлари

Хомашёларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижасида, тажриба варианты учун фойдаланилган толанинг айрим физик-механик хоссалари корхона варианты толаларига нисбатан паст кўрсаткичларга эга эканлиги маълум бўлди. Ип йиғиришда муҳим кўрсаткичлар ҳисобланган йиғирувчанликнинг барқарорлик индекси (SCI), толанинг пишиқлиги (Str) кўрсаткичлари, тажриба вариантыда фойдаланилган аралашмадаги тола кўрсаткичларидан паст эканлиги аниқланди.

Бу хоссаларнинг пахта толаси қийматини бериши амалда ип ишлаб чиқаришда хомашё танлашда тавсия этилган меъёрий кўрсаткичларнинг паст қийматига тўғри келиши кузатилади. “Uster tehnologest” фирмасининг олиб борган тадқиқот ишларида, сифатли ип тайёрлашда йиғирувчанлик барқарор индексининг (SCI) минимал қийматини 128 дан паст бўлмаслиги бўйича тавсиялар келтирилган [13,14].

CCD-32/1 компакт ип тайёрланган иккала вариант бўйича, таралган пилтанинг непис ва узунлик кўрсаткичлари “Uster Afis RPO-2” тизимида аниқланди ва натижалари 5-6-жадвалларга жамланди.

5-жадвал


Таралган пилтанинг непис кўрсаткичлари

Кўрсаткич номи	Вариантлар	Умумий непислар сони (Cnt/g)	Умумий неписларнинг ўртача ўлчами (µm)	Толадаги непислар сони (Cnt/g)	Толадаги неписларнинг ўртача ўлчами (µm)	Туғунаклар сони (Cnt/g)	Туғунакларнинг ўртача ўлчами (µm)
Непислар	Тажриба	45	581	40	557	5	746
	Корхона	111	686	78	583	33	927


Таралган пилтанинг узунлик кўрсаткичлари

Кўрсаткич номи	Вариантлар	Толалар массасидаги ўртача тола узунлиги, (mm)	Калта толалар массавий улуши, (%<12,7mm)	Калта толалар улуши, (%<12,7mm)	Толанинг чизиқий зичлиги, (мтекс)	Пишиб етилганлик даражаси, (mat1)	Пишиб етилмаган толалар улуши, (%)
Узунлик	Тажриба	29,2	8,1	22,1	164	0,90	5,7
	Корхона	28,3	7,6	20,6	169	0,90	5,8

5-6-жадвал кўрсаткичлари шуни кўрсатдики, тажриба вариантида тайёрланган таралган пилтанинг кўрсаткичлари нисбатан устун эканлигини кўрсатди (непслар микдори кам, ўлчамлари кичик). Олинган натижаларни иккала вариантда таралган пилта кўрсаткичлари 3-4-расмларда келтирилган.



3-расм. Таралган пилталарнинг непслар бўйича гистограммаси



4-расм. Таралган пилталарнинг узунлик кўрсаткичи бўйича гистограммаси

Кучли зичланмаган, дискрет ҳолатдаги пахта толаси аралашмасига йигириш тизимида ишлов берилганда механик таъсирларнинг камлиги ҳисобига титиш, тозалаш ва аралаштириш жараёнлари самарали амалга оширилиб, маҳсулот сифати меъёр даражасида бўлишини кузатиш мумкин [15].


Тажриба вариантыдаги таралган пилтанинг, корхонанинг таралган пилтасига нисбатан кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, калта толалар индекси (SFI) 6,78% га купайганлигини; умумий непслар сони (Total Nep Cnt) 59% га камайганини (яхшиланганлиги); тугунаклар сони (SCNep Count) 84% га камайганини (яхшиланганлиги) кузатиш мумкин.

Ҳар иккала вариантда тайёрланган пиликларнинг хосса кўрсаткичлари Uster Tester 6 ускунасида назарот қилиниб, олинган натижалар 8-жадвалга жамланди ва 5-расмда гистограмма кўринишига келтирилди.

7-жадвал

Пиликларнинг нотекислик кўрсаткичлари

Хомаки маҳсулот номи	U, %	CV m, %	CVm 1m, %	CVm 3m, %	mMin 1m, %	mMin 3m, %	mMax 1m, %	mMax 3m, %	Relative count total, %
Тажриба варианты пилиги	3,76	4,71	1,46	1,01	-2,72	-1,41	3,90	2,49	0,00
Корхона варианты пилиги	3,57	4,46	1,74	1,06	-3,58	-1,52	4,18	2,36	0,00



5-расм. Пиликларнинг нотекислик гистограммаси

Тажриба ва корхона вариантыда тайёрланган пиликнинг физик-механик хоссалари график асосида таққослаб ўрганилганда, иккала вариантда олинган пиликда катта ўзгаришлар кузатилмади. Тайёрланган пиликнинг нотекислик кўрсаткичи бўйича кўрсаткичлар қиймати иккала вариантда катта фарқ бермаганлиги ва ип тайёрлашдаги тавсия этилган стандартларга тўғри келиши аниқланди.

Ўтимлар бўйича пиликларнинг тажриба варианты ва корхона вариантыда олинган физик-механик хоссаларнинг таҳлил қилиниб график асосида таққослаб ўрганилганда, иккала вариантда олинган хомаки маҳсулотларда катта ўзгаришлар кузатилмади. Пиликларнинг нотекислик кўрсаткичи бўйича катталиклар қиймати иккала вариантда катта фарқ бермаганлиги ва ип тайёрлашдаги тавсия этилган стандартларга тўғри келиши аниқланди.

Иккала вариант бўйича тайёрланган CCD-32/1 ипининг физик-механик кўрсаткичлари аниқланди. Олинган натижалар 8-9- жадвалларга ва 6-расмда гистограмма кўринишида тасвирланди.

8-жадвал


CCD-32/1 чизиқий зичликдаги ипларнинг нотекислик кўрсаткичлари

Маҳсулот чизиқий зичлиги, Ne (100 m)	U, %	CV m, %	CVm 1m, %	CVm 3m, %	Thin -50%, /km	Thick 50%, /km	Neps 200%, /km	Total IP Stand., /km	H (тукдорлик)
Тажриба варианты	11,98	15,25	4,21	3,22	9	224	164	397	4,90
Корхона варианты	11,61	14,82	4,35	3,28	3	263	331	596	3,76

9-жадвал

CCD-32/1 чизиқий зичликдаги ипларнинг пишиқлик кўрсаткичлари

Маҳсулот чизиқий зичлиги, Ne (100 m)	Time ti break, [s]	B-Force, [cN]	Elongation, [%]	Tenacity, [Rkm]	B-Work, [cN.cm]	Бурамлар сони бур/м
Тажриба варианты	2,22	293,11	3,70	16,20	302,21	877
Корхона варианты	2,99	285,06	4,97	15,75	400,78	878



6-расм. CCD-32/1 чизиқий зичликдаги ипларнинг гистограммаси

Натижалар таҳлили. Тажриба вариантыда олинган ипнинг нотекисликлари бўйича кўрсаткичлари корхона варианты иплари билан таққосланганда катта фарқ кузатилмади. Ипларнинг механик хоссалари “Uster Tensorapid 5” динамометрида ҳам аниқланди, тажриба варианты ипи корхона варианты ипидан узулиш кучи (Rkm) кўрсаткичи бўйича 16,8% га пишиқ эканлиги маълум бўлди. Шунингдек, ипнинг тукдорлик даражаси (H) тажриба вариантыдаги ипида корхона ипига нисбатан 23,26% га яхшироқ кўрсаткичга эга эканлиги маълум бўлди.

Тажриба вариантыдаги таралган пилтадаги калта толалар индекси купайиб кетиши танланган толанинг пишиб етилганлик индекси (Mat), микронейр (Mic),

йигирувчанликнинг барқарорлик индекси (SCI) меъёрий кўрсаткичдан ошиб кетганлиги, тозалаш-тараши жараёнида зарбий таъсирлар натижасида толаларда зўриқиш ортиши натижасида купайганлигини хулоса қилиш мумкин. Кучли зичланмаган пахта толалари табиий хоссаларини зарбий таъсирларнинг камлиги туфайли сақлаб қолади ва толалар қанчалик кам зарбларга учраса, уларнинг сиртидаги мой-мўмли қатлам кам зарарланади, натижада майинлиги ва ишловларга мойиллиги ортади.

Хулоса. Келгусида, “Пахта-тўқимачилик кластерларида пахтани дастлабки ишлаш ва ип йигиришнинг ўйғунлашган янги технологиясини яратиш” имкониятларини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида толани тойламасдан тўғридан-тўғри йигириш жараёнига узатиш натижасида, технологик линияларни ихчамлаштиришга эришилади. Бу яратилган технологиянинг асосий афзаллик тарафи, толалар кучли зичланмаганлиги учун тозалаш-аралаштириш ва тараши жараёнида анъанавий усулга нисбатан сифати яхши хомаки маҳсулот тайёрланиб, тайёр маҳсулот чиқиши ортади ва ишлаб чиқаришда тегишли иқтисодий самарадорликка эришилади.

Reference

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida” gi PF-4947-son Farmoni.
2. 2020 yil 22-iyundagi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 397-sonli «Paxta-to‘qimachilik ishlab chiqarishini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida» gi Qarori.
3. A.P. Pirmatov, B.A. Paluanov. Ip ishlab chiqarishda xomashyodan samarali foydalanish imkoniyatlari. Fan, ta’lim, ishlab chiqarish integratsiyalashuvi sharoitida paxta tozalash, to‘qimachilik, yengil sanoat, matbaa ishlab chiqarish innovatsion texnologiyalari dolzarb muammolari va ularning yechimi” mavzusidagi Respublika miqiyosidagi ilmiy-amaliy anjuman. Toshkent-2021-21-aprel.
4. Davidov X.K. i dr. «O rezultatax oznokomleniya s tekhniko y i tekhnologiyey pererabotki xlopka-sirsa v SSHA.» Tashkent,-1989.
5. Paluanov B, Pirmatov A. Efficient organization of harvesting and processing of cotton seeds. Universum: texnicheskiye nauki № 3 (84) 2021g.
6. E. Kirtay . a.o. Examination of fiber neps count during yarn manufacturing. № 3 (363) Texnologiya tekstilnoy promishlennosti 2016, 102-106 st.
7. Muxtarov J.R. Yigirilgan paxta ipi sifatiga tolalar holatining ta’sirini aniqlash usulini takomillashtirish. Diss. Toshkent – 2018.
8. Md. Rafiqul Islam, Suza Ahmed, Md. Abubakar Siddik, Sadik M. Ashique. Analysis of Cotton Yarn Properties Spun on Aerodynamic Compact and Open-End Rotor Spinning. Journal of Textile Science and Technology Vol.7 No.1, February 10, 2021. DOI: 10.4236/jtst.2021.71003
9. O‘zbekiston Davlat standarti O‘zDSt 604:2016.
10. T.A.Ochilov, X.A. Alimova, R.Z. Burnashev. Problemi soxraneniya prirodnix svoystv volokna pri xranenii xlopka-sirsa v buntax. Izvestiya visshix uchebnix zavedenii. Texnologiya tekstilnoy promishlennosti. Izdaniye Ivanovskoy gosudarstvennoy tekstilnoy akademii. №1.2003 g.
11. USTER® STATISTICS 2018 ko‘rsatkichlari.
12. Q.G‘.G‘afurov. Texnologik jaronlarni loyihalash. “IJOD-PRINT” nashiriyoti. Toshkent-2020 y. 146-159 bb.
13. Fayzullaev.Sh.R. Yigirish korxonalarida sifat menejmenti. O‘quv qo‘llanma.Toshkent:Ijod-print, 2020. 49-51-bb.
14. “Uster Statistics 2018” www.uster.com
15. A.P.Pirmatov. OID-1-1-«Chigitli paxta-tayyor mahsulot yakunlangan texnologik tizim asosida ishlaydigan «Mini korxona» modelini yaratish va joriy qilish» mavzusidagi innovatsion loyiha. Toshkent-2008.

СПОСОБ СНИЖЕНИЯ МАТЕРИАЛОЁМКОСТИ ДВУХСЛОЙНОГО ТРИКОТАЖА

Г.Алланиязов, Г.Гуляева, Н.Мусаев, К.Холиков, М.Мукимов

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Аннотация. Разработка трикотажа двухслойных переплетений является вкладом в решение проблемы расширения ассортимента трикотажных полотен и является наиболее актуальной проблемой в трикотажной промышленности наряду с проблемами повышения качества, увеличения производительности и ресурсосбережения. В статье приведены новые структуры двухслойного трикотажа и результаты исследования их технологических параметров. С целью расширения ассортимента трикотажных полотен и исследования влияния структуры трикотажа на его технологические параметры были разработаны структуры и способы выработки 5 вариантов двухслойного трикотажа, которые отличались друг от друга строением. Образцы двухслойного трикотажа были выработаны на современной плоскофанговой машине типа Long Xing 252SC с программным управлением. Исследованы показатели материалоемкости полученных вариантов двухслойного трикотажа и установлены наиболее рациональные структуры. Таким образом установлено, что меняя структуру слоев двухслойного трикотажа можно получить трикотаж с заданными свойствами и уменьшенной материалоемкостью. Разработанные структуры трикотажа двухслойных переплетений могут быть получены на вязальных машинах всех видов. Разработанные полотна двухслойного трикотажа можно успешно использовать для изготовления изделий верхнего ассортимента.

Ключевые слова: двухслойный трикотаж, технология получения, технологические параметры, материалоемкость.

b_{123} &= \frac{1}{N} \sum_{i=j=1}^N x_{ij} \bar{Y}_i = \frac{38,4 - 32,07 - 36,47 + 29,07 - 37,67 + 28,5 + 34,23 - 24,13}{8} = -0,0175.
\end{aligned}$$

Юқоридаги ҳисоблашлардан келиб чиққан ҳолда регрессия тенгламаси куйидагича ёзамиз:

$$\begin{aligned}
Y &= 32,5675 + 4,125x_1 + 1,5925x_2 + 1,435x_3 - 0,25x_1x_2 - 0,7425x_1x_3 - \\
&- 0,36x_2x_3 - 0,0175x_1x_2x_3.
\end{aligned} \quad (10)$$

Кейинги босқичда, Стъюдент мезонини ёрдамида регрессия коэффицентларининг аҳамиятлилигини текшираемиз:

$$t_R = \frac{|b_i|}{S(b_i)}, \quad S^2(b_i) = \frac{S_Y^2}{N \cdot n}, \quad (11)$$

бу ерда S_Y^2 - каторий дисперция, у куйидаги ифода орқали аниқланади.

$$S_Y^2 = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N S_i^2\{Y\}. \quad (12)$$

Каторий дисперциянинг сон қийматини ҳисоблаймиз:

$$S_Y^2 = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N S_i^2\{Y\} = \frac{1,1701}{8} = 0,1462625.$$

Шундан сўнг, дисперциянинг коэффицентининг сон қийматини ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned}
S^2(b_i) &= \frac{S_Y^2}{N \cdot n} = \frac{0,1462625}{8 \cdot 3} = 0,00609, \\
S(b_i) &= \sqrt{0,00609} = 0,078.
\end{aligned}$$

Регрессия коэффицентлари учун Стъюдент мезонининг ҳисобий қийматларини аниқлаймиз:

$$\begin{aligned}
t_{Rb_0} &= \frac{32,5675}{0,078} = 417,53, & t_{Rb_1} &= \frac{4,125}{0,078} = 52,88, & t_{Rb_2} &= \frac{1,5925}{0,078} = 20,42, \\
t_{Rb_3} &= \frac{1,435}{0,078} = 18,397, & t_{Rb_{12}} &= \frac{0,25}{0,078} = 3,205, & t_{Rb_{13}} &= \frac{0,7425}{0,078} = 9,519,
\end{aligned}$$

$$t_{Rb_{23}} = \frac{0,36}{0,078} = 4,615, \quad t_{Rb_{123}} = \frac{0,0175}{0,078} = 0,224.$$

Стъюдент мезонининг ҳисобий қиймати [1] га кўра жадвалдан танлаймиз:

$$t_{жад} = [P_D = 0,95; f_2 = 16] = 2,12.$$

Бунда қуйидаги шарт бажарилиши керак:

$$t_x > t_{жад}.$$

Агар юқоридаги шарт бажарилса, ҳисоблаб топилган регрессия коэффицентлари аҳамиятли ҳисобланади, лекин аксинча бўлса, айнан ўша регрессия коэффицентлари аҳамиятсиз саналиб, кейинги ҳисоблашлардан чиқариб юборилади. Ҳисоблашлардан келиб чиқиб, $t_{Rb_{123}}$ нинг қиймати жадвалдан танлаб олинган қийматдан кичик бўлганлиги сабабли b_{123} коэффицентни аҳамиятсиз деб, кейинги ҳисоблаш чиқариб юборамиз.

У ҳолда, регрессия тенгламасини қуйидагича ёзамиз:

$$Y = 32,5675 + 4,125x_1 + 1,5925x_2 + 1,435x_3 - 0,25x_1x_2 - 0,7425x_1x_3 - 0,36x_2x_3. \quad (13)$$

Шундан сўнг, (13) регрессия тенгламасини [12] ларга кўра Фишер мезони асосида адекватликка текширилди. Фишер мезонининг ҳисобий қийматини қуйидаги ифодалаймиз:

$$F_x = \frac{S_{ad}^2}{S_Y^2}. \quad (14)$$

бунда $N - M > 0$ бўлганда, S_{ad}^2 - адекватлик дисперсияси; M -аҳамиятга эга коэффицентлар сони.

$$S_{ad}^2 = \frac{1}{N - k - 1} \cdot \sum_{i=1}^N (\bar{Y}_i - Y_{Ri})^2, \quad (15)$$

бунда Y_{Ri} - регрессия тенгламасидан ҳисобланган оптимизация параметрларининг қийматлари. Уларни қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned} Y_{R1} &= 32,5675 + 4,125 + 1,5925 + 1,435 - 0,25 - 0,7425 - 0,36 = 38,3675; \\ Y_{R2} &= 32,5675 - 4,125 + 1,5925 + 1,435 + 0,25 + 0,7425 - 0,36 = 32,1025; \\ Y_{R3} &= 32,5675 + 4,125 - 1,5925 + 1,435 + 0,25 - 0,7425 + 0,36 = 36,4025; \\ Y_{R4} &= 32,5675 - 4,125 - 1,5925 + 1,435 - 0,25 + 0,7425 + 0,36 = 29,1375; \\ Y_{R5} &= 32,5675 + 4,125 + 1,5925 - 1,435 - 0,25 + 0,7425 + 0,36 = 37,7025; \\ Y_{R6} &= 32,5675 - 4,125 + 1,5925 - 1,435 + 0,25 - 0,7425 + 0,36 = 28,4675; \\ Y_{R7} &= 32,5675 + 4,125 - 1,5925 - 1,435 + 0,25 + 0,7425 - 0,36 = 34,2975; \\ Y_{R8} &= 32,5675 - 4,125 - 1,5925 - 1,435 - 0,25 - 0,7425 - 0,36 = 24,0625. \end{aligned}$$

Ҳисоблаш натижалари 4-жадвалда киритилди.

Ёғлантириш жараёни параметрларининг чармни 10МПа кучланишдаги узайишининг ҳисоблаш ва тажриба қийматлари

№	$\bar{Y}_i$	Y_{Ri}	$\bar{Y}_i - Y_{Ri}$	$(\bar{Y}_i - Y_{Ri})^2$
1	38,4	38,3675	0,0325	0,00105625
2	32,07	32,1025	-0,0325	0,00105625
3	36,47	36,4025	0,0675	0,00455625
4	29,07	29,1375	-0,0675	0,00455625
5	37,67	37,7025	-0,0325	0,00105625
6	28,5	28,4675	0,0325	0,00105625
7	34,23	34,2975	-0,0675	0,00455625
8	24,13	24,0625	0,0675	0,00455625
Жами				0,02245

Адекватлик дисперциясининг сон қийматини аниқлаймиз:

$$S_{ad}^2(Y) = \frac{0,02245}{8-3-1} = 0,0056125$$

Фишер мезонининг ҳисобий қийматини аниқлаймиз:

$$F_x = \frac{0,0056125}{0,1462625} = 0,03837$$

Фишер мезонининг жадвалдаги қиймати $F_{\text{жс}}$ билан F_x ҳисобий қийматини таққосланганда $F_{\text{жс}} > F_x$ шарт бажарилди ва андоза адекватлиги аниқланди.

Регрессия тенгламасидаги ҳар бир регрессия коэффиценти чиқувчи омилни тасвирлаб беришда катта аҳамиятга эгадир.

Регрессия тенгламасида иштирок этувчи кирувчи омил олдидаги регрессия коэффицентининг қиймати катта бўлса, шу омилни чиқувчи омилга таъсири юқори, аксинча бўлса таъсири кам бўлади. Коэффицентлар олдидаги ишоралар эса уларни, қандай таъсир этишини билдириб, яъни (+) мусбат бўлса, чиқувчи омилнинг таъсири ижобий, (-) манфий бўлса салбий бўлади.

Жараённинг математик моделига фақат муҳим коэффицентлар киритилган. Тажрибалар чарм тайёр маҳсулоти учун ўтказилди. Шундай қилиб, берилганларни EXCEL компьютер дастури ёрдамида қайта ишлашда олинган тенгламалар системаси куйидаги кўринишга эга:

$$Y = 32,5675 + 4,125x_1 + 1,5925x_2 + 1,435x_3 - 0,25x_1x_2 - 0,7425x_1x_3 - 0,36x_2x_3$$

Олинган тенгламаларни мос келишини математик ҳисоби моделни тажриба натижалари билан мос келишини кўрсатди.

Моделларда регрессия коэффицентларини моҳияти тегишли факторни чиқувчи параметрнинг қийматиға факторни асосий сатҳдан пастки ёки усткиға ўтишдаги ҳиссасини характерлайди. Факторни пасткидан юқориги сатҳға ўтишида чиқувчи параметрнинг қийматиға кўшган ҳиссасини факторнинг самарадорлиги дейилади. Регрессия коэффиценти қанча катта бўлса, шунча бу факторнинг самараси юқори, яъни факторнинг чиқувчи параметриға таъсири кучлироқ бўлади. Шундай қилиб, регрессия коэффицентларини қиймати бўйича моделларда факторларни уларни y_1 , y_2 , y_3 таъсири сабабли саралаш бажарилади.


Регрессия коэффицентининг олдидаги белги факторни y га таъсир характерини аниқлайди. Мусбат (+) белгили факторлар чикувчи параметр катталигини оширади, минус (-) белгиси эса уни пасайтиради.

Натижалар таҳлили. Кирувчи факторларнинг тадқиқот қилинадиган факторга, яъни ёғлантириш жараёнига самарасига таъсирини кўриб чиқамиз. Регрессия тенгламаларининг таҳлили чармни 10 МПа кучланишдаги узайишига асосий таъсирни ҳарорат (x_1), давомийлик (x_2), рН муҳит (x_3) ва факторларнинг (x_1x_3 , x_2x_3 , $x_1x_2x_3$) ўзаро таъсирини кўрсатади.

Бу боғланишларни тадқиқ қилиш учун регрессия тенгласи бўйича асосий факторларнинг турли қийматларида эгри чизикнинг сонли ҳисоби амалга оширилди.

Қайта ишлашдан сўнг, ҳисоб натижалари тўлиқ факторли тажрибанинг кирувчи факторларнинг чармни 10 МПа кучланишдаги узайишига боғлиқлик графиклари кўринишида келтирилди (1-расм).

Расмларда чармни 10 МПа кучланишдаги узайишига ёғлантириш жараёнига боғлиқлик графиги келтирилган, тўртта эгри чизиклар $y=y(x)$ берилган. Биринчи эгри чизик минималга, иккинчи ва учинчи ораликдаги, тўртинчиси x_2 ва x_3 факторларнинг максимал қийматига тўғри келади.




1-расм. Ёғлантириш жараёни ҳароратининг чармни 10 МПа кучланишдаги узайишига таъсирининг боғлиқлик графиги

Ҳароратнинг чармни 10 МПа кучланишдаги узайишига таъсири 60°C дан 65°C га ошганда биринчи эгри чизик, яъни асосий факторнинг минимал қийматида $x_2=1$ соат, $x_3=6,5$ да, 24 % дан 34 % гача ошди, максимал қийматида эса, яъни $x_2=2$ соат, $x_3=7,5$ да, 32 % дан 38 % гача ошди. Иккинчи ва учинчи эгри чизикларда тегишлича 27 % дан 36 % гача, 30 % дан 37 % гача ошди.


Тўлиқ факторли тажрибани ўтказишда кирувчи факторларнинг чикувчи факторга таъсирини аниқлаш асосий масала ҳисобланади. Юқорида қайд қилинган барча параметрлар ва уларнинг нисбати ёғлантириш жараёнига таъсир қилади.

Кирувчи факторларнинг шундай параметрларини танлаш лозимки, улар пойабзал устки қисми учун мўлжалланган чармнинг Давлат стандартлари бўйича 10 МПа кучланишдаги узайишига мос келиши керак. Тўлиқ факторли тажрибада олинган натижаларнинг таҳлили танланган асосий факторларнинг қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:



2-расм. Ёғлантериш жараёни давомийлигининг чармни 10 МПа кучланишидаги узайишига таъсирининг боғлиқлик графиги

2-расмда давомийликнинг 10 МПа кучланишидаги чармни узайишига боғлиқлиги келтирилган. Эгри чизиклар 1 соат дан 2 соатга оширилганда биринчи эгри чизик бўйича чўзилишга мустақамлик кучи, яъни асосий факторларнинг $x_1=60$ °С, $x_3=6,5$ минимал қийматларида 24 % дан 28 % гача ўсишини, максимал қийматида эса, яъни $x_1=65$ °С, $x_3=7,5$ да 36-38 % гача ошади. Иккинчи ва учинчи эгри чизикларда тегишлича 29-32 % га, 33% дан 36 % га ортишининг гувоҳи бўлинди.



3-расм. Ёғлантериш жараёни рН муҳитининг чармни 10 МПа кучланишидаги узайишига таъсирининг боғлиқлик графиги

3-расмда рН муҳитни 10 МПа кучланишидаги чармнинг узайишига таъсири кўрсатилган. Келтирилган эгри чизиклар рН муҳит 6,5 дан 7,5 га ошганда x_1 ва x_2 ларнинг берилганларига боғлиқ кучланишдаг узайиш юқорига қараб кетувчи эгри чизикда ўзгариши характерлидир.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, олиб борилган назарий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, танлаб олинган уччала омил, яъни ҳарорат, давомийлик ва рН муҳит 10 МПа кучланишидаги чармни узайишига таъсир кўрсатар экан. Омилларнинг юқори кўрсаткичларида чармнинг кучланишдаги узайишининг ошганлиги билан изоҳлансада, аммо барча назарий тадқиқот натижалари ижобий томонга силжиган. Яъни, амалдаги Давлат стандарти 939-88 кўра, ушбу кўрсаткич пойабзал устки қисми учун қўлланиладиган барча хом ашё турлари учун 10 МПа кучланишдаги чармнинг узайиши 15-40% ни ташкил этади. Айнан йирик шохли мол терилари учун бу кўрсаткич 20-40%. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тажрибавий тадқиқот ишларида тадқиқот объекти сифатида айнан хром билан ошланган хўкиз терилари танланиб, ёғлантериш жараёни мураккаб эфир асосидаги композиция билан ишлов берилганда 10 МПа кучланишдаги

чармнинг узайиши 24-38% кўрсаткичларни намоён этди, бу эса назарий тадқиқотлар билан тажриба тадқиқотларга мос келишидан далолатдир. Назарий тадқиқотлар яна шуни кўрсатдики, мураккаб эфирларни композицияда қўлланилганда, омилларнинг минемал кўрсаткичларида, яъни ҳарорат - 60°C, давомийлик-1 соат ва рН муҳит-6,5 бўлганда ҳам 10 МПа кучланишдаги чармнинг узайиши 24-32% кўрсаткичка эга. Бундан шу келиб чиқадики, мураккаб эфир ёғловчи моддаларни тўлиқ сингишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ва бу анъанавий ёғлантириш жараёнларининг барча омилларига боғлиқ ҳолда кенг соҳани эгаллаши аниқланди, яъни жараён ҳарорати 60-65 °C, давомийлик-1,0-2,0 соат ҳамда рН-6,5-7,5 оралиғида олиб бориш мумкин. Бу эса ёғлантириш жараёни олиб боришда мураккаб ёндашишга, алоҳида муҳит талаб қилишга эҳтиёж қолдирмайди. Шу билан бир қаторда, пойабзал турига мос равишда хом ашё ассортиментларини кенгайтирган ҳолда фақатгина йирик шохли мол терилари эмас, балки майда шохли мол териларига ишлов беришда ҳам қўллашга тавсия этилади.

Reference

1. Sarkar, K.T. Theory and practice of leather manufacture. The author Publication Madras, 2005.
2. Santos, L.M and Gutterres, M; Reuseing of a hide waste for leather fatliquoring. J clean prod 15, 12-16, 2007.
3. Scrimgeour, C, Chemistry of fatty acids. In Shahidi, F. (eds.), Bailey's Industrial Oil and Fat Products. JohnWiley and Sons Inc, Hoboken, NJ. 2005.
4. Sivakumar, V.R, Prakash, P, Rao, P G, Ramabrahmam, B.V and Swaminathan, G; Power ultrasound in fatliquor preparation based on vegetable oil for leather application. J Clean Prod 16, 549-553, 2008.
5. Zhaoyang, L, Chunchun, X, Haojun, F, Xin, C and Biyu P, The Biodegradabilities of Different Oil-Based Fatliquors. J Am Oil Chem Soc 88, 1029–1036, 2011
6. IPPC; Integrated pollution prevention and control, Reference best available techniques for the tanning of hides and skins, 2003.
7. Willey, R, Fats, oils and greases: the minimization and treatment of wastewaters generated from oil refining and margarine production. EcotoxEnvironSafe 50, 127–133, 2001.
8. Cassano, A, Molinari, R, Romano, M, Drioli, E; Treatment of aqueous effluents of the leather industry by membrane processes. A review Journal of Membrane Science 181, 111–126, 2001.
9. Prabhavathy, C, Sirshendu De; Treatment of fatliquoring effluent from a tannery using membrane separation process: Experimental and modeling Journal of Hazardous Materials 176, 434–443, 2010.
10. Chitra Kalyanaraman, K. Sri Bala Kameswari, V. Sudharsan Varma, R. Priyadharsini and J. Raghava Rao. "Biodegradation of lecithin-based fatliquor: Optimization of food to microbes ratio and residence time" Journal American leather chemists association. America, 2013. 1-10p.
11. Zhang, H.F, Gao, H, Huang, Y.R, Chen, J.Y. and Xia, X.Y; Study of Structures and Performances About the Soybean Lecithin Sulfonate (I)—Structures and Physical Chemistry Performances of Soybean Lecithin Sulfonate. China Leather 33, 48-51, 2004.
12. Spiridov A.A. Planirovaniye eksperimenta pri issledovanii tekhnologicheskikh protsessov. –M. Mashinostroyeniye, 1981. – 184 s.
13. Frenks R. Matematicheskoye modelirovaniye v khimicheskoy tekhnologii. Perev. S angl. M. Khimiya 1971.-S. 272.
14. Chernorutskiy I.G. Metody optimizatsii. Komyuternyye tekhnologii SPb. BKHV-Peterburg, 2011. — S. 384.
15. Kholodov V.I. Planirovaniye eksperimentov v gidrobiologicheskikh issledovaniyakh. Simferopol N. Orianda 2016. – 196 s.

МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН ЦИКЛОНЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА НАЗАРИЙ ИЗЛАНИШЛАР

О.Ж. Муродов, А.Ш.Адилова

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Annotasiya. Ushbu maqolada paxtani dastlabki ishlash vaqtida havo oqimidagi zararli aralashmalarning harakatini dinamik tahlil qilish, modellashtirilgan siklonlarning samaradorligini oshirish bo'yicha nazariy tadqiqotlar keltirilgan. Stairmand siklonidagi uch o'lchovli tenzorlar, beqaror turbulent chang havo oqimlarini simulyasiya qilish, yangi modellashtirilgan siklonlarning eksperimental natijalar bilan taqqoslash ko'zda tutilgan. O'zgaruvchan oqim maydonidagi chang zarralarini xossalari, RSTM simulyasiyalari bilan taqqoslanadi. Modellashtirilgan siklonlar samaradorligining oshirish yo'llari, RSTMning ishlashidagi kamchiliklarni tahlili, LES tomonidan olingan natijalarni aniqligi va girdobli yadro prekresiyasi fenomeniga bog'liqligi o'rganiladi. Kichik chang zarralar uchun simulyasiya qilingan siklondagi tebranish tezligi va tegishli xulosalar hamda takliflar berilgan.

Kalit so'zlar: chang havo, siklon, dinamik tahlil, chang zarrlari, simulyatsiya-yangi modellashtirish, CFD (computational fluid dynamics-suyuqlik dinamikasini hisoblash)kodi, atmosfera, LES modellashtirish, Reynolds turbulentlik modeli- RSTM.

Аннотация. В данной статье представлен динамический анализ движения вредных примесей в потоке воздуха во время первичной обработки хлопка, теоретическое исследование эффективности смоделированных циклонов. Трёхмерные тензоры в циклоне Стаирманд, моделирование неустойчивых турбулентных потоков пылевого воздуха. Предусмотрено сравнение недавно смоделированных циклонов с экспериментальными результатами. Он сравнивает свойства частиц пыли в переменной области потока с моделированием RSTM. Изучены пути повышения эффективности моделируемых циклонов, анализ недостатков производительности RSTM, точность результатов, полученных с помощью LES, и ее зависимость от явления предварительного сжатия кольцевых ядер. Дана частота вибрации в моделируемом циклоне для мелких частиц пыли и соответствующие выводы и предложения.

Ключевые слова: пылевой воздух, циклон, динамический анализ, частицы пыли, моделирование - новое моделирование, код CFD (computational fluid-вычислительная гидродинамика)кодирование, атмосфера, моделирование LES, модель турбулентности напряжения Рейнольдса - RSTM.

Annotation This article presents a dynamic analysis of the movement of harmful impurities in the air stream during the initial processing of cotton, a theoretical study on the effectiveness of modeled cycles. Three-dimensional tensors in the Stairmand cycle, simulation of unstable turbulent dust air currents, a comparison of the newly modeled cyclones with experimental results is envisaged. It compares the properties of dust particles in a variable flow area with RSTM simulations. Ways to increase the efficiency of modeled cyclones, analysis of RSTM performance deficiencies, accuracy of the results obtained by LES and its dependence on the phenomenon of girdable nuclear pre-compression are studied. The rate of vibration in the simulated cycle for small dust particles and the corresponding conclusions and suggestions have been given.

Keywords: dust air, cyclone, dynamic analysis, dust particles, simulation-new modeling, CFD (computational fluid dynamics- coding dynamics) code, atmosphere, LES modeling, Reynolds turbulence model-RSTM.

Кириш. Республикамизда мавжуд пахта тозалаш заводларининг барчасида, пахтага дастлабки ишлов беришда турли машиналардан чиқадиган чанг зарраларни тозалашда циклон сепараторлари кенг қўлланилади. Циклон сепараторлари (кейинги ўринларда "циклонлар") XIX- асрнинг охирида ишлаб чиқарилган. Бу циклон сепараторлари манан эскирган бўлсада, бугунги кунда ҳам энг машҳур тозалагич ҳисобланиб аналоглари жуда ҳам камдир. Аслида пахта тозалаш заводларидаги циклонлар, қаттиқ моддаларни технологик газ оқимларидан ажратишга мўлжалланган, қаттиқ зарраларнинг ҳаводан ажратиш учун ишлаб чиқарилган яъни ихтиро қилинган циклонлар нусхаларидир [1].

Пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёнини ҳамма босқичларида қўп миқдорда чанг ажралиб чиқади. Бу чанг ишлаб чиқариш бинолари ва атмосфера ҳавосини ифлослантиради, ишчилар ва хизматчиларни меҳнат шароитини ёмонлаштириб, уларни касб касалликлари, хусусан силикоз билан касалланишига олиб келиши мумкин. Пахта тозалаш корхоналарини чангсизлантириш масаласи, машинада терилган пахтани ифлосланиши ошиши муносабати билан биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда пахтани машинада териш кенг жорий этилган. Пахта тозалаш саноатида фақат пахтани қабул қилиш, ҳосилни сақлаш, қайта ишлашга тайёрлаш ва уни қуришти тизимлаштирилган. Қайта ишлашда технологик жараёнини такомиллаштириш бўйичагина эмас, балки чангсизлантириш ва атмосфера ҳавосини тозалаш тизимларини яхшилаш бўйича ҳам кечиктириб бўлмайдиган чораларни амалга оширилиши керак.

Жаҳонда атроф муҳитни экологик тоза сақлаш бўйича жуда катта изланишлар олиб борилаётган бир вақтда Республикамиз пахта тозалаш корхоналаридан чиқаётган чангли ҳаво ҳам маълум миқдорда экологияни бузилишига олиб келмоқди. Бугунги кунда чангли ҳавони тозалаш масаласига жиддий эътибор беришимиз лозим. Бу муаммони ҳал қилиш учун чанг ушлагичларга кираётган чангли ҳавони тозалашда унинг таркибини эътиборга олган ҳолда, тозалаш технологиясини танлашдир, яъни биринчидан: экологик тоза пахта тозалаш корхонасини яратишга; иккинчидан: чиқиндига чиқиб кетаётган толали чиқиндиларни ушлаб қолиб қолдиқ чангланганликни самарали тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. [8]

Анъанавий циклон асосан конуссимон тозалаш идишидаги тангенциал кириш, чанг хонаси ва вертикал чиқиш трубкаси билан жиҳозланган цилиндрдан иборат бўлиб, одатда конуссимон циклонлар деб номланади. Жараёндаги чангли ҳаво оқими циклонга жуда юқори бурчак тезлик билан тангенциал равишда киради, шунда оқим айлана бошлайди ва конуснинг кесимининг тепасидан пастга қараб йўналишини ўзгартиради. Шунинг учун чанг зарралар конуснинг кесимининг пастки қисмига бириктирилган чанг йиғиш камерасида йиғилади ва чангдан тозаланган ҳаво юқорига бурилиб, гирдоб тортувчиси орқали циклондан чиқади (1-расм).

Пахтага дастлабки ишлаш пайтида ҳаво оқими сўрилиш тезлигидаги зарарли аралашмаларнинг ҳаракатини динамик таҳлил қилиш асосида янги моделлаштирилган циклонларнинг симуляция қилиш ва самарадорлигини ошириш прогнозини ишлаб чиқиш бўйича назарий тадқиқотлар олиб бориш бугунги кун давр талабидир.

Симуляция қилинган яъни моделлаштирилган циклонларнинг самарадорлигини ошириш таҳлилини ишлаб чиқиш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш жуда муҳим ҳисобланади. Мавжуд циклонларнинг энг катта камчилиги бу чанг ва момиқ парчалари аралаш ҳаводан тўлиқ ажрата олмаслиги яъни тозалай олмаслигидадир. Қуйида келтирилган назарий ва амалий тадқиқот натижалари янги моделлаштирилган циклонларни тозалаш самарадорлигини оширилишни кўрсатади.

Назарий тадқиқотлар. Циклонларидаги чанг ҳаво оқимини кўзгалмас, изотермик ва турбулент оқим сифатида кўрсатиш мумкин. Табиийки, бундай оқимни текширишда тезлик пулсацияларини ҳисобга олмаймиз. Ҳаво оқимининг бекарор ҳаракат вақтида Рейнольдс моделига кўра Re лар вақт бўйича ўзгариб боради, барқарор ҳаракат вақтида эса улар вақтга боғлиқ эмас. Шундай қилиб, текширилаётган турбулент оқим учун

Рейнольдс модели бўйича $\bar{u}$ ва ρ доимий чанг заррачалари зичлиги ва Навье-Стокс тенгламаларини кучларини ҳисобга олмаган ҳолда, (2) ва (3) тенгламалар кўринишида ифодалаш мумкин. Тенгламада кўрсатилганидек, оний тезлик u_i унинг ўртача қиймати $\bar{u}$ ва тебранишлари $\bar{u}_j \bar{u}_i$ га ажратилган. Реал ҳолатдаги ҳаво оқимини ҳаракатини Навье-Стокс тенгламалари системаси ёрдамида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\rho \frac{\partial \bar{u}_j \bar{u}_i}{\partial x_j} = \rho \bar{f}_i + \frac{\partial}{\partial x_j} [-\bar{p} \delta_{ij} + \mu \left(\frac{\partial \bar{u}_i}{\partial x_j} + \frac{\partial \bar{u}_j}{\partial x_i} \right) - \rho \bar{u}_i \bar{u}_j]. \quad (1)$$

бу $\rho \bar{u}_i \bar{u}_j$ система турбулент тартибда ҳаракатланаётган ўрталаштирилган чанг зарралари оқими учун Рейнольдс тенгламалари системаси деб аталади. Рейнольдс тенгламалари системасидаги турбулент кучланишлар олдидаги манфий белгига эътибор бериб, уринма кучланишлар мусбат катталиклар, лекин тезлик пулсациялари ҳам манфий, ҳам мусбат бўлиши мумкин. Масалан бирор бир элементар заррача ёки ҳажмга таъсир этаётган $\bar{u}_j$ мусбат бўлиб, $\bar{u}_i$ пулсацион ўзгариш манфий бўлса, $\bar{u}_i \bar{u}_j$ доимо кўпайтма манфий бўлади.


$$\left. \begin{aligned} J(f) &= \int_a^b F(x_1, f(x), f'(x)) dx \\ \frac{\partial F}{\partial f} - \frac{d}{dx} \frac{\partial F}{\partial f'} &= 0 \end{aligned} \right\} \quad (2)$$

Ушбу Навье-Стокс дифференциал тенгламалар системаси орқали реал чанг ҳаво оқими ҳаракатини назарий жихатлари ҳисобланади. Чанг ҳаво таркибидаги ифлосликларни ажратиш, циклон ички юзасида ҳосил бўладиган кучларни таққослашда CFD (computational fluid dynamics) усули самарали. Тадқиқотда ҳаво узлуксиз восита, чанг ҳаво зарралари эса дисперс сифатида қабул қилинди. Барча рақамли симуляциялар чекланган ҳажмли CFD коди ёрдамида амалга оширилди. 3D ўлчовли ишда циклонда сиқилмаган чанг ҳавони Эйлер-Лагранж ёндашуви ёрдамида моделлаштириш, кичик чанг зарраларнинг тезлигини ўзгариши учун RSTM симуляциялари билан таққослаб ўрганилди. Олинган натижаларни таққосласак LES орқали олинган натижалар аниқ ва тушунарли бўлиб чиқди. Чангни йиғиш самарадорлиги, айниқса кичик чанг зарралар учун симуляция қилинган циклон тебраниш тезлигига жуда боғлиқ.

Тажрибавий изланишлар x , y ва z йўналишидаги i , j , k -бирлик векторлари, ρ - доимий чанг зичлиги, CFD-чангли ҳаво динамикаси, DPM-дискрет фазали моделлаштириш, LES-катта гирдобларни моделлаштириш, PVC-гирдоб ядроси, RSTM-Рейнольдсн турбулентлик модели (турбулентлик – ҳавонинг тартибсиз ва ночизик ҳаракатига айтилади), SGS-Субгريد шкаласи, UDF-фойдаланувчи томонидан аниқланган функция, DRW- тасодифий дискрет қийматлар. Ушбу қисқартмалар мақолада келтирилган бўлиб, тушинури бўлиши учун изоҳ берилди.

Циклон одатда чанг ҳавонинг тозаланиш самарадорлиги ва ички сиртдаги босимнинг пасайиши билан баҳоланади. Циклонларни лойиҳалаш ва баҳолаш учун йиллар давомида кўплаб соддалаштирилган моделлар, энг сўнги яратилган дастурлар орқали экспериментал тадқиқотларни талаб этади. Ҳар бир циклон оқимнинг ўзига хос физик хусусияти ва тузилишга эга эканлиги, махсус муносабатларни ҳар бир вазият учун эмпирик яъни фақат тажрибавий моделларнинг константалари ва коэффицентлари янгиланиши кераклигини кўрсатади. Бинобарин, янги циклоннинг дизайни турли хил иш шароитлари назарга олинган муносабатларга асосланган бўлиб, лойиҳалаш вақтида киритиладиган компоненталар аниқликни талаб этади.

Шу билан бирга, (CFD) чангли ҳаво динамикасини компьютер технологиялари ёрдамида ҳисоблашни рақамли усуллар ва CFD кодлар ёрдамида циклонларни лойиҳалаш ва баҳолаш жадал ривожланиб келмоқда.



Расм 2. Стаирманд циклонини геометрик кўриниши (а) ишлаш принципи ва (b),(c) лар симуляция қилишда асосий координата тизими.

Циклонлар табиатан ўзига хос бўлиб, чанг ҳаво оқимининг физик ва муайян хусусиятлари, ўзгармас ва эмпирик модел коэффициентлари ҳар бир ҳолат учун янгиланган бўлиши талаб этилади [10]. Бинобарин, янги циклонларни лойиҳалаш, моделлаштириш жараёни асосида ҳар бир рақамли катталикларни киритилиши нотўғри дизайнга олиб келиши мумкин. Бироқ, циклонларни лойиҳалаш ва суюқлик динамикасини ҳисоблаш компьютер технологияларининг жадал ривожланиши туфайли (CFD) кодлаш усуллари орқали бажарилади.

Грифте ва Бойсан [11] лар чанг ҳаво оқимининг хусусиятлари, зарралар траекторияларини ва циклонларда босимнинг пасайишини тахмин қилиш учун CFD усули катта имкониятларга эга эканлигини исботладилар. Циклонларнинг моделини рақамли равишда моделлаштиришда турбулент оқимнинг симуляцияси аниқланади. Циклонларда оқим, уларнинг шаклланишида турбулентликнинг изотропик тузилиши тахмин қилинган. Рейнольдс модели RSTM, циклонларни моделлаштириш учун мос эканлигини исботлайди, чунки у оқим эгрилиги, айланиш, бурилиш ва тез деформациянинг ўзгаришини таъсирини ҳисобга олади [6]. Циклонларнинг рақамли симуляциясида RSTM қўлланилганда тўлиқ маълумотга эга бўлиш маълум бўлди [4, 5, 6, 7]. Кўпгина олиб борилган тадқиқотларда ўртача оқим тезлиги симуляцияланган яъни моделлаштирилган. Янги симуляцияланган циклон модели Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти “Технологик машиналар ва жиҳозлар” ва “Физика ва Электротехника” кафедралари ҳамда “Industrial technological lines” МЧЖ корхонаси билан ҳамкорликда яратилиши режалаштирилмоқда.

Натижалар таҳлили. Хозирги вақтгача юқорида айтилган циклонларнинг сонли симуляцияси, чанг зарраларини ўртача тезлигини ўзгаришини аниқлаш энг кам ўрганилган. Турбулент оқимни ҳаракатини соддалаштирилган шаклдаги моделлаштирилиши Лиен ва Лесчзинер томонидан тажриба ўтказиб ўрганилган.

Циклонларнинг оқим майдонининг хусусиятлари ва тезликнинг тебранишини фақат тўлиқ беқарор циклон симуляцияси бўлган тақдирда аниқ тахмин қилиш мумкин. Гирдоб туфайли келиб чиқадиган беқарор чангли ҳаво оқими, яъни (PVC) циклон гирдоби ядроси, циклонга нисбатан симметрия ўқи атрофида айланиши маълум.

Аниқ ҳисоблаш кўп вақт ва харажатлари талаб этади, циклонларнинг янги моделини симуляциясига катта тўсиқ бўлди. Ҳозирги вақтда компьютерларнинг ишлаш кўрсаткичлари ошгани сабабли нисбатан арзон нархларда тўлиқ стационар бўлмаган моделлар ёрдамида циклонларни симуляция қилиш мумкин бўлди. RSTM циклонларни моделлаштиришда кенг қўлланилган бўлсада, бу натижалар сезиларли даражада паст баҳолашга олиб келади.

Тезлик ўзгаришини моделлаштиришнинг циклон ишлашига таъсири ҳақида жуда кам маълумот мавжуд. Циклонда чанг зарраларини тезлигини ўзгариши одатда унинг ўртача квадрат тезлиги (RMS) билан ифодаланади. Шундай бўлсада, энг замонавий дастурлардан фойдаланган ҳолда ўтказилган амалий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, циклонлардаги бу тўлқинсимон тезлик компонентлари ўртача тезликнинг 15-20% ни ташкил қилади.

Тезлик компонентлари майда чанг зарраларини ҳаракатини ажратиш учун жуда муҳим параметрлар ҳисобланиб, циклондаги чанг зарраларини тезлик компонентлари ва ўртача тезлик компонентлари каби бир хил аҳамиятга эга. Тебранувчи ҳаво оқими тезлиги турбулентлик интенсивлигининг ҳам акс эттиради, бу циклонларнинг самарадорлигига кучли таъсир қилади. Олиб борилаётган назарий ва амалий тадқиқотларимизнинг асосий мавзуси - бу ҳаво оқимидаги зарарли аралашмаларнинг ҳаракатини динамик таҳлил қилиш асосида циклонларнинг конструкциясини такомиллаштиришдир.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади циклондаги чанг ҳавони тозалаш самарадорлиги ошириш, назарий ва амалий изланишлар олиб боришдир. Олиб борилаётган икки босқичли тадқиқотнинг биринчи қисмида, ўртача ва ўзгарувчи тезликни моделлаштириш ва Стаирманд циклонда турбулентликни камайтириш учун RSTM ва LESдан фойдалананилади. Тезлик соҳасидаги натижалари Хукстранинг экспериментал қийматлари билан таққосланади.

Иккинчи қисмида ўзгарувчан тезликнинг моделлаштирилган соҳаларидан олинган натижалар таҳлил қилинади. Чангларни йиғиш самарадорлигини симуляция қилиш натижалари Чжао томонидан тақдим этилган ўлчовлар билан таққосланади.

Назарий ва тажрибавий изланишларда рақамли усул яъни математик модель Рейнольдс, Навье-Стокс тенгламаларини вектор кўринишларидан фойдаланилади:

$$\frac{\partial \vec{v}}{\partial t} = -(\vec{v} \cdot \nabla) \vec{v} + \nu \Delta \vec{v} - \frac{1}{\rho} \nabla p + \vec{f} \quad (3)$$

Чанг циклонларидаги ҳаво оқими беқарор, изотермик ва сиқилмайдиган турбулент оқим деб ҳисоблаш мумкин.

$$u_i = U_i + u'_i, \quad (4)$$

$$\frac{\partial U_i}{\partial x_i} = 0 \quad (5)$$

$$\rho \frac{\partial u_i}{\partial t} + \rho U_j \frac{\partial u_i}{\partial x_j} = -\frac{\partial U_i}{\partial x_i} + \frac{\partial}{\partial x_j} [2\mu S_{ij} - \overline{\rho u'_i u'_j}] \quad (6)$$

Турбулент тартибда ҳаракатланаётган чанг зарралари оқими учун Рейнольдс тенгламалари ва Навье-Стокс тенгламаларини ифодалаш мумкин. (5) ва (6), формулада кўрсатилганидек, u_i оний тезлиги, U_i ўртача қиймат ва $\bar{u}_j \bar{u}_i$ тебранишига айланганда (4) тенглик орқали ифодаланилади.

бу ерда $\tau = -\overline{\rho u'_i u'_j}$, x_i - позиция, t - вақт, ρ - доимий чанг зичлиги, P - ўртача статик босим, μ - чангнинг молекуляр ёпишқоқлиги, τ_{ij} - Рейнольдс тензори, ва S_{ij} - ўртача тезлик деформация тензори.

Ушбу тадқиқотда RSTM техникаси Рейнольдс қийматларини ҳисоблаш учун ишлатилган.

$$S_{ij} = \frac{1}{2} \left(\frac{\partial U_i}{\partial x_j} + \frac{\partial U_j}{\partial x_i} \right) \quad (7)$$

Навье-Стокс тенгламаларидан олинган Рейнольдс тензорининг барча олти мустақил компонентларидан фойдаланган ҳолда (RSTM) модел тенгламасини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\rho \frac{\partial \tau_{ij}}{\partial t} + U_k \frac{\partial \tau_{ij}}{\partial x_k} = -\tau_{ik} \frac{\partial U_j}{\partial x_k} - \tau_{jk} \frac{\partial U_i}{\partial x_k} + \epsilon_{ij} - \prod_{ij} + \frac{\partial}{\partial x_k} \left[v \frac{\partial \tau_{ij}}{\partial x_k} + C_{ijk} \right] \quad (8)$$

Рейнольдс тензори циклонлардаги кучли чанг оқимларининг айланма ҳаракатини ҳисоблаб топиш учун муҳим ҳисобланади. Аммо натижалар мукамал бўлиши учун масалани ечимларини аниқлашда махсус дастурлар ёрдамида натижа олинди.

$$\epsilon_{ij} = \frac{2}{3} \rho \epsilon \delta_{ij} \quad (9)$$

бу ерда чанг ҳаво зарраларининг тарқалиш тезлиги тенгламасидан фойдаланиб қуйдагини ҳосил қиламиз:

$$\rho \frac{\partial \epsilon}{\partial t} + \rho U_j \frac{\partial \epsilon}{\partial x_j} = C_{\epsilon 1} \frac{\epsilon}{k} \tau_{ij} \frac{\partial U_i}{\partial x_j} - C_{\epsilon 2} \rho \frac{\epsilon^2}{k} + \frac{\partial}{\partial x_j} \left[\left(\mu + \frac{\mu_T}{\sigma_\epsilon} \right) \frac{\partial \epsilon}{\partial x_j} \right] \quad (10)$$

$\mu_T = \rho C_\mu k^2 / \epsilon$ ёпишқоқлик ва, $k = \frac{1}{2} \overline{u_i' u_j'}$ турбулент кинетик энергия. Бирок, турбулент кинетик энергиянинг қиймати k мавжуд бўлса, чегаравий энергия талаб қилинади, у ҳолда тенгламадан қуйидагилар аниқланади:

$$\rho \frac{\partial k}{\partial t} + \rho U_j \frac{\partial k}{\partial x_j} = \tau_{ij} \frac{\partial U_i}{\partial x_j} - \rho \epsilon + \frac{\partial}{\partial x_j} \left[\left(\mu + \frac{\mu_T}{\sigma_k} \right) \frac{\partial k}{\partial x_j} \right] \quad (11)$$

тенгламалардаги коэффициентлари: $C_{\epsilon 1} = 1.44$, $C_{\epsilon 2} = 1.92$, $\sigma_r = 1.0$, $C_\mu = 0.09$ ва $\sigma_k = 0.82$ га тенг.

LES-да катта гирдобли циклонларни симуляциялари моделлаштирилади, чегара шартлари ва геометрик кўринишларини аниқлаш имкони мавжуд. LES модели орқали аниқланган u_i оний тезлик Субгريد шкала тезлигига (SGS) u_i' қуйидагича ифодалаймиз:

$$u_i = \bar{u}_i + \bar{u}_i'$$

Чанг ҳаво оқими тезликларни фазавий қийматлари LES моделида Навье-Стокс тенгламалари ёрдамида аниқланади. Филтрлаш жараёни циклонлар ички юзаларига келиб урилган ифлос аралашмалар чангларни ҳаводан (SGS) ажратади. SGSда махсус киритилган қийматлар ҳисобига циклоннинг кўриниши моделлаштирилади (2-расм).

Чекланган чанг ҳаво ҳажмини дискрет қийматларини қуйидагича ҳисоблаб топамиз:

$$\bar{\phi}(x) = \int_V \bar{\phi}(x') G(x, x') dx' \quad (13)$$

бу эрда x ва x' фазовий координаталар, V - ҳисоблаш катакчасининг ҳажми ва G - филтр функцияси, қуйидагича аниқланади:

$$G(x, x') = f(x) = \begin{cases} \frac{1}{V}, & x' \leq V \\ 0, & \text{акс ҳолда } x' = 0 \text{ бўлади} \end{cases} \quad (14)$$


Чанг ҳавони филтрлаш жараёнини узлуксиз деб ҳисоблаб Навье-Стокс тенгламаларига татбиқ этилганда, биз қуйидаги тенгламага эга бўламиз [12]:

$$\frac{\partial \bar{u}_i}{\partial x_j} = 0, \quad (15)$$

$$\frac{\partial \bar{u}_i}{\partial t} + \frac{\partial}{\partial x_j} (\bar{u}_i \bar{u}_j) = -\frac{1}{\rho} \frac{\partial \bar{p}}{\partial x_i} + \frac{\partial}{\partial x_j} (2\nu \bar{S}_{ij} + T_{ij}) \quad (16)$$

бу эрда $\bar{P}$ -рухсат этилган статик босим, $\bar{S}_{ij} = \frac{1}{2}(\frac{\partial \bar{u}_i}{\partial x_j} + \frac{\partial \bar{u}_j}{\partial x_i})$ бу қиймат орқали циклон ички юзасига таъсир этувчи кучланиш даражасининг тензори (уч ўлчамли x, y, z ўқлар бўйича) аниқланган, μ -чангнинг молекуляр ёпишқоқлиги ва $T_{ij} = \bar{u}_i \bar{u}_j - \overline{u_i u_j}$ - бу SGS тензори ҳисобланади.

SGS модели ҳал қилинмаган муаммоларни (масалан, кичик қўшимчалар, қўшилишлар, ўзгартиришлар ва ҳ. к) таъсирини ифодалаш учун ишлатилади. Симуляция натижаларига асосан тезлик тебранишларини тўғри моделлаштириш, тезликни аниқлашни асосий талаби ҳисобланади. CFD маълумотларини юқори аниқликда олинган маълумотлар деб қараш мумкин. Кейинги ишлар учун CFD симуляция натижаларини барча компонент қийматларини аниқлик даражаси юқори деб олиб циклондаги чангли ҳавода мавжуд бўлган кичик ўлчамдаги зарраларини ҳам хоссаларини ўрганамиз



Расм 2. Моделлаштирилган юқори самарали циклоннинг мавжуд ва оптималлаштирилган кўринишлари

(a) чанг ҳаво ва циклон ички юзаси корреляцияси, (b) контурланган босим қийматлари
(c) турбулент кинетик энергиянинг ўзгариш қийматлари

Хулоса. Тадқиқотда ҳаво узлуксиз восита, чанг ҳаво зарралари эса дисперс сифатида қабул қилинди. Барча рақамли симуляциялар чекланган ҳажмли CFD коди ёрдамида амалга оширилди.

Чанг ҳаво оқими тизликларни фазавий қийматлари LES моделида Навье-Стокс тенгламалари ёрдамида аниқланди. Филтрлаш жараёни циклонлар ички юзаларига келиб урилган ифлос аралашмали чангларни ҳаводан махсус киритилган қийматлар ҳисобига моделлаштирилди. Рейнольдс модели RSTM, циклонларни моделлаштириш учун мос

эканлиги циклон-ларнинг рақамли симуляциясида RSTM қўлланилганда тўлиқ маълумотга эга бўлиш маълум бўлди.

Симуляция натижаларига кўра, LES ўртача чанг ҳаво оқими майдонини, ўзгарувчан чанг ҳаво оқими майдонини симуляция қилишда ижобий кўрсаткичларга эга бўлиш, чанг ҳавони тозалаш самарадорлигини ошириш мумкинлиги аниқланди.

Назарий ва тажрибавий изланишларда олинган маълумотлар Рейнольдс, Навье-Стокс тенгламаларини вектор кўринишларидан фойдаланган ҳолда ҳисобланди:

Reference

- 1.O.J. Murodov, “Tarmoq mashinalarini ta’irlash” darslik 5320300-texnologik mashinalar va jixozlar (to’qimachilik, engil va paxta sanoati) Toshkent-2019. 515 b.
2. E. Zikriyoev, “Paxtani dastlabki qayta ishlash” O’quv qo’llanma.Toshkent – 2002. 408 b.
3. O.J. Murodov, “Changli havo tarkibidagi tolali chiqindilar miqdorini aniqlash yuzasidan o’tkazilgan ilmiy izlanishlar”. Fan, ta’lim, ishlab chiqarish integratsiyalashuvi sharoitida paxta tozalash, to’qimachilik, engil sanoat, matbaa ishlab chiqarish innovatsion texnologiyalari dolzarb muammolari va ularning echimi. Respublika ilmiy – amaliy anjumani. I-qism I, II -shobalar. 21-22 aprel. TTESI. Toshkent-2021. 99-100 b.
4. J. Gimbun, T.S.Y. Choong, A. Fakhru’l-Razi, A CFD study on the prediction of cyclone collection efficiency, Int. J. Comput. Methods Eng. Sci. Mech. 6 (2005) 161–168.
5. Sujeet K.Sh., Prashant Sh, Pradyumna G. The effect of modeling of velocity fluctuations on prediction of collection efficiency of cyclone separators. pplied Mathematical Modelling Volume 37, Issue 8, 15 April 2013, Pages 5774-5789.
6. J.Gimbun, CFD simulation of aerocyclone hydrodynamics and performance at extreme temperature, Eng. Appl. Comput. Fluid Mech. 2 (1) (2008) 22–29.
7. S.K. Shukla, P. Shukla, P. Ghosh, Evaluation of numerical schemes using different simulation methods for the continuous phase modeling of cyclone separators, Adv. Powder Technol. 22 (2) (2011) 209–219.
8. I.Z. Abbazov, “Paxtani qayta ishlash jarayonidan chiqayotgan havoni tozalashning samarali texnologiyasini yaratish” Disertatsiya. Toshkent – 2018.
9. Xojiev M.T., Abbazov I.Z., Sangirov S., Paxta tozalash korxonalarida chang ushlagichlar ishining solishtirma tahlili // Fan, ta’lim va ishlab chiqarish integratsiyalashuvi sharoitida innovatsion texnologiyalarning dolzarb muammolari. Toshkent 2014 y. 20-21 noyabr B.176-178.
10. Baltaev U.S. Intensifikatsiya protsesssa osajdeniya voloknistix chastits v gravitatsionnom pole i razrabotka visokoeffektivnogo pileulovitelya // Diss. dok. Tex. Nauk. – Tashkent, 2008. - 148 s.
11. W.D. Griffiths, F. Boysan, Computational fluid dynamics (CFD) and empirical modeling of the performance of a number of cyclone samplers, J. Aerosol. Sci. 27 (2) (1996) 281–304.
12. Kudratov A.K. Razrabotka i vnedrenie effektivnix sposobov kompleksnoy ochistki vozduxa vibrasivaemogo v atmosferu na predpriyatiyax pervichnoy obrabotki tekstilnogo sirya // Diss. dok. tex. nauk. – Tashkent, 2000. -267 s.

Mualliflar uchun qoidalar

Tahririyat mualliflardan quyidagi qoidalarga rioya qilishni soʻraydi:

1. Jurnalda faqat original materiallardan iborat ilmiy maqolalar chop etiladi. Mualliflar maqolaning avval nashr etilmaganligi, boshqa nashrda chop etish uchun topshirilmaganligi va keyinchalik boshqa jurnalda chop etmaslik toʻgʻrisidagi masʼuliyatlarni oʻz zimmasiga oladi.

2. Maqolaning hajmi odatda 6 betdan kam boʻlmasligi, matn 1 interval oraliqda MS yoki MS Word 7.0 Times New Roman 12 kegl shriftlarida terilgan boʻlishi kerak (oʻzbek, ingliz va rus tillarida yozilgan Annotatsiya, shakl, jadval va adabiyotlar roʻyxati shu hajmga kiradi). Maqola quyidagi qismlardan iborat boʻlishi kerak: Annotatsiya, kalit soʻzlar (keywords ingliz tilida), kirish; nazariy tadqiqodlar; tajribaviy izlanishlar; natijalar tahlili; xulosa kabi qismlarga ajralgan boʻlishi shart.

3. Maqolaning matni, jadval va shakllari ikki nusxada chop etishga tayyor holda taqdim etilishi va barcha mualliflar tomonidan imzolangan boʻlishi zarur.

4. Formulalar va matematik belgilashlarning hammasi Microsoft Equation muharririda teriladi, formulalarning tartib raqamlari oddiy qavslar ichida matnning oʻng tomoniga joylashtiriladi.

5. Shakllar Word da bajarilgan boʻlishi va har bir shaklning oʻlchamlari 12x15 sm dan oshmasligi zarur.

6. Har bir jadvalga tegishli sarlavha qoʻyilgan va agarda ularning soni bittadan koʻp boʻlsa, tartib bilan raqamlangan boʻlishi zarur.

7. Adabiyotlar roʻyxati umumiy qabul qilingan talablarga (qoida taqdim etiladi) muvofiq rasmiylashtiriladi hamda qoʻlyozma oxiridagi umumiy roʻyxatda keltiriladi. Kamida 15 ta adabiyotlardan foydalanilgan boʻlishi shart. Foydalanilgan adabiyotlar eski boʻlmagan soʻnggi 5-10 yillik adabiyotlari tavsiya etiladi. Roʻyxat maqola matnida foydalanilgan tartibda yoziladi. Adabiyotlar tilidan qatʼiy nazar lotin alifbosida yozilishi shart “Refrence” deb yoziladi.

8. Qoʻlyozma matnida adabiyotlarga ishora kvadrat qavslarda beriladi (masalan [1, 2] yoki [1-4]). Chop etilmagan ishlarga ishora qilish va ularni roʻyxatda keltirish mumkin emas.

9. Foydalanilgan adabiyotlarda **Scopus** yoki **Sciencedirect** xalqaro ilmiy-texnik maʼlumotlar baʼzalaridan foydalanilgan boʻlishi shart.

10. Maqolaning asosiy maqsadi, olingan natija, xulosa va tavsiyalarni oʻz ichiga olgan uch tildagi (oʻzbekcha, inglizcha va ruscha) Annotatsiyalar boʻlishi va har birining hajmi 150-300 tagacha soʻzdan iborat boʻlishi kerak. Maqolaning nomi va oʻzbek tilidagi Annotatsiyasi lotin yozuvida ham keltiriladi.

11. Maqolaga quyidagilar ilova qilinadi;
bosmadan chiqarilgan ikki nusxa qoʻlyozma;
qoʻlyozmaning elektron varianti.

12. Maqolani chop etishga tavsiya etuvchi korxonaning ilmiy ekspert xulosasi va odatda mazkur jurnalda chop etish uchun kafedra tavsiyasi (yigʻilish bayonnomasidan koʻchirma) ilova etiladi.

13. Mualliflar haqidagi maʼlumotnomada mualliflarning ismi, sharifi, otasining ismi (toʻliq yoziladi); ilmiy darajasi; ilmiy unvoni; lavozimi va tadqiqotlar oʻtkazilgan muassasaning toʻliq nomi, manzili va telefon raqamlari ham da email keltiriladi.

14. Ushbu qoidalarga javob bermaydigan hamda zarur qoʻshimcha hujjatlar ilova qilinmagan maqolalar qabul qilinmaydi.

15. Tahririyat maqolaga mualliflarning roziligisiz tahririy oʻzgartirishlar kiritishi mumkin.

16. Maqolaning qoʻlyozmalari mualliflarga qaytarilmaydi.

Tahririyat.

Правила для авторов

Редакция просит авторов, направляющих статьи в журнал “Текстильный журнал Узбекистана”, руководствоваться следующими правилами:

1. Редакция принимает только научные статьи, содержащие оригинальный материал. Авторы принимают на себя ответственность в том, что данный материал не издавался ранее, не находится на рассмотрении для публикации в ином издании, и, в случае принятия материала, в дальнейшем не будет издан в другом журнале.

2. Объем статей, как правило, не менее 6 страниц, выполненные через один интервал в MS Word 6.0 или MS Word 7.0 шрифтом Times New Roman, размер кегля - 12 (включая аннотации на трех языках, рисунки, таблицы и список литературы). Статья должна состоять из следующих частей: введение, теоретические исследования, экспериментальные исследования, анализ результатов, выводы.

3. Текст и иллюстрированные материалы представляются в двух экземплярах, в окончательно отработанном для печати виде и должны быть подписаны всеми авторами.

4. Все формулы и буквенные обозначения, используемые в формулах величин набираются в редакторе формул Microsoft Equation 3.0 (номер формулы у правого края в скобках), описание используемых в формулах обозначений дается в строку подряд.

5. Размер рисунков, выполненных на компьютере, не более 12x15 см.

6. Каждая Таблица должна быть напечатана с соответствующим заглавием и пронумерована, если их несколько.

7. Список литературных источников оформляется в соответствии с общепринятыми правилами, требованиями и подаётся общим списком в конце рукописи. В списке должны быть использованы минимум 15 публикаций за последние 5-10 лет. Список дается в порядке перечисления в тексте. Список литературы должен быть написан на латинице “References” независимо от языка.

8. Ссылка на литературу в тексте рукописи дается в квадратных скобках (например, [1, 2] или [1-4]). Неопубликованные работы не могут быть упомянуты и перечислены.

9. В списке использованной литературы необходимо использовать литературу зарубежных изданий из базы данных Scopus или Sciencedirect.

10. В аннотации сжато и точно должно быть изложено: основная цель статьи, основные результаты и рекомендации на трех языках (узбекском, английском и русском). Каждая аннотация должна содержать не более 150-300 слов. Название статьи и аннотация на узбекском языке должны быть написаны на латинице.

11. К статье должны быть приложены:

-дубликат рукописи статьи;

-электронная версия статьи.

12. К статье должны быть приложены: экспертное заключение, рекомендация - рецензия от организации отправителя и рекомендации кафедры (выписка из протокола заседания) к публикации в данном журнале.

13. В справке об авторах должны быть изложены: фамилия, имя, отчество (полностью); научная степень; учёное звание; должность и полное название учреждения, где проводились исследования, номера телефонов, а также адрес электронной почты.

14. Статьи, которые не соответствуют этим правилам и не сопровождаются необходимыми подтверждающими документами, не принимаются.

15. Редакция может вносить редакционные изменения в статью без согласия авторов.

16. Рукописи статьи авторам не возвращаются.

Редколлегия.

Muharrirlar guruhi: Y.O.Vaxabova
G.Sodiqova
J.Jurayev

Kompyuterda sahifalovchi-dizayner: J.Jurayev

Bosishga ruxsat etildi "25" dekabr 2021 yil. Bichimi 60x84 1/8.
Shartli bosma taboqi 5,0. Nusxasi 100 dona. Buyurtma № _____

Toshkent shahar Matbuot va axborot boshqarmasida
2020 yil "24" "06" "02-0023" raqam bilan ro'yxatga olingan.

Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti
bosmaxonasida tezkor bosma usulda bosildi.
100100, Toshkent, Shoxjahon ko'chasi, 5.